

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№4/2024



Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(Конституция куни муносабати билан байрам табригидан)

МУНДАРИЖА



48



80

34



76



24

44

8.
Кэшбэк – инглизча *cashback* сўздан олинган, «пулни қайтармоқ» маъносини билдиради. Яъни, тўланган сумманинг маълум қисмининг истеъмолчига қайтариб берилиши.

4. ШАРҚДАН НУР

Дунёни уйғотган аллома

12. СУЮНЧИ

Майсалар офтобга талпинган каби

16. КАРВОН ҚҰНФИРОҒИ

Онг оламидаги инқилоблар

24. БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Инсон бу — лойиҳа

30. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

Қалтис саволларга нозик жавоблар

34. ТУРКИЙЛАР

Нўғайлар кимлар?

44. ТАВСИЯ

Эшиклар очиқ, лекин...

48. ОТАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Сўнги жаҳиднинг қизи

102



62



16

96



68



4



56

88



56. БОНГ

Оралиқдаги хатарлар

62. МУЛОҲАЗА

Касбимни нега ўзгартирдим?

68. СУҲБАТ

Ижод оғриқлари

76. ДАРСХОНА

Қайсин Қулиев огоҳлантиради

80. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ

Қизиқчиликми ё
бузуқчилик?

88. ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Ҳинд йиғиси

96. ЭҲТИРОМ

Олисдаги дарё овози

102. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ

Фанда «европоцентризм» деган гайриилмий бир концепция бор. Унинг тарафдорлари илк маданият қадимги Юнонистонда пайдо бўлган, сўнгра XII-XVI асрларда яна Европа (Италия) «уйғонган», араблар асосан юнон фанини таржима қилиш билан шугулланиб, Европа уйғониш даврига етказиб берган дея иддао қилишади. Афсуски, орамизда бу гоյ издошлари ҳалигача учраб туради. Ҳолбуки, маданият, хусусан, фан тарихини чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, замонавий илм-фан тараққиёти қадимги Шарқ алломалари фаолияти билан муштарак эканини кўрамиз. Айниқса, бу борада буюк ватандошларимизнинг хизмати беқиёс.

Исматилла ТЎХТАРОВ,
Фарғона политехника
институту доценти,
фалсафа фанлари номзоди

ДУНИЁНИ уйғотган аллома

Тўғри, милoddан аввалги V-IV асрларда юнон фани ва маданияти гуллаб-яшнагани тарихдан маълум. Архимед, Пифагор, Арасту, Афлотун каби олимлар қолдирган илмий меросни инкор этиб бўлмайди. Бироқ милoddнинг IV асрига келиб юнон маданияти бутунлай инқирозга юз тутгани ҳам айна ҳақиқат. Машҳур Искандария кутубхонасини насроний мутаассиблар ёқиб юборгач, кўплаб олимлар Шом ва Ироқ шаҳарларига бошпана излаб кетган. Бу ерда улар асосан юнон олимларининг асарларини сурёний, яҳудий ва бошқа тилларга таржима қилиш билан шуғулланган, холос.

Тарихда Шарқ уйғониши, Араб уйғониши, Биринчи ренессанс деб номланадиган даврнинг бошланишида ўз даврида беқиёс шуҳрат қозонган Маъмун академиясининг роли катта бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дастлаб Хорун ар-Рашид, сўнгра Маъмун халифалиги даврида Бағдодда қулай шароит яратилиши натижасида турли ҳудудлардан олимлар келиб, ўзлари билан келтирган китобларини араб тилига таржима қилишган.

Шу ўринда европоцентристларнинг эътиборидан четда қолаётган бир муҳим омилни эслатиб ўтиш зарур. Гап шундаки, башарият тамаддуни қадимги Юнонистондан бошланган деган қараш мутлақо асоссиздир. Арасту ва Афлотунлар туғилишидан олдинроқ қадимги Хитой ва Ҳиндистонда ҳам юксак даражада тараққий этган маданият бор эди, бу юртларда илм-фан гуркираб ривожланган эди. Буюк ипак йўли марказида жойлашган Турон эса ўша қадимги маданиятларнинг барчасидан бирдай баҳраманд бўлаётганди.

Маданий дунёнинг сиёсий маркази Бағдодга кўчиши муносабати билан марказий осиелик олимларнинг мутараққий Шому Ироққа келиши билан, айтиш мумкинки, фанда «ижобий портлаш» рўй



Шарқ олимлари юнон фанидан қанча баҳраманд бўлган бўлса, минг йил жаҳолат зулматида ботган Фарб фани ҳам Шарқда кўтарилган илм-фан қуёши нури таъсирида кўз очган.

берди. Узоқ асрлар ҳукм сурган таржимачилик даври тугаб, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвазий, Баттоний каби буюк олимлар етишиб чиқди. Уларни юнон олимларининг таржимони ва ё шарҳловчилари деб аташ тарихий ҳақиқатга мутлақо хилоф.

Шарқ олимлари юнон фанидан қанча баҳраманд бўлган бўлса, минг йил жаҳолат зулматида ботган Фарб фани ҳам Шарқда кўтарилган илм-фан қуёши нури таъсирида кўз очган. Ўз вақтида Шарқ фани ва маданиятига беписанд бўлган немис файласуфи Ҳегел ҳам бу тўғрида «Нур – Шарқдан» иборасини қўллагани тан олинининг яққол тасдиғи бўлади. Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда илм-фаннинг юксалишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири миллатимиз ва юртимизни оламга танитган буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғонийдир.

Машриқу Мағрибни забт этиш


Буюк астроном, математик, географ, муҳандис бўлиш билан бирга ҳосиб, мунажжим ар-раис деган улуғ унвонларга эга бўлган Аҳмад Фарғонийни Фарб Алфраганус деб билади.



Оламнинг марказида Ер туриши ҳақидаги геоцентрик назария муаллифи юнонистонлик Клавдий Птолемей эди. У юнон астрономлари натижаларини умумлаштириб, машҳур «Алмагест» (арабча талаффузда «ал-Мажистий») асарини битган. Мазкур асар ўрта асрларда ҳам катта донг таратган ва қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган. Бу асарга мурожаат қилмаган астроном топилмаган.

Бизгача Аҳмад Фарғонийнинг саккиз асари етиб келган: «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум»), «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб», «Ал-Фарғоний жадваллари», «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола», «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида», «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб», «Ал-Хоразмий “Зиж”ининг назарий қарашларини асослаш».

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Фарғонийнинг мазкур асарлари оддий шарҳлардан иборат эмас. У Птоломейнинг илмий ғояларини ривожлантирган, янги ва оригинал фикр ва қарашлар билан бойитган. Аҳмад Фарғоний Ернинг шар шаклида эканини биринчи марта тўлиқ илмий исботлаб берган. «Ер шари олам сферасининг марказида жойлашган бўлиб, унинг осмон гумбазига нисбатан катталиги худди доиранинг маркази доирадан қанчалик кичик бўлишига ўхшайди» деб таъриф берган.



У Ернинг думалоқ ва шарсимонлигини ишончли далиллар билан исботлайдики, бу маълумотлар ҳамон илмий қийматини йўқотган эмас. Масалан, бир хил осмон ёритқичларининг ҳар хил вақтда кўтарилиши, тутилишининг ҳар хил жойларда кўриниши ва ҳоказолар. Қуёш, Ой чиққан вақтда ёки, аксинча, ботаётганда бу ҳодисаларни Ер юзасининг турли нуқталарида яшаётган кишилар баб-баравар кўрмайди. Ернинг шарқий томонида Қуёш ва Ойнинг чиқиши олдин кузатилади ёки ботиши ғарбий томонида

Аҳмад Фарғонийнинг китоблари XII асрда Испания, Италияда бир неча марта лотин тилига таржима қилинган. Фарбдаги университетларда ўқитилган.

турганлар учун кўринмайди. Бирор киши агар Ернинг жанубидан шимолига қараб йўл олса, илгари шимолдан чиқадиган ёритқичлар борган сари аниқроқ ва равшанроқ кўринадиган бўлиб боради. Аксинча, жануб томондаги ёритқичлар борган сари кўздан йўқолиб, умуман кўринмай қолади. Кузатувлар чоғидаги бундай ҳодисаларнинг барчаси Ернинг думалоқ шаклда экани туфайли рўй беришини Аҳмад Фарғоний алоҳида таъкидлайди.

Шу сабабли Аҳмад Фарғонийнинг китоблари XII асрда Испания, Италияда бир неча марта лотин тилига таржима қилинган. Фарбдаги университетларда ўқитилган. Алломанинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» XII асрдаёқ икки марта лотин тилига, XIII асрда Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган.

Асл номи «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомийъ илм ан-нужум» бўлган ушбу асарда осмон ва юлдузларнинг ҳаракати, уларнинг туркумлари ҳақида маълумот берилган. Нидерландия арабшуноси ва математиги Якоб Голиус 1669 йилда Амстердамда мазкур китобнинг араб ва лотин тилидаги матнларини нашр эттириб, Алфраганус номини бутун дунёга ёйишга катта ҳисса қўшди. Дунё астрономларининг бир неча авлоди Аҳмад Фарғоний асарларини ўқиб етук олим бўлди. Европа университетларида олим асарларидан ҳозирга қадар ноёб манба ва дарслик ўрнида фойдаланиб келинмоқда.

Машҳур италян адиби, Европа уйғониш даврининг вакили, шоир Дан-


те Алигйери (1265-1321) ижодида Аҳмад Фарғоний асарларининг таъсири катта. Шоир «Илоҳий комедия»сида Аҳмад Фарғонийнинг илмий-фалсафий қарашларини тараннум этган ва жаҳоннинг буюк даҳолари қаторига қўйган. Данте «Базм» асарида Аҳмад Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби»даги илмий тадқиқотдан иқтибослар келтирган. Аҳмад Фарғонийнинг маълумотлари бошқа астрономларникига қараганда тўғрироқ эканини таъкидлаган. Чунончи, «Базм»даги Ер билан Зухро ўртасидаги энг қисқа масофа Ер радиусининг 167 баробарига тенглиги Аҳмад Фарғоний ҳисоби билан бир хил.

Аҳмад Фарғонийнинг асарида «Аторуд қуёшга яқин бўлганидан нурга кўпроқ кўмилади. Шу боисдан уни кўриш қийин» деб қайд қилинган бўлса, бу фикр Дантенинг «Базм»ида «Аторуднинг иккинчи хислати шуки, у бошқа юлдузлардан кўра қуёш нурига кўпроқ чўмилади» тарзида келтирилган.

Шунингдек, Аҳмад Фарғоний асарларида келтирилган сайёраларнинг ҳаракати, юлдузлар миқдорига оид маълумотлар «Базм»да ҳам ўз аксини топган. Унда «Хушсаодат Беатриче ўзини таништиргунча Зухро икки марта юз



кўрсатишга улгуради» дейилади. Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум»ида «Зухро ўз доираси атрофини 1168 кечакундузда ёки уч йилу икки ойда айланиб чиқади» дейилган.



Испаниянинг Колумбия кутубхонасида машҳур сайёҳнинг ноёб бир дастхати бўлиб, унда Колумб ўз саёҳатлари ва тадқиқотларида Аҳмад Фарғонийнинг илмий меросига таяниб иш кўрганни кўрсатиб ўтган.

«Санта Мария»да сузган Фарғоний

Аҳмад Фарғоний асарларида географияга катта ўрин берилиши, иқлимлар ва мамлакатларнинг жойлашуви батафсил тасвирланиши европаликларнинг эътиборини тортган масалалардан яна бири эди. Зеро, аллома биринчи бўлиб аниқ географик хариталар тузишга йўл очиб берган. 1442 йилда дунё океанлари оша саёҳатга отланган Христофор Колумб Америка қитъасигача етиб боришда араб денгизчиларининг хариталаридан фойдалангани маълум.

Маълумотларга кўра, португалиялик бир денгизчининг қўлида араб олимлари тузган хариталар сақланиб қолган. Кейинчалик унинг қизига генуялик Христофор Колумб уйланиб, ўша хариталарга эга чиққан. Христофор Колумб айнан шу хариталарга таяниб экспедиция уюштирган ва бошқалардан бу ишини сир тутган.

Абу Райҳон Беруний сайёрамиз меридианининг бир даражасини ўлчашга оид фикрларини ёзганда хилма-хил қарашлар ва ўлчовларни солиштириб, Марвазий ва Фарғоний тузган «Миллар узунлигини даражаларда кўрсатув жадвали»ни анъанавий деб баҳолади. Ундаги ҳисоблардан унумли фойдаланган Колумб эса «Ер меридианларининг бир даражаси миқдори ҳақидаги Аҳмад Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла амин бўлдим» дея дастхат ёзиб қолдирган.

Испаниянинг Колумбия кутубхонасида машҳур сайёҳнинг ноёб бир дастхати бўлиб, унда Колумб ўз саёҳатлари ва тадқиқотларида Аҳмад Фарғонийнинг илмий меросига таяниб иш кўрганни кўрсатиб ўтган. Америка қитъасига саёҳати чоғида Аҳмад Фарғонийнинг Ернинг айлана ва шар шаклида экани тўғрисидаги фикрларини асос қилиб олган ҳолда йўлга отланган. Бироқ Осиёгача бўлган масофани қисқартириш мақсадида 7091 футдан иборат араб мили ўрнига 4856 футдан иборат рим милидан масофа ўлчови бирлиги сифатида фойдалангани боис Ер айланасига баҳо беришда хатога йўл қўйган.




Осмонга йўл

Аҳмад Фарғоний ўз қарашларида геоцентристик таълимотга таяниб иш кўрди. Унинг фикрича, Қуёш, Ой, бешта сайёра – Уторуд (Меркурий), Зухро (Венера), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер), Зухал (Сатурн) ва 1022 та юлдузнинг ҳаракатланиш сфералари осмон гумбазларидир. Осмон ёритқичларининг ҳаракатланиш сфераси саккизта бўлгани боис қадимдан одамларнинг коинот ҳақидаги тасаввурларида олам саккиз қаватдан иборат деган ақида ҳукмрон бўлиб келган. Бу ёритқичларнинг сфералари доира шаклидадир. Етти сфера еттита сайёраники, саккизинчиси эса ҳаракатсиз юлдузлар сферасидир. Ҳар бир сфера ўзидан кенгроқ сферанинг ичида жойлашган.

Ўша даврларда билишнинг асосий усули асосан оддий кузатишдан иборат бўлган. Шу боис Фарғонийга Ердан қараганда у бутун оламнинг маркази бўлиб кўринган. Шунинг учун «энг кичик сфера Ойникидир» дейди у. Ана шу тарзда Ой сферасидан кенгроғи Меркурийники, учинчиси Венера, тўртинчиси Қуёш, бешинчиси Марс, олтинчиси Юпитер, еттинчи бўлиб Сатурннинг сфераси жойлашган. Етти сайёранинг ҳар бирида Ердан энг узоқ ва энг яқин бўладиган вақти бўлади. Сайёралар узоқлашганда уларнинг ҳаракати секинлашганга, яқинлашганда эса тезлашганга ўхшайди. Аслида эса уларнинг ўртача тезлиги ҳамиша бир текисда ўз орбитаси бўйлаб кечади.

Оламнинг айланиши ва ҳаракатланиши туфайли рўй берадиган тун билан куннинг тенг келиш ҳодисаси ҳам барча замонларда ҳаммани қизиқтириб келган. Аҳмад Фарғоний эса бу саволга Қуёш доираси (эклиптика) осмон экваторини кесиб ўтган ва горизонт тенг иккига бўлинган чоғда рўй беришини илмий асослаб тушунтирган. Шунингдек, Қуёш



Ўша даврларда билишнинг асосий усули асосан оддий кузатишдан иборат бўлган. Шу боис Фарғонийга Ердан қараганда у бутун оламнинг маркази бўлиб кўринган.

ва Ой тутилиши ҳодисасининг сабабларини ҳам аниқлаб берган. Ой Қуёшнинг қаршисида турганида Аждаҳо буржининг боши ва думига яқинлашади. Ўшанда Ойда Ернинг соясидаги узоқлашув кенглиги бўлмайди. Шунинг учун Ой Ернинг сояси ичида ҳаракатланади. Чунки Ер Қуёш нурини тўсиб қолади. Ана шу соя ўтиб кетгунга қадар Ой тутилиши содир бўлади.

Қуёш Аждаҳо буржининг боши ва думига яқин келган ҳолатда эса Ой Қуёш билан учрашади. Бу вақтда Ойда Қуёш йўлидан узоқлашув кенглиги бўлмайди. Энди Ой Ер билан Қуёш оралиғидан ўтади ва Қуёш нурларини тўсиб қўяди. Шунда Ерда Қуёш тутилиши юз беради.



Фарғоний ва йил тақвими

Аҳмад Фарғоний тақвим муаммолари билан ҳам шуғулланган, ислом тақвимининг тузилиши ҳамда ойларни таърифлаб берган. Масалан, «ақраб» суратини аллома ҳаракатсиз чизиб, орасини хаёлий улаганда чизиқлар чаён шаклига ўхшаган. Ана шу сабабли Ер курраси мазкур юлдузлар доираси билан муносабатда бўлса, ўша вақтни «ақраб» деймиз. Бу йилнинг октябр ойи охири – ноябр ойининг биринчи ярмига тўғри келади.


Афсуски, Аҳмад Фарғоний шуғулланган тақвим муаммоси ҳозиргача тўлиқ ечимини топгани йўқ. Йилнинг тўрт фаслдан иборатлиги, фасллар орасидаги муносабатлар географик кенгликлар билан боғлиқ бўлиши (масалан, Ернинг шимолий яримшарида ёз фасли бўлганда, жанубий яримшарида қиш бўлиши) маълум ҳодиса. Бундаги номаълумлик вақт ўлчамининг қандай бўлишидир. Ана шу муаммони ҳал этишга Фарғоний улкан улуш қўшган. Бунинг учун ўша вақтгача яратилган барча халқларга хос тақвимларни синчиклаб таққослаган.

Аниқ тақвим яратиш учун уринишлар кўп бўлишига қарамай бугунги кунга қадар бунга эришилгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири, афтидан, бир сутка ва бир йилда оламнинг чархпалак мисол айланишини рақамлар билан ифодалашда йилни сутка билан рационал, бутун сонлар ёрдамида ўлчашнинг имкони бўлмаётганидир. Буни айлана узунлигини унинг диаметрига тақсимлаганда ҳеч қачон яхлит ва бутун сон ҳосил бўлмаслигига қиёслаш мумкин. Шу маънода бундан кейин ҳам мутлақ аниқликка эга бўлган тақвимни ҳеч ким ҳеч қачон ярата олмаса керак.

Замонавий ҳисоб-китобларга кўра Ер Қуёш атрофини бир марта тўлиқ айланиб чиқишига 365 сутка 6 соат 48 дақиқа 46 сония вақт сарфлайди. Бу муддат Ер йили

деб аталади. Бироқ тақвимда бир йил 365 кун деб қабул қилинган. Аммо Ернинг Қуёш атрофида тўлиқ айланиб чиқиши учун яна 6 соатдан ортиқроқ вақт ўтади. Ушбу «ортиқча» вақт инobatга олинмаса бир қанча минг йиллардан сўнг тақвимда катта чалкашликлар рўй бериб қолиш эҳтимоли бор. Ана шу муаммонинг олдини олиш мақсадида замонавий тақвимга «кабиса йили» киритилган

Ойнинг жануби-ғарбий баланд тоғли қисмида жойлашган, гардиши айлана шаклида ва ўткир қиррали бўлган Алфраганус кратерининг диаметри 12 милга (салкам 20 км) тенг.



Олимнинг Ойдаги уйи

Таниқли астроном Ян Ҳевелий 1647 йилда нашр эттирган «Селенография» китобида Ойнинг илк харитасини илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди. Унда олим Ой юзасида аниқланган кратер-



ларни ўша даврдаги маълум ва машхур бўлган астрономларнинг номлари билан атаган. Ҳевелийнинг холис ва адолатпарварлиги билан Улуғбек, Баттоний, Тусий сингари кўплаб Шарқ олимларининг номлари ҳам Ой сиртида абадийлашди. Кратерлардан бири Алфраганус деб номланди. Ойнинг жануби-ғарбий баланд тоғли қисмида жойлашган, гардиши айлана шаклида ва ўткир қиррали бўлган Алфраганус кратерининг диаметри 12 милга (салкам 20 км) тенг.

Афсуски, СССР даврида буюк юртдошимиз Аҳмад Фарғонийнинг фан тарихидаги ва умуман башарият олдидаги хизматлари адолатсиз равишда ёритилмай келинди. Чунончи, Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилганлиги совет даврида нашр этилган биронта ҳам қомусда қайд этилмаган. Дунёнинг буюк фалакиётшунос алломаларидан бири бўлишига қарамасдан ўша давр астрономия дарсликларида ҳам Аҳмад Фарғонийнинг номи деярли тилга олинмаган. Таассуфки, бундай адолатсизлик собиқ иттифоқ даврида чоп этилган кўплаб манбалар қатори «Ўзбек совет энциклопедияси» китобида ҳам учрайди.

Ҳолбуки, XVIII асрнинг машхур фаранг маърифатпарвар мутафаккирлари Дени



Афсуски, СССР даврида буюк юртдошимиз Аҳмад Фарғонийнинг фан тарихидаги ва умуман башарият олдидаги хизматлари адолатсиз равишда ёритилмай келинди.

Дидро ва Жан Лерон Даламберлар томонидан яратилиб, фан тарихида чуқур из қолдирган машхур «Энциклопедия»да ҳам Аҳмад Фарғоний ҳақида каттагина мақола берилган.

Мухтасар қилиб айтганда, буюк аждодимизнинг асарлари ва таълимоти илк Шарқ ренессанси даврини бошлаб бериш билан бирга Шарқдан таралган ёрқин нур каби илм-фан ривожини Европа уйғониш даври томон етаклади ва ундан кейинги тараққиёт босқичларида ҳам инсоният маданияти ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Майсалар

офтобга талпинган каби...



Башариятни йўлга солган, охирзамон пайгамбари, жанобимиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган Қуръони карим китоби қарийб 15 асрки инсониятни маҳлиё этиб, ўзига чорлаб келади. Ушбу улуг китоб меҳрибон Оллоҳнинг сўзи ўлароқ ўз илоҳий мўъжизасини, қудратини то қиёмат қадар муқим тутгайдир. Инсон табиатида бир қизиқ ҳолат мавжуд: у бирор нарсанинг моҳиятига етса, ундан зерикади, узоқлашади. Бунга башарият тарихида мисоллар кўп. Бирор ҳунар ё илми ўрганиб бўлгач, бу манбанинг унга аввалгидек сири, қизиги қолмайди.

Шодмонқул САЛОМ

Аmmo муқаддас китоб вақт ўтгани сари бутун дунёнинг онгли одамларини ўзига тортиб, жалб этиб келмоқда. Айни шу ўринда «Нега шундай?» деган савол пайдо бўлади. Негаки, Оллоҳ таолонинг раҳмати бўлиб келган ушбу илоҳий дастурга инсо-

ниятнинг эҳтиёжи асло тугамайди. Инсон ҳамиша Қуръонга муҳтож. Чунки ундан ҳидоят топади, шифо топади, камолот топади, рўшнолик топади. Мангу зулматда қолиб кетишдек бадбахтликдан инсонни асрайдиган, Оллоҳнинг расулига нозил этилган муждаси Қуръондир.

Шу сабабли ҳам башарият Қуръонни турли давр ва маконларда ўз тилига имкони етганича, ўзи қодир қилганича истеъдод билан таржима қилиш, таҳлил ва тафсир этиш йўлида тиним билмайди.

Қуръони карим илк бор 1143 йилда лотин тилига таржима қилинган бўлса, ўтган тўққиз аср давомида бу китоб жаҳоннинг барча тилларига ўгирилди. Ҳатто кўп тилларга бир неча марталаб таржима қилинди. Масалан, француз, инглиз тилларининг ҳар бирига 120 марта таржима қилинган.

Ислом динининг равнақ топишида муҳим рол ўйнаган, азиз ва мукаррам имомлар, муҳаддислар, фақиҳлар, мутаржимлар ватани бўлган бизнинг юртимизда ҳам Қуръон таржимасига эътибор ҳамisha жиддий бўлган. Бироқ турли сиёсий вазиятлар, мустабид давр тақиқ ва тазйиқлари таъсирида бу хайрли иш ва тажрибалар анча оқсаб қолгани ҳам рост.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлабоқ муқаддас китоб таржимасига эътибор жиддий тус олди. Бу жараёнга қалбан, ботинан муслим бўлган халқимизнинг оташин қизиқиши ўзбек тилидаги Қуръон таржимаси пайдо бўлган кунларда яққол билинди. Шайх Алоуддин Мансур таржимасидаги Қуръон китоби «Шарқ юлдузи» журналида катта ададда босилиши мамлакатимизнинг маданий ҳаётида улкан воқеа бўлган эди. Сўнгра китоб ҳолида қайта ва қайта нашр этилди.

Айни бугунги кунларимизгача Ўзбекистонда ушбу китобнинг тан олинган, тугал нашрлари қуйидагилардир: Саййид Маҳмуд Торозий – Олтинхон Тўра таржимаси (1994), Шайх Ҳожи Муҳаммаджон Мавла-



вий Ҳиндистоний-Қўқандий таржимаси – «Баёнул-Фурқон фи таржиматул-Қуръон», Шайх Алоуддин Мансур таржимаси – «Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима», Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад

Юсуф таржимаси – «Тафсири ҳилол» (1991), Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси – «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» (2001), Шайх Усмонхон Алимов қаламига мансуб таржима – «Тафсири ирфон».

Яқинда таниқли шоир ва адиб, заҳматкаш олим Мирзо Кенжабек таржима қилган Қуръон китоби «Анварул-Қуръон Файзул-Фурқон» номи билан нашр этилди. Бу ўзбек тилидаги еттинчи тугал таржимадир.

Таржимага муфассир, ҳофизи Қуръон, ўн қироат бўйича ижоза соҳиби, илоҳиёт фанлари доктори, профессор Ҳасан Таҳсин ҳазратларининг таржимаси ҳамда таъвил, изоҳ ва шарҳлари асос қилиб олинган.

Китобнинг кириш қисмида таржимон ва изоҳлар муаллифи Мирзо Кенжабекнинг қуйидагича эслатмаси мавжуд: «Аллоҳнинг лутфу карами, ёрдами билан Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги еттинчи таржимаси 1430 йил, Робиул-аввал ойи-



Яқинда таниқли шоир ва адиб, заҳматкаш олим Мирзо Кенжабек таржима қилган Қуръон китоби «Анварул-Қуръон Файзул-Фурқон» номи билан нашр этилди. Бу ўзбек тилидаги еттинчи тугал таржимадир.



нинг 24-куни, жумъа кечасида (2009 йил 19 мартда) ниҳоясига етди. Сўнги таҳрири 1442 йил Рамазон ойининг 24-куни, пайшанбада (2021 йил 6 апрелда) туғалланди. Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин! Ҳазрати Расулulloҳ (саллolloҳу алайҳи васаллам) жанобимизга сўнгсиз салоту саломлар бўлсин!».

Ушбу эслатмани яна такрор этишдан мақсадимиз бор: муаллифнинг йигирма йиллик катта меҳнати, жидду жаҳд, чин эътиқод билан қилган холисаниллоҳ хизмати барча учун ибратдир. Улуғ денгизда олисдаги кема сари сузиб бораётган, ҳар дамда умри поёнига етиши мумкин бўлган бир инсонни кўз олдингизга келтириб кўринг. У кемага ета олармикан, нажотга эришармикан? Мирзо Кенжабек домланинг ушбу йўлдаги қилган ҳиммати ҳам айна ўша кишиникига менгзайди. Негаки, қалбини, ҳаёт маслагини Қуръон ва маърифатда деб билган бу инсон ҳаминиша ўзаро суҳбатларда ушбу таржима ҳақида сўзлар ва орзу этардики, «Ҳаётим маъноси, умримнинг гултожи бўлган ушбу таржимани поёнига еткарсам...». Шукрки, устоз ўз ниятига эришди. Ушбу нашр таржимачилигимиз учун ҳам катта улуш бўлди дейиш мумкин. Таржимоннинг энг аввало эътибор қилиши лозим бўлган жиҳати ўз она тилини мукамал билиш бўлса, иккинчидан мурожаат қилаётган манбасига ижодий муҳаббати ҳам ўта муҳимдир.

Таржима майдонига кираётган, Қуръондек табаррук китобни ўз тилига ағдаришга бел боғлаётган кишининг



Таржимоннинг энг аввало эътибор қилиши лозим бўлган жиҳати ўз она тилини мукамал билиш бўлса, иккинчидан мурожаат қилаётган манбасига ижодий муҳаббати ҳам ўта муҳимдир.

қандай шахс бўлиши лозимлиги, унинг бундай улкан вазифага лойиқлиги, маънавий ҳақи борлиги каби фазилатларни узоқ йиллар давомида таржимоннинг тийнатида кўриб келамиз. Ниҳоятда катта руҳий ва маърифий тайёргарлик, улуғлардан руҳсат олиниши ҳам мутаржимдан катта матонат ва муҳаббатни талаб этади.

Она тилини билиш дедик. Гап шундаки, араб тилида нозил бўлган Қуръонни ўзбек тилига

таржима қилишнинг катта масъулияти борки, бунинг учун таржимон аввало зўр тилшунос, адабиёт кишиси бўлиши лозим. Мирзо Кенжабек домланинг бу борада ҳам тақдир сийлаган жиҳати унинг зукко шоирлиги ҳамдир.

Мирзо Кенжабек домла шу кунгача Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг «Сунани Термизий», «Аш-Шамоили ал-Муҳаммадийя», Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим

Нигора ҲУСАНОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти илмий ходими

ОИҚ

оламидаги инқилоблар




Авлодлар алмашинуви – тўхтовсиз кечадиган табиий жараён. Ҳар бир авлоднинг ўз қарашлари бўлганидай, феълларида ҳам фарқли жиҳатлар бор. Охирги йилларда авлодлар алмашинувига илм-фан ҳам қизиқиб қолди ҳамда мазкур жараённи чуқур ўрганишга киришди. Натижада ҳар ўн йилда бир авлодга умумий ном бериладиган бўлди.

«Маънавият» асосий тушунчалар лугатида авлод тушунчасига «тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриёдлари, кенг маънода эса миллат, халқ, цивилизация ривожининг муайян босқичида ягона ғоя, мақсад ва вазифалар билан майдонга чиқадиган, тараққиёт жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаб, ўз даври қиёфасини белгилаб берадиган, ижтимоий ҳодиса даражасигача кўтариладиган кишилар гуруҳи» дея таъриф берилган.

Ўн-ўн беш йил илгари фарзандларимизни компьютер технологиялари асри болалари дер эдик. Сал ўтмай рақамли технологиялар ва нанотехнологиялар асри болалари каби атамалар нутқимиздан ўрин олди. Ҳали бу тушунчаларга кўникиб улгурмасимиздан тилимизда сунъий интеллект даври болалари деган янги атама пайдо бўлди. Гўдаклигидан интернет ва рақамли технологиялар оғушида вояга етаётган бугунги болалар билан катта авлодлар ўртасида жиддий фарқ бор. Жоиз бўлса, ҳозирги авлод вакиллари онаси қорнидаёқ гаджет ва смартфонлардан фойдаланишни ўрганиб туғилаётгандай кайфият беради кишига. Ҳа, ақл-идрок ва илм-фан ривожининг биологик аслиятига таъсир этиб, юз тузилишидан дунёқарашигача сезиларли ўзгартирди. Шундай экан, инсон қалби ва онги учун кечаётган шиддатли курашда ёшларимиз ёт кучларнинг қуролига айланиб қолмаслиги учун муносабатларни тўғри йўлга солиш ва ҳар бир авлоднинг хусусиятларини алоҳида ўрганиш долзарб масалага айланиб бораётир.

«Авлод назарияси»ни илк бор америкалик тадқиқотчилар Нил Ҳоу ва Уилям Страус тадқиқ этиб, 1991 йилда турли ёшдаги кишиларнинг умумий фалсафасига асосланган концепцияни ишлаб чиқиб, «Авлодлар» номли китоб чоп этди. Китобда 1584 йилдан бошлаб АҚШ ҳудудида



«Авлод назарияси»ни илк бор америкалик тадқиқотчилар Нил Ҳоу ва Уилям Страус тадқиқ этиб, 1991 йилда турли ёшдаги кишиларнинг умумий фалсафасига асосланган концепцияни ишлаб чиқди.

яшаб ўтган ҳар бир авлоднинг тарихи батафсил таҳлил қилинди. 1997 йилда улар «Тўртинчи бурилиш» деган китоб ёзиб, авлодлар ҳар 20-25 йилда хусусиятини янгилайди деган ғояни илгари сурди.

Олимлар ғарбда яшаб ўтган авлодларни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганган: «Arturian» (1433 – 1460-йиллар), «Gumanist» (1461-1482), «Reformatsiya» (1483-1511), «Repressiya» (1512-1540), «Yelizabetta» (1541-1565), «Parlament avlod» (1566-1587), «Puritan» (1588-1617), «Ritsarlar» (1618-1647), «Shonli» (1648-1673), «Ma'rifatli» (1674-1700), «Uyg'onuvchi» (1701-1723), «Ozodlik» (1724-1741), «Respublikachi» (1742-1766), «Murosa» (1767-1791), «Transsendent» (1792-1821), «Oltinlangan» (1822-1842), «Progressiv» (1843-1859), «Missioner» (1860-1882), «Yo'qolgan» (1883-1900), «Buyuk» (1901-1924), «Sokin» (1923-1943), «Baby boomer» (1943-1963), «X» (1963-1984), «Y» (1984-1996), «Zed» (1996-2010).



Шу кунларда тез-тез қулоғимизга чалинаётган «Zed авлод» атамаси илк бор «Тўртинчи бурилиш» китобида тилга олинган. Айрим манбаларда бу авлод вакиллари «Zumer»лар деб ҳам аталади. Мутахассисларнинг фикрича, «zumer» тушунчаси 1943 – 1963-йилларда дунёга келган «bumer»ларнинг ривожланган модели.

Биз бугун кўриб турган «Zumer» авлод гени «Zed»га нисбатан моделлашган бўлиб, ушбу атама жисмоний фаол чақалоқ «bebumer»ларга нисбатан ҳам айтилади. Айни пайтда унинг такомили «Zumer»лардир. Улар «Y»дан кейинги ва янги «Alfa» авлоддан олдинги табақа ҳисобланади. Ўрганишлар «Zed» вакиллари X ва Y авлодларнинг фарзанди эканини кўрсатади. Икки авлод бирлашувидан ҳосил бўлган ген ўзида янги-янги хусусиятларни намоён этиши билан фарқланади. Улардаги фаоллик, ақл-идрок, мулоҳаза қобилияти ва жамоа билан ишлаш хусусияти X-Y авлоднинг акси

бўлган Zeta генларининг трансформациялашуви ва етакчи ген хусусиятлари кучайиши натижасида геппир авлод қатлами шаклланишига олиб келди.

Жаҳон иқтисодиёти ҳамда технологиялар асри учун бу авлод вакиллари жуда муҳим аҳамият касб этади. Авлод хусусиятига кўра Bumer-X-Millennial-Zumer орасидаги тафовутлар кун сайин ортиб бормоқда. Ҳатто 2000-йилларда туғилган болалар билан 2015 йилдан кейин дунёга келганлар ўртасида фарқ бор. X-Y ва Z авлод ўртасида катта тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Авлодлар ўртасида Ер сайёрасининг ҳозирги ҳолатидан норози Bebi-Bomer авлод X-Y томонидан «zeta»ларга нисбатан дунёнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига бепарволигидан эътироз билдирса, Z вакиллари Bebi-bomer ва X-Y авлодларни бугунги ернинг шу ҳолга келишига сабабчи сифатида кўради.

Инсоният олдида турган энг катта муаммолардан бири табиий ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда инсон эҳтиёжларининг чексизлиги даврида BB, X-Y ва Z авлод вакиллари дунёқараши ўртасида кундан кунга ортиб бораётган тафовутнинг олдини олиш ўта муҳим ҳисобланади. Олдинги авлод билан солиштирганда, кундалик ҳаётида тез агрессия намоён этиши, ҳолати, жинс, дин ва мавжуд ҳолатларга ўзгача қарашлари, ўзининг алоҳида хусусиятга эга эканига ишониш авлодлар ўртасидаги фарқларни

BABY BOOMER

GEN X

GEN Y

GEN Z





таъминлайди. Айрим ривожланган мамлакатларда «Zumer»лар яхши хулқ-атвор эгаси саналса-да, атрофдаги воқеаларга бепарволиги ҳамда хатарга нисбатан ёндашуви билан ажралиб туради.

«Zumer»ларнинг ҳаёт тарзи ўзларидан аввалги авлод вакилларига қараганда анча секинроқ. Вақтга нисбатан қарашлари ҳам bebi-bumer ҳамда X-Y авлод вакиллариникидан тубдан фарқ қилади. Қатъий тартиб қоидалар ўрнини хотиржамлик, эркин ва вақтни ўз билганича сарфловчи авлод шаклланиши «bebi-bumer»дан то «zeta»ларгача бўлган табақалар ўртасида тушунмовчиликларни кучайтирмоқда.

Гап авлодлар ҳақида борар экан, улар билан боғлиқ катта гуруҳлар ҳақида тўлиқроқ маълумотни тақдим этиш зарур. Келинг, шу ўринда асосий катта гуруҳларни кўриб чиқамиз (йиллар турли манбаларда ҳар хил кўрсатилган, фарқи 1-3 йил ва улар муддаонинг умумий моҳиятига таъсир қилмайди).

«Bebi-bumer» – бу авлод 1943 – 1963-йилларда туғилганлар. Улар ўзига талабчан, жисмоний меҳнатга мослашган, ишга қизиқади, жамоавий меҳнат билан шуғулланишни хоҳлайди ва жамоавий ўйинларни ёқтиради. Айни вақтда бу қатламнинг асосий қисми пенсияда, лекин улар орасида ишлаётганлар ҳам бор. Уларнинг яна бир ўзига хос томони қийинчиликларга бардошлилиги. Муаммоларни гапиришдан қўрқмайди ва дунёнинг ўзгаришига ишонади. Иш ва карьерага кўп вақт ажратгани боис ушбу авлод вакиллари орасида оиласидан ажрашганлар кўпроқ.

X (номаълум) авлод 1963 – 1984-йилларда туғилганлар бўлиб, кўпроқ ўзига ишонади, ўзгача ўйлайди, дунёдаги ўзгаришлардан доим хабардор, керакли вақтда танлаш ва ўзгариш қобилиятига эга. Кўпинча руҳан ёлғиз ва индивидуал мақсадларга эришиш учун қаттиқ меҳнат қилишга тайёр, профессионал ўсишга ҳаракат қилувчи кишилар жамоаси. Улар



«bebi-bumer»дан фарқли ўлароқ, бутун кучини оиласининг фаровонлигига қаратади. Фарзандларига ўзида йўқ бўлган ҳамма нарсани – яхши кийим-кечак, замонавий гаджетлар, олий маълумот, машина, квартира ва ўзини қулай, мустақил ҳис қилишига ёрдам берадиган барча нарсани беришга тайёр. Давлат ёки ижтимоий ёрдамларга ишонмайди, фақат ўзига таянади. Ҳаёт ва ишда аниқ вақт ва чегараларни яхши кўради.

Ҳ (Millennials) авлод вакиллари 1984 – 1996-йилларда туғилган одамлар. Улар жамоатчилик идрок этиши энг қийин бўлган авлодлардан бири. Бу ном латинча «мингйиллик» сўздан келиб чиққан. Ушбу тоифадаги одамлар жуда қийин даврда ўсган: қайта қуриш, урушлар ва эпидемиялар. Бироқ бу даврда ахборот технологиялари соҳасида глобал тараққиёт кузатилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Смартфонлар туфайли улар «бош бармоқ авлоди» деб ҳам аталади. Чунки улар бир бармоқ билан телефонда хабарларни биринчи бўлиб ёзган. Бу болаларда мақсад сари интилиш ва муваффақият тушунчалари бошқачароқ. Кўп ҳолларда уларга профессионал фаолиятни энг қуйи поғонадан бошлаш ёқмайди. Бир неча йилдан кейин уларни «кўтаришлари»га умид қилади. Асосий эътибори тезлик билан ўсишга қаратилгани уларнинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Бу камчилик бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳада профессионал бўлишга интилиш орқали билинмай кетади, яъни

уларга фақат бир йўналишда мутахассис бўлишга «рухсат йўқ». Ҳ авлод замонавий бизнеснинг умиди, ишда вақтидан кўпроқ ишлашга тайёр; уларда техник саводхонлик ҳам юқори. Кўпчилик экспертлар Ҳ авлод вакиллари тез орада глобал ишчи кучига айланишини таъкидлайди. Шунингдек, улар ўқиш ва иш фаолиятини бошлагунга қадар ота-она таъминотида бўлиши билан ажралиб туради.

«Zed» авлод ёки «zumer»лар постмодернизм ва глобаллашув даврида (1996-2010) туғилган одамлардир. Уларни қўлларида смартфон ёки планшет билан туғилган дейиш мумкин. Бола ҳали ўқиш ёки гапиришни билмайди, лекин планшет ё компьютерни қандай ёқишни билади. Бошқача қилиб айтганда, «zumer»ларни тарбиялашда нафақат ота-оналар, балки турли ижтимоий тармоқлар ва кўплаб блогерлар ҳам иштирок этмоқда. Уларнинг ҳовлидаги дўстлар билан боғлиқ болалик хотиралари йўқ. Шунинг учун улар жамоада ишлаш тажрибасига эга эмас.

Файласуф Шавкат Тўраевнинг таъбири билан айтганда, бугун болалар кўчага чиқиб, жўрасини ёки дугонасини бирор ўйин учун чақириб, унинг ота-онаси жавоб бергунча кутиб ўтиришига ҳожат йўқ. Ҳ ўзининг смартфони, айфони билан хоҳлаган жойида ўтириб мулоқотни давом эттираверади...



«Zed» авлод ёки «zumer»лар постмодернизм ва глобаллашув даврида (1996-2010) туғилган одамлардир. Уларни қўлларида смартфон ёки планшет билан туғилган дейиш мумкин. Бола ҳали ўқиш ёки гапиришни билмайди, лекин планшет ё компьютерни қандай ёқишни билади.

Одатда инсон ўзини таний бошлаш жараёнидаги илк қадамларидаёқ атрофдагилар билан мулоқот бошлайди. Улардан сўрайди, бирга ўйнайди ва ана шу дўстлик, яқинлик ва ўйинлар натижасида унинг дунёқараши шаклланади. Кўришиб турибдики, кишиларнинг ижтимоий ҳаётда муносабатга киришишида оила, мактаб ва жамият бошланғич қадам ҳисобланади. Айнан шу қадамларни қўйишдаги оқсоқлик кишиларни реал ҳаётдан виртуал ҳаёт сари шиддат билан олиб кетиши мумкин. «Zed» авлодда ҳам ушбу ҳолатлар кузатилгани боис уларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш керак.

«Alfa» атамасини австралиялик тадқиқотчи тавсия этган, бу авлод вакиллари 2010 – 2024-йилларда туғилганлар. «Alfa»лар XXI асрда туғилган авлод бўлиб, 2 миллиарддан ортиқ. Уларнинг барча ўтмишдошларидан фарқи шундаки, ҳар қандай муҳим мавзулар: сиёсат, иқтисодиёт, руҳият, болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар, дунёдаги глобал ўзгаришлар ва бошқалар бўйича ўз нуқтаи назари ва аниқ позициясига эга эмас. Уларга осон таъсир ўтказиш мумкин. «Alfa»лар жуда ёшлигиданоқ сўзларини бошқалар тинглашини қадрлайди, янги билимлар олишни яхши кўради, лекин катта ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

Улар асосий маълумотларни интернетдан олгани туфайли билимлари ҳаддан ташқари мавҳум, аниқ манбага эга эмас. Шу нарса келажакда уларга панд бериши мумкин. «Alfa»лар мактаб ва олий ўқув юртлирида таълим олиш, ўрганишда нима фойдали эканини у қадар тушунмаганликлари сабабли дарсларда қушларни санаб ўтиришлари ҳамда ёзувда хатоси бор-ўқлигидан ташвишга тушмайдиган авлод ҳисобланади. Илгари «bebi-bumer» ва бошқа авлодлар соатлаб ҳуснихат ва имло устида ишлаган бўлса, «Alfa»лар умуман таълимда



Ҳозир дунёдаги ҳар тўртинчи бола уч-тўрт ёшида, ҳар учинчи бола беш-етти ёшида ва ҳар иккинчи бола саккиз-ўн бир ёшида шахсий гаджетига эга.

ёзиш керакми деган саволни илгари суришмоқда. Улар ўзлари учун зарур бўлган таянч билимларни интернетдан олиши боис интернетни ўқитувчи дея эътироф этмоқда. Аммо улар ажойиб, кўп қиррали ва инновацион, креатив фикрлаш қобилияти кучли экани билан ажралиб туради. Шунингдек, улар жуда инжиқ ва ақлий жиҳатдан беқарор шахслар, нарциссизм ва худбинликка мойил. Агар уларнинг илтимоси рад этилса, жанжал чиқариши мумкин. Бу тоифадаги одамлар эркин ижодкордир. Уларга қулай шароит, барқарор иш ва молиявий имтиёз керак эмас. Уларни янги ва нотаниш нарсалар жалб этади. Уларга қаерда ухлаш ёки нима қилишнинг фарқи йўқ.

«Alfa»ларни пул, қимматбаҳо машина, квартиралар қизиқтирмайди. Кўчма маънода улар ўзига хос кўчманчилар. «Ҳамма нарсага боғланиш яхшилик келтирмайди, квартира ё машинани ижарага олиш мумкин экан, нега уларни сотиб олиш керак?»

деб ўйлайди. Моддий ёки молиявий кўрсаткичлар муҳим эмас. Энг муҳим мезон – маънавий-руҳий восита ва жараёнлардир. Уларга ҳаётда янги ҳисларни бошдан кечирिशга имкон берувчи тадбирлардан бошқаси қизиқмас. Улар ўз-ўзини тарбиялашга кўпроқ қизиқади. Ўтмишдошларидан ғайриоддий фикрлаши ва эрта вояга етиши билан ажралиб туради. Болалигидаёқ онам ёки отам ким учун ишлайди, қанча маош олади, бу пул уларга етадимми-йўқми сингари саволларга қизиқади.

«Alfa» авлод интернетнинг доимий фойдаланувчиси саналади. Икки ёшли болаларнинг 80 фоизга яқини аллақачон смартфон ва планшетларда ўйин ўйнамоқда. Ҳозир дунёдаги ҳар тўртинчи бола уч-тўрт ёшида, ҳар учинчи бола беш-етти ёшида ва ҳар иккинчи бола саккиз-ўн бир ёшида шахсий гаджетига эга.

«Alfa» – камар билан калтакланмаган биринчи авлод десак адашмаймиз. Инсон онгида сезилмайдиган бу инқилоб

қачон бўлганини тушуниб етиш амримаҳол. Йигирма йиллар аввал ножўя қилиғи ёки хулқи учун фарзандига тарсаки туширган ота-онага ҳеч ким эътибор қаратмасди. Бугун бу иш кескин қораланади. Смартфон ёки телефонга ёзиб олинади. Ижтимоий тармоққа жойланади. Сўнг бола ҳимояси учун васийлик хизматлари ҳаракатга тушади. Шу боис ота-оналар замонамиз болаларига нисбатан зулм қилиш, ҳатто ортиқча тергашдан ҳам ўзини тиймоқда.

«Alfa»лар ҳаддан ташқари аччиқланмайди, бироқ ёшлигиданоқ кадр-қимматини талаб қилади. Кекса кишилар билан ҳам худди ўртоғи каби гаплашади. Мустақил ҳаёт ҳақиқатини қабул қилиши ўта мушкул. Аввалги болалар етти-тўққиз ёшида овқат тайёрлашни эплаган, мактабдан ўзи уйга кела олган. Ҳозиргилар оналари ва оталаридан фарқли ўлароқ, ниҳоятда ночор ва ожиз, таъбир жоиз бўлса, мустақил эмас.



Таҳлилларга кўра «Alfa» авлоднинг қуйидаги хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- улар деярли ҳамма нарсада амалиётчи;
- мода бўлган (тренддаги) нарсаларни яхши кўради. Ўйинчоқ, кийим-кечак ва замонавий жиҳозларга қизиқади;
- бир зумда ҳар қандай нарсага қизиқиши сўнади, уларни ҳайратда қолдириши ёки хурсанд қилиш қийин;
- яхши суратга тушади;
- ҳали катталар ҳам тушунмайдиган замонавий таҳрирлаш воситаларини осон ўзлаштиради;
- ота-оналарга ёрдам берадиган бир қатор психологик усулларни билади ҳамда ўзининг аҳволини осон таҳлил қилиб, тушкунликнинг сабабларини тушуниши ёки, аксинча, ўз руҳини кўтариши мумкин;
- ҳар қандай жазога тайёр, нима бўлишидан қатъи назар ўз жойида туради. Ўн йил аввалги болаларга бегона туюлган кўплаб масалалар юзасидан билимли ва малакали. Масалан, ота-она ўртасидаги муносабатлар, оиладаги молиявий муаммоларнинг сабаблари ва пул нима учун кераклигини таҳлил қила олади. Маълумотларни жуда тез қайта ишлайди ва батафсил таҳлил қилади.



«Alfa» – камар билан калтакланмаган биринчи авлод десак адашмаймиз. Инсон онгида сезилмайдиган бу инқилоб қачон бўлганини тушуниб этиш амримаҳол. Йигирма йиллар аввал ножўя қилиғи ёки хулқи учун фарзандига тарсаки туширган ота-онага ҳеч ким эътибор қаратмасди.



«Alfa» авлодда энг кўп кузатиладиган камчиликлар:

- клип хотира;
- рақамли аутизм;
- дофамин танқислиги;
- ҳаётий иммунитетнинг сустлиги.

Авлодларнинг ҳар бири ҳақида ўқиб, бир-бирига солиштириб айрим хулосаларни чиқариш мумкин. Шу билан бирга улар ўртасидаги фарқ шартли эканини ҳам унутмаслик лозим. «Baby-Boomers», «X-Xer», «Y-Millennials», «Zed» ва «Alfa» авлодлар ўртасида фарқларнинг юқорилиги технологик тараққиётнинг ривожланиши билан боғлиқ. Бугунги иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-маънавий, табиий-экологик омил ва таҳдидлар туфайли авлодлар қисқа вақт ичида мутацияга учради. Натижада уларнинг ривожланиши тезлашиб, руҳиятида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда. Инсон илми ва тараққиёт таъсири туфайли туғилиши биланоқ смартфон ва гаджетга эга «Zed» ва «Alfa» авлод шаклланди.



Ҳар бир одамнинг ҳаётида маълум манзилга етганда бурилиш нуқтаси бўлиши муқаррар. Умр йўлидаги энг қизиқ ҳодиса ҳам шу. Чунки шунуқтада инсон ўзгаради, ҳаёт ўзгаради. Унинг қандай содир бўлиши эса одамнинг нияти билан боғлиқ. Инсоннинг қалби ва тафаккурини ўзгартириш осон эмас. Бурилиш нуқтаси кимнингдир ҳаётида олти ёшида, яна кимдадир олтмиш ёшида содир бўлиши мумкин. Муҳими ёшда эмас, муҳими

инсоний ислоҳотларда. Халқ ва миллат ҳаётида тарихий бурилишлар бўлгани каби ҳар бир инсон ҳаётида ҳам бу кечмиш кечди. Бу шунчаки кечмиш эмас, балки катта сабоқдир. Бу ҳақдаги ҳикояларни таниқли ва машҳур кишилардан кўп эшитамиз. Ўйлаймизки, ўзбек зиёлиларининг бу борадаги хотиралари ҳам журналхонларимизга қизиқ. Мазкур янги рукнда таниқли ёзувчи Назар Эшонқулнинг фикрларини ҳавола этамиз.

Таҳририят

ИНСОН БУ — ЛОЙИ ИХ



Назар ЭШОНҚУЛ

Болалигимнинг аксар қисми хотирамдан ўчиб кетган. Лекин негадир биринчи марта китоб ўқиганим эсимдан чиқмайди. Эҳтимол, бу биз яшаётган дунёга нисбатан китоблар кўнглимизга мос тушгани сабабдир. Ёки китоб хотирани мустаҳкамлагани учундир...





Фото ©Дирк СКИБА

Опам мендан уч ёш катта эди. У иккинчи синфга борганда мен ҳам опамга қўшилиб ўқишни ўрганиб олганман. Ўша давр «Ўқиш китоби»даги барча эртак ва ҳикояларни ўқиб чиққандим. Менга айниқса айиқ келиб қолганда дўстини ташлаб қочган одам ҳақидаги эртак ёқарди. Биз тоғ қишлоғида яшардик. Онда-сонда оч айиқлар қишлоқ оралаб қоларди. Қишлоқдагилар милтиқ отиб, шов-шув кўтариб уларни ҳайдашарди. Мен эса томнинг устида уларга ачиниб қараб ўтирардим. Менга улар бу ерга худди ўша ўқиганим эртакдаги каби дўст излаб келгандай туюларди.

Мактабга борганимда муаллимларимиздан бири «Ўқиш» китобидаги барча шеър ҳикояларни ўқиб чиққаним учун мени учинчи синфда ўқийдиган бир қариндошимизнинг ўрнига ўтқазиб, «Бу энди учинчида, сен эса биринчида ўқийсан» деб изза қилган. Шу изза эвазига ўша қариндошимиз мени то эсимизни танигунча кўз очиргани қўймаган: кўрган ерида турткилаб, бурнимни қонатиб юрган. Ўшанда биринчи марта китоб ўқиганим учун жазони ҳам ҳис қилганман.

Китоб ўқишга қизиқишимни бу жазолар барибир сўндирилмаган. Иккинчи синфни битирганимда отам Шаҳрисабзга – бозорга тушганда менга битта эртак китобини олиб келган. Ўша китоб номи ҳали ҳам эсимда. «Али баҳодир» деб аталарди. Кейинчалик, университетда ўқиб юрганимда бу китоб курд эртаклари эканини билдим. Аммо у пайтлар бу эртаклар менга бошқа бир халқники бўлиб туюлмаган: уларни ўз эртакларимиздай қайта-қайта ўқиб чиққанман. У ерда фаройиб эртаклар бор эди. Мен ўша хаёлий қаҳрамонларга ва воқеаларга ишонганман, ҳаёт менга бор бўйи билан эртаклардан иборат бўлиб туюлган.

“

*Опам мендан уч ёш катта эди.
У иккинчи синфга борганда мен
ҳам опамга қўшилиб ўқишни
ўрганиб олганман. Ўша давр
«Ўқиш китоби»даги барча эртак
ва ҳикояларни ўқиб чиққандим.*





Бу китоб менга хаёл суришни ва тасаввур қилишни ўргатган. Кейин кўплаб эртақ китоблар ўқидим. Ҳаммаси ҳам эсимда қолмаган. Фақат «Ёрилтош» эртаги эсимда. Қишлоқ аёллари уйимизга йиғилса мендан ўша эртақни ўқиб беришимни сўрашгани учундир? Радио, телевизор йўқ эди. Менинг ўқиб берган эртақларим бугунги сериаллар вазифасини ўтаган бўлса керак деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам оқибат ва инсонийлик кучли бўлгандир? Чунки эртақлар меҳру шафқат, мардлик, ҳалоллик, эзгулик ҳақида бўларди ва ҳаммасида ёвузлик барибир енгиларди. Шу сабабли ҳам бугунги кунимиздан фарқли равишда одамлар инсонийлик барибир ғалаба қилишига ишонарди, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром, мардлик ва кўрқоқлик, хоинлик ва жасорат, шафқат ва меҳр ўртасида аниқ чегара бор эди. Эртақлар бизни шунга ишонтирарди.

Бу, менимча, китоб ўқишнинг энг муҳим фазилати бўлса керак.

Эртақлар менга тоғу тош, ҳайвонлар, ўсимликлар, ҳатто ҳашоратлар ҳам акамиз ё укамиз, жигаримиз, биродаримиз эканини, кўз олдимиздаги дунё чегараларини тасаввур билан бўлса-да бузиб ўтишни ўргатган.

Эртақлар биз билган дунёдан ташқари ёнимизда, ичимизда кўзимизга кўринмас, аслида ҳақиқийдир, олам борлигига ишора қиларди.

Мана шу ҳис, шу ишонч пайдо бўлишнинг ўзи гуманизмни, унинг кўламини, масъулиятини англашнинг бошланишидир балки?

Китоблар мени тасаввурда бўлса ҳам бошқа дунёда яшашга ўргатди.

Эртақлар, демак, китоблар бизнинг моддий эҳтиёжларимиз кўйган, бизни ўраб турган қолипларни бузишга, ички бир эркинликка давъат қилаверади.

Олтинчи синфда Термиз шаҳрида касалхонага тушиб қолдим. Қанча ётганимни билмайман. Лекин ўшанда касалхона кутубхонасидан «Минг бир кеча»нинг уч томини топиб, ўқиб чиққанман.

Бу китоб менинг ўй-хаёлларимни бутунлай ўзгартириб юборган.

Эртақлар кўз олдингиздаги дунёнинг уқубати ва адолатсизлигидан ожизланиб қолганингизда шу дунёга зид бўлган, ўзингиз истаган нарсалар, эзгулик ҳамиша ғолиб ўз оламингизни яратиш имконини беради.

Эртақлар билан қаршингиздаги шафқатсиз дунёга қарши ўлароқ ўзингизнинг пешма-пеш дунёнгизни ярата оласиз. Шунда китоб сиз учун ёлғончи дунёда ўз ростингизни ярата оладиган, ўз дунёнгизни сақлаб қоладиган ягона бошпана вазифасини ўтайди.

Китоблар «Сен ўзи кимсан? Нега келдинг, мақсадинг нима, қайга йўл оласан?» деган лойиҳани қаршингизга кўндаланг кўяди.

Китоб ўқиркансиз, китоб ҳимоясига, китоб тасарруфига ўтасиз. Чунки бу ерда ҳамиша мардлик ва ҳалоллик, меҳр ва оқибат, инсонийлик ва виждон ғалаба қилади. Умуман, бу фазилатлар ўқишга арзийдиган барча китобларга тааллуқли. Шу китобдан сўнг мен учун халқ оғзаки ижоди ҳаётимнинг ажралмас бўлагига айланди.

Айнан ҳали бола бўлиб «Минг бир кеча»ни ўқиганман деганим учун адабиётни конфет сўриш деб биладиган ёш

муаллимимиз ҳамминг олдида изза қилган. Менга «Пўлат қандай тобланди?» деган романни ўқишни тавсия этган. Барибир Павел Корчагин менга Али баҳодирчалик завқ бермаган.

Мен ҳалигача у нима сабабдан изза қилганини тушунмайман.

Тўққиз-ўнинчи синфларда қирққа яқин дostonни ўқиб чиқдим. Ростини айтман, мен у пайтлари дostonнинг сюжети изидан қувиб юрардим. Аммо барибир ичимда Алпомиш нега ғайритабиий кучга эга, қандай қилиб Гўрўгли гўрда туғилиши мумкин, бу ерда ўзи нима сир бор, бу ердаги дунё нега кўз олдимиздаги дунёга ҳеч бир ўхшамайди деган саволлар пайдо бўларди.


Талабалигимизнинг биринчи йили бизга юнон мифологияси дарсини ўтишди. Бу тизимга солинган космогоник мифология эди. Мен бу мифологияга шунчалик ошно бўлиб қолдимки, оловбардор Прометей ва шўрпешона Медея ҳақида шеърлар ёздим. Улар шеър эмасди, аслида улар ҳайрат ва саволга тўла жавобсиз ҳиссиётлар эди.

Кейин ўзимизнинг халқ оғзаки ижоди ўтилди. Мен бу дарсларда 9-10-синфда дostonларни ўқиб олган таассуротимдан бошқа ҳеч нарса олганим йўқ. Бу дарслар менинг ўсмир ёшдаги саволларимга тўлиқ жавоб беролгани йўқ, шунчаки саноклар ўзгарди, жавобдаги моҳият ўзгармади.

Савол эса каттаверди. Нега бизнинг мифология юнонларники каби бир тизимга солинмаган? Бизда мифология бўлмаганми? Биз ўзи қайдан келдик, қайга кетамиз? Биз қайси дарахтдан ўсиб чиқдик? Биз ўсиб чиққан дарахтнинг илдизи қаерга туташади? Биз дунё яралганда борлиққа исм беришда иштирок этган миллатлар қаторига кирамизми ё йўқ? Ё биз тараққиётнинг кейинги қайсидир даврида тайёрига айёр бўлиб пайдо бўлган бир тўдамизми?!

“

Эртақлар биз билган дунёдан ташқари ёнимизда, ичимизда кўзимизга кўринмас, аслида ҳақиқийдир, олам борлигига ишора қиларди.



Масала шундаки, мифологик қарашларига қараб халқнинг азал ва абаддаги ўрни билинади. Космогоник қарашлар шу маънода мезонга ўхшайди. Қани бизнинг бир тизимга солинган космогоник қарашларимиз акс этган асотирлар?

Бу нафсоният ва шаън билан боғлиқ саволлар эди. Бу жавобсизлик бизга қолақ миллат сифатида қараётганларнинг ўчоғига ўт қалаб берарди.

Жавобни китоблардан изладим.

Кейинчалик Юнг, Фромм, Мелетинский тадқиқотларини, жаҳон адабиётидаги

асарларни ўқигач, ўша пайти қўйган саволларим ўзи жавоб бўлганини англадим.

Мана, ўша мутолаа қилган, ўзим савол қўйиб, китоб орқали жавоб топган қайдларим. Буларнинг кўпи савол тариқасида эди. Аммо китоблар менга излаган жавобларни топиб берди.

Юнон космогониясига кўра олам аввал хаосдан, газдан иборат эди.

Зардўшт мифологиясида олам аввал хаосдан, бўшлиқ ва бетартибликдан иборат эди. Рабғузийга кўра олам аввал гавҳар эди, гавҳар эриб суюқлик бўлди, суюқлик тутунга айланди. Олам тутундан яралди («Хабарда келтирибдиларки, Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳамма нарсадан илгари бир гавҳарни яратди. Бу гавҳарга ҳайбат назари билан қараган эди, у эриб кетди. Эриб сув бўлган гавҳардан ерни яратди. Сув устига тушгач, у кўпикланди. У кўпикдан тутун кўтарилди, у тутундан кўкни яратди». «Қисаси Рабғузий»).

Оламнинг аввали хаос мифлар тилига – бадий мушоҳадага, образларга қандай кўчади, қандай тасвирланади?

«Гўрўғлининг туғилиши» достони мутолаасидан саволларга жавоб топишга уриниб кўрганман.

Одилшоҳ ва Қовуштихон ўртасидаги зиддият ва ўзбўлармонлик, Шоҳдорхоннинг бостириб келиши, ўзбошимчалик, талаш, бўйсунмаслик – булар ҳаммаси тартиб ва қонун-қоидалар йўқлигини, дунёнинг, ҳаётнинг хаос эканлигини кўрсатмаяптими?

Одилшоҳ, Қовуштихон, Шоҳдорхоннинг ўзаро курашлари бошбошдоқликка, мазмунсизликка, бетартибликка, хаосга ишора қилмаяптими?

Тўлибой ва Бибиойшадан Равшан туғилди. Равшан ва Ҳилолдан Гўрўғли туғилди (баъзи бир версияларда Ҳилол нурдан, ёруғликдан ҳомиладор бўлгани келади). Гўрўғли гўрда туғилди. Кейин ер устига чиқди.

“

Оламнинг аввали хаос мифлар тилига – бадий мушоҳадага, образларга қандай кўчади, қандай тасвирланади?

«Гўрўғлининг туғилиши» достони мутолаасидан саволларга жавоб топишга уриниб кўрганман.

Етим тойчоққа қўй, эчки, туя, шер, йўлбарс, олқор, қуён, кийик, қулон, фил, карки, қундуз, балиқ, қуш, қоплон, тулки, този сутини ичирди, қушу-балиқларнинг жигарини едирди.

Бургут, туйғун, шунқор, лочин, динор, қузғун ва маймун жигарини едирди.

Кейин Афсар тоғига от излаб борди.

Афсар тоғи – парилар, илоҳлар яшайдиган тоғ. Арши аълонинг дostonдаги тасвири.

Гўрўғлининг бўлажак жуфти пари Мисқол ҳам шу ерда. Чунки у ҳам илоҳларга тааллуқли – пари.

У Гўрўғлига «Чўл оралаб, кўл оралаб азият чекиб келибсиз» дейди. У чўлга урғу беради. Чўл! Кўл! Улар ўзи нима? Нега барча дostonда қаҳрамон чўл ва кўлга дуч келади?

Гўрўғли отига илоҳалар ичида яшаётган Мисқол пари исм беради. Фирқўк, Фирот деб.

Хизр – илоҳий бобо шу ерда отни меники дейди, Гўрўғли меники дейди.

Уларнинг бу мунозараси илоҳийликка даъвогарликни эслатади.

Гўрўғли қувват меники деяпти. Хизр меники деяпти.

Кейин Гўрўғли Хизрдан отни сотиб олади.

Сотиб олиш савдони билдирадими? Ё бу осмон билан келишув, инсон ва илоҳий кучлар ўртасидаги битимми? Мантиққа

суянадиган бўлсак, илоҳий Хизрга танганинг нима кераги бор? Демак, бу – битим. Алп (юнон мифологиясидаги ярим илоҳ, ярим одам қахрамонлар) ва илоҳиёт ўртасидаги битим.

«Бобо»лар мажлиси Гўрўғлининг тақдирини белгилайди. Боболар орасида Соқи булбул ҳам бор. Соқи булбул Гўрўғлига далда бериб туради. «Каттароқ тилак тила» дейди. У гапларига ва Гўрўғлига хайрихоҳлигига кўра юнон мифларидаги ҳомий маъбудларни эслатади.

Шу мажлисда Гўрўғлининг тақдир чизиги чизилади. Унга от, янги қурилажак дунё – Чамбилга шоҳлик, париларга уйланиш, қирқ ўзбек уруғидан қирқ йигитни танлаб атрофида олиб юриши, умуман қирқ уруғни бирлаштириши, ўзи эса зурёдсиз ўтиши тақдир қилиб белгиланади. Жума куни ерни ларзага солиб, Соқи булбул бориши, Гўрўғлини тахтга ўтирғизиши айтилади. Рабғузийга кўра, жума куни одам яралган.

Афсар тоғи Олимпни эслатмаяптими? Умуман, бу ерда оламнинг яралиши ҳақидаги миф устида гап кетмаяптими?

Битта дostonдан излаб топган жавобларим шундай бўлган. Шу ҳиссиёт мени «Алпомиш»ни ҳам шу жавобларни излаб ўқишга ундади. «Алпомиш» ҳам ҳар қандай саволга жавоб беришга қодир бўлган дoston эди.

Китоблар ўзлари қўйган саволларга ўзлари жавоб беради. Бизнинг энг қадимги мифларимиз ҳам тарих силсиласида йўқолиб кетмаган, у кийимини ва қиёфасини ўзгартирган, у ҳамон ботинимизда – фақат китобларда хотира, ичимизда бегона бўлиб яшаяпти.

Китоб инсонни илдизига, ботинига боқишга, виждон ва иймон билан юзма-юз бўлишга, улар билан бирга яшашга ундайди.

Китоб – инсоннинг дунёни мукамал кўриш истаги ва хоҳиши ўлароқ дунёга келади ва дунёни мукамал кўришни истаганларни ўз бағрига олади.



Ҳар бир китоб шу орзунинг битта қадами, битта поғонаси.

«Ижод – кўз олдимиздаги дунёга қарши ўз дунёсини ярата олиш маҳоратидир», – дейди Камю.

«Инсон – лойиҳа!», – дейди Кьеркегор. Ибтидо ва интиҳони туташтирувчи лойиҳа.

Болалиқдан бошланган лойиҳанинг қандай лойиҳа эканига китоблардан жавоб топасиз.

Болалиқ шудгорга ташланган уруғга ўхшайди. Агар яхшилаб парвариш қилсангиз, албатта ҳосил оласиз. Агар муҳит қурғоқчиликдан иборат бўлса ёки вақтида ўғитини олмаса, умуман, парвариш суст бўлса, ҳосил ҳам шунга яраша, уруғи пуч, таъми тахир, тош босмайдиган, палағда бўлади. Палағда истеъдодлар палағда маҳсулотлар яратади. Бугунги кунимизнинг энг катта фожеаларидан бири – палағда истеъдодлар кўпайиб кетганида.

Бугунги дунё, шу пайтгача маданий онгнинг мезони бўлган ёввойи ё маданийларга эмас, китоб ўқиган ва ўқимаганларга бўлинаяпти.

Ўқимай қўйсак фикрлашдан, ўзимиздаги «лойиҳа»ни амалга оширишдан тўхтаб қоламиз. Тафаккур турғунлиги бошланади. Тафаккур турғунлиги тараққиётнинг, ҳаракатнинг, ўсиш ва ҳаётнинг турғунлигига олиб келади.

Китобсиз дунё менга шундай туюлади.

ҚАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР



Саволларга Ўзбекистон муслмонлари
идораси Фатво маркази бош мутахассиси
Ҳикматуллоҳ Тоштемиров жавоб берди

1

– Қишлоғимизда «қора қозон» деган одат бор. Бирор киши азадор бўлса, унга ҳамқишлоқлар ёрдам тарзида пул беради. Бир ҳисобда бу хайрли урф-дек. Бироқ ўша пулни ўрни келганда қайтариш лозим, худди тўёнадек.

Яна бир муҳим масала – худойи қилиш, яъни азадорлар уч кун ичида халққа ош ёки шўрва қилиб тарқатиши керак. Бунга кимнингдир қурби етади, кимнинг эса йўқ. Бироқ азали хонадон буни қилишга мажбур. Шу тўғрими?

– Халқ орасида вафот этган кишининг яқинларига ёрдам тарзида пул бериш урфга кирган ва ўша маблағ қарз бўлса, унинг ҳукми қарз олди-бердиси сингари бўлади. Чунки шариатимизда «Ал-маъруфу кал-машрут» (яъни одамлар орасида маълум ва машхур ишлар шарт қилинган ишлардек бўлади) деган қоида бор. Демак, мусибат эгаси бу қарзни олиши ёки олмаслиги ўз ихтиёрида. Агар олса, уни имкон бўлиши билан узиши керак. Қарзни узмаса, эгаси кечмагунча унинг зиммасида қолиб кетади, қиёматда савоблари билан адо қилиб беради. Лекин мусибат эгасига холис ёрдам қилиб, эҳсон маъносида пул берилган бўлса, қарз бўлмайди ва қайтарилмайди.

Аллоҳ таоло инсонни баъзи мусибатлар билан синаб, сабр қилган бандага улкан ажрлар беради. Бундай оилага таъзия билдириш, далда бериш орқали маънавий ёрдам қилиш, дафн маросимларида иштирок этиш, қарз сифатида эмас, балки беғараз, ҳар ким имкони етганча моддий ёрдам кўрсатиши каби амаллар савобли ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Жаъфарнинг ўлими хабари келганда Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам “Жаъфарнинг аҳлига таом қилиб беринглар. Уларни машғул қиладиган нарса келиб қолди”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Демак, қариндош ва қўни-қўшнилар бошига мусибат тушган хонадонга уч кунгача таом чиқариб туриши, камбағал оила бўлса уларга моддий ёрдам бериши суннатга мос иш. Мусибат етган кишилар имкони бўлса уч кундан сўнг кун тайин қилмасдан таом тарқатиши, эҳсон дастурхонини ёзиб, савобини майитга бағишлаши жоиз амал. Аммо бу ишлар омма учун мажбуриятга айланиб қолмаслиги, қилмаса хижолат бўлиб, ўзларини айбдор ҳис этиши даражасига етмаслиги керак. Бу ҳар кимнинг шароити ва хоҳишига қараб белгиланиши зарур. Шунингдек, мазкур эҳсонлар майитнинг мерос молидан меросхўрларнинг розилигисиз амалга оширилиши ҳам ўзганинг ҳаққига эътиборсизлик саналади.

Шундай экан, ҳақиқий мусулмон ҳар бир ишни шаръий мезонларга кўра бажариши, айниқса вафот этиб кетган яқинлари учун савоб улашиш мақсадида қилаётган амалларида тўғри йўлни тутиши, савоб қиламан деб зиммасида ўзгалар ҳаққи қолиб кетмаслигини таъминлаши зарур.

66

Қарзни узмаса, эгаси кечмагунча унинг зиммасида қолиб кетади, қиёматда савоблари билан адо қилиб беради.

2

– «Салам бай» дегани қандай бай? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

– Шариатимизда харидор пулни аввалдан бериб қўйиб, сотувчи маҳсулотни кейин етказиб бериши – «салам» савдоси дейилади.

Аслида бу савдо ҳали мавжуд бўлмаган нарсани сотиш бўлса-да, унинг жоиз эканига Қуръон, суннат ва ижмодан далиллар бор.

Ибн Аббос розияллоху анху айтади: «Гувоҳлик бераманки, маълум муддатга зиммага олинган салаф(яъни, салам савдоси)ни Аллоҳ таоло ҳалол қилган ва рухсат берган. (Имом Ҳоким ривояти). Аллоҳ таоло шундай дейди: “Эй иймон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз”» (Бақара сурасининг 282-оятдан).

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганида одамлар мевалар учун бир, икки йилга пул оларди. У зот алайҳиссалом “Ким хурмо учун қарз олса, маълум идиш (ўша пайтларда маҳсулотлар идишларда ҳам ўлчанган), маълум оғирликка ва маълум вақтга олсин” дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ислом уммати салам савдосининг жоизлигига яқдил фикрга келган. Чунки савдонинг бу турига зарурат бор.

Салам савдосининг риоя қилиниши керак бўлган бир нечта шарти мавжуд. Умумий шарт – маҳсулотнинг миқдори ва сифати маълум бўлиши керак. Масалан, кило, идиш ёки метрда ўлчанадиган ёки саналадиган маҳсулотлар. Ҳайвонлар, уларнинг аъзолари, териси ва қимматбаҳо гавҳарларда салам савдоси бўлмайди.

Салам битимини тузиш учун маҳсулотнинг қуйидаги жиҳатлари маълум бўлиши лозим:

- 1) тури (масалан, буғдой);
- 2) нави (лалми ёки оби);
- 3) сифати (яхши, ўртача ёки ёмон);
- 4) миқдори (кило, метр, дона ёки ҳажми);
- 5) вақти (саламнинг энг кам муддати – бир ой);
- 6) тўланадиган пулнинг миқдори (битим ўз кучида қолиши учун маҳсулот сотмоқчи бўлган одам пулни олдиндан олиши керак);
- 7) маҳсулотни ташиш харажатли бўлса, маҳсулотни қаерга етказиб бериш жойи маълум бўлиши керак («Фатҳу бобил иноя», «ал-Мухтор»).

Демак, юқоридаги шартларга тўғри келадиган маҳсулотларга аввалдан пул бериб қўйиш жоиз. Лекин салам савдосида белгиланган вақт келгач, маҳсулотнинг нархи келишилган нархдан арзон ёки қиммат бўлиши эътиборга олинмайди.

Баъзилар «Менга бир тонна картошка уруғ берсангиз, кузда ҳосилни йиғиштириб олганимда тўрт ё беш тонна қилиб қайтараман» дейди.

Бу савдо шаръан дуруст эмас. Чунки бир турдаги молни бир-бирига айирбошлашда кам ёки кўп қилиб бўлмайди. Демак, бир тонна картошка уруғлик олса, шу миқдорда қайтарилади.

Бир жинсли молни айирбошлашда насия қилиш ҳам дуруст эмас. Шунинг учун бирор нарсанинг уруғлигига муҳтож бўлса, айирбошлаш йўли билан эмас, нақд пул олиб савдо молини насия қилиш мумкин. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади. «Ҳозир менга фалон сўм берсангиз, кузда сизга тўрт тонна фалон навли, яхши сифатли картошкани фалон жойга етказиб бераман» дейди. Кузда картошканинг нархи қанча бўлишидан қатъи назар келишувга мувофиқ миқдорда беради. Шу ҳолатда кузда тўрт тонна картошканинг пулини олиш мумкин эмас. Қолаверса, картошка ўрнига сабзи, пиёзга ўхшаш бошқа маҳсулотни олиб бўлмайди. Акс ҳолда рибо (судхўрлик) бўлади.

3

– Нақдга 10 сўмга сотиладиган буюмни кредитга ўхшатиб 12 ойда бўлиб тўлаш шарт билан 12 сўм деб баҳолаб, ойига бир сўмдан тўлов шарт қилиб қўйилмоқда. Агар ойига шарт бажарилмаса, буюмни қайтариб олади. Шу насия савдоси тўғрими? 12 ойга байлашиб шу муддат ичида қурби етганча тўлаб бориши насия савдоси дейилмайдими?

– Савдо молига нақдга фалон сўм, насияга фалон сўм деб икки хил нарх белгилаш мумкин. Уни ойма-ой тўлашга ёки охирида бирданига тўлашга келишиш ҳам мумкин. Насия савдода муддат ва нарх аниқ бўлиши лозим.

«Ойига шарт бажарилмаса, буюм қайтариб олинади» каби шартлар қўйиш мумкин эмас. Чунки савдо бундай шартларни тақозо қилмайди. Агар шундай шарт қўйиладиган бўлса, савдони бузиб қайтадан тўғрилаш керак. Бунинг устига, насия савдосида ҳам битим тузилиши билан мол харидорнинг мулкига ўтади ва у сотувчидан молнинг нархига қарздор бўлади. Келишилган маблағни вақтида тўлай олмаса ҳам сотувчи харидордан сотган нарсасини қайтариб (тортиб) ололмайди. Лекин икки томоннинг розилиги билан савдони бекор қилиш мумкин.

Шариатимизда тузилган савдони бузиш *иқола* дейилади. Бу иш икки томоннинг розилиги билан бўлади ҳамда сотилган маҳсулот сотувчига, тўланган пул харидорга қайтади: «*Иқола биринчи (берилган) маблағ миқдори билан тўғри бўлади*» («Фатҳу бобил иноя» китобидан). Яъни икки томон неча пулга келишган бўлса, ана шу пул миқдорида бекор бўлади. Сотувчи бундан ортиқ ёки кам олиши мумкин эмас.

Юқоридаги гаплар харидор маҳсулотга ҳеч қандай айб етказмасдан қайтариб келган ҳолатга тегишли.

Агар харидор маҳсулотни савдогар наздида нархни туширадиган айб билан қайтариб келса, етказилган айб миқдори холис савдогарларга баҳолатилади. Агар савдогарлар «Айб етиши туфайли бу машинанинг нархи фалон сўм пастлаган» деб баҳолаб берса, сотувчи иқола пайтида ўша миқдорни ушлаб қолади ва қолган пулни қайтаради.

Пулни вақтида тўламагани сабабли, дарҳол ақдни бузмасдан, иложини қилиб бироз муҳлат бериш ҳам тавсия қилинган. Чунки Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилган: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам “*Ким ночорга муҳлат берса ёки ундан бир қисмини кечиб юборса, Қиёмат куни, унинг соясидан ўзга соя бўлмаган кунда Аллоҳ таоло уни Аршининг сояси билан соялантиради*” деди» (Имом Термизий ривояти). Агар муҳлат берса ҳам, муддат тугаса ҳам қарзини тўлай олмаса, мазкур нарсани тортиб олмасдан, балки эгаси билан келишган ҳолда сотиб, қарзини ундириб олса бўлади.

– 12 ойга байлашиб шу муддат ичида қурби етганча тўлаб бориши насия савдоси дейилмайдими?

– Бу насия савдонинг бир тури – *тақсит* савдоси. Унда савдо моли нақд берилиб, унинг пулини бериш кечиктирилади.

Тақсит савдоси салам савдосининг аксидир. Яъни, салам савдосида пул нақд берилиб мол насия қилинади. Тақсит савдосида белгиланган пулнинг барчасини ёки бир қисмини насия қилиш мумкин. Кўпинча белгиланган маблағ бир неча қисмга ёки бир неча босқичга бўлиб адо этилади. Агар белгиланган маблағ келишилган муддатнинг охирида бирданига адо этилса, бу насия савдо бўлади. Насия савдосида ҳам савдо битими тузилиши билан мол харидорнинг мулкига ўтади ва у сотувчидан молнинг нархига қарздор бўлади.

4

НҲҒАЙЛАР



Анвар БҮРОНОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



КИМЛАР?

Нўғайлар – туркий халқ. Тили – туркий тилнинг қипчоқ лаҳжаси. Дини – ислом, сунний оқимнинг ҳанафия мазҳабида. Нўғайлар туркий эллар тарқалган ҳамма жойда бор. Улар асосан Кавказ, Волгабўйи ҳудудлари ва Марказий Осиёнинг шимоли-ғарбида яшайди. Туркияда юз минг нафардан ортиқ нўғай бор. Уларнинг кўпчилиги 1917 йилги инқилобдан сўнг ва Иккинчи жаҳон уруши даврида қочиб борганлар авлоди. Қозоғистон, Ўзбекистон, Руминия, Болгария давлатларида ҳам нўғай диаспораси бор. Хусусан, Ўзбекистонда 200 та нўғай яшаши қайд этилган. Ҳозирги кунда дунёда нўғайлар сони 300 000 нафардан кўп. Қизиғи, бу ҳисобларда фақат паспортига нўғай ёзилган одамлар қайд этилган. Қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар орасида ҳам нўғай уруғлари мавжуд, уларнинг келиб чиқиши Нўғай ўрдаси ва нўғай миллати билан боғлиқ.

НҲҒАЙ ҶРДАСИ ТАРИХИДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАР

НҲҒайларнинг этник шаклланиши тўғридан-тўғри НҲҒай ўрдаси билан боғлиқ. Ўрда тарихини ўрганмасдан нҲҒайлар ҳақида ёзиш нотўғри. НҲҒай миллати Чингизхон авлодидан Татарнинг ўғли – Ису НҲҒайхондан тарқалган. У XIII асрда Олтин Ўрдада бекларбеги бўлган. Беркхондаврида Кавказ, Эрон, Византия, Болқон ва Русни бўйсундиришда фаол қатнашган. Византия ҳукмдори Михаил VIII Палеологнинг қизига уйлангач, унга Днестр ва Дунай дарёлари оралиғидаги ерлар суюрғол қилиб берилди. Шундан сўнг бу ерларнинг халқи нҲҒай улуси деб атала бошлади*. Аммо нҲҒайлар ери алоҳида давлат эмас, Олтин Ўрданинг энг ғарбий мулки эди.

НҲҒайхон XIII асрнинг иккинчи ярмида Олтин Ўрдада юзага келган ижтимоий-сиёсий тортишувлар, ички урушларда фаол қатнашади. 1299 йилда эса Тўхта-хон томонидан ўлдирилади. Шундан сўнг унинг улуси таназзулга юз тутди. Бироқ нҲҒай номи сақланиб қолади.

Орадан юз йил ўтгач, яъни XIV аср охири ва XV асрнинг бошларида Олтин Ўрда ҳам таназзулга юз тутди. Мамлакат бир нечта хонликларга бўлиниб кетади. Ўрдада туманбоши бўлган Эдигей бундан унумли фойдаланиб, Эдил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёлари оралиғида Манғит юрт, яъни НҲҒай хонлигини тузади.

Эдигей билан Амир Темурнинг ўхшаш томони кўп эди. Иккиси ҳам ботир, ақлли ва омадли бўлса-да, хон унвонига эга бўлмагани учун тахтга ўтириш ҳуқуқи бўлмаган. Чингизхон авлодларига уйлангани боис иккиси ҳам кейинчалик хон унвонини олса бўларди. Аммо улардан бири Кўрагон унвони билан тахтга ўтиради ва рутбасини амир деб белгилайди. Эдигей ҳам энг хавфли рақиби Тўхтамишхоннинг

* Селезнёв Ю. В. Элита Золотой Орды. — Казань: Издательство «Фэн» АН РТ, 2009.



ўғиллари Каримбердини 1413 йилда, Кепакхонни 1414 йилда мағлуб этгач, ўзини амир деб элон қилади. Аммо тахтга ўтиришга иложи етмайди.

Шу тариқа Олтин Ўрдада Эдигей ва манғит уруғининг нуфузи ошиб, кўплаб туркий уруғлар НҲҒай ўрдаси таркибига кира бошлади. Кавказ, Қирим, Эдил ва Ёйиқнинг ораси, Каспий денгизининг шимолий қисми тўлиқ Эдигейга эргашади ва улар ўзларини нҲҒай деб атай бошлади. Кейинчалик нҲҒайларнинг мулки кенгайиб, Ғарбий Сибир пасттекистиклари сари кенгаяди. 1419 йилда Эдигей вафот этгач, Олтин Ўрда парчаланиб кетади. 1420 йилда Сибир хонлиги ажралиб чиқади. 1428 йилда ҳозирги шимолий Ўзбекистон, Қозоғистон ҳудудларида Ўзбек хонлиги, 1438 йилда Булғор улуси ҳудудида Қозон хонлиги, 1441 йилда Қирим хонлиги мустақил бўлади. Шулар қаторида 1440 йилда НҲҒай хонлиги ҳам мустақил бўлиб, дунё харитасида «нҲҒай эл» номи пайдо бўлади.



<i>Нўғай уруғлари</i>	<i>Ўзбек уруғлари</i>	<i>Нўғай уруғлари</i>	<i>Ўзбек уруғлари</i>
Ас	-	Қият	Қиёт
Аксюрют	-	Кула-Аян	Гулеген
Алчин	Олчин	Қунғрат	Қўнғирот
Ашамайли	Ачамайли	Мажар	Мажор
Алтаяқ	-	Манғит	Манғит
Бадай	Бадай*	Машқир	
Байис	-	Меркит	Меркит
Байули	-	Месит	Мечет
Батар	-	Минг	Минг
Баяут	Боёвут	Найман	Найман
Бодрак	Бўйрак	Нукус	Нукус
Борлак	Бўрлоқ	Онгут	Ўнгут
Булачи	Бўзажи	Сарай	Сарой
Буркут	Буркут	Сиджиут	Салжовут
Бутас	Баташ	Солут	-
Жалаир	Жалойир	Тама	Томо
Жуют	Жуют	Темир-Ходжа	-
Дуван	-	Тоғай	-
Дурмен	Дўрмон	Тоғунчи	-
Қазақ	Қозоқ	Тойтюбе	-
Қангли	Қанғли	Турксен, Турчак	Туркман
Қара-Қитай	Қорахитой	Ўзбек	-
Кат	-	Ўймаут	Ўймавут
Қатаған	Қатагон	Уйсун	Уйсун
Келечи	Килечи	Чалджиут	-
Кенегес	Кенагас	Чат	-
Кенегей	-	Чубалачи	Чувалачи
Кенетерк	-	Чумишли	Чўмичли
Кереит	Керайит	Шакманчи	-
Кигит	-	Шемерден	-
Қипчақ	Қипчоқ	Юз	Юз
Қирғиз	Қирғиз	Қулачи	-
Қиргин	-	Телеу	Тилов
Қирқ	Қирқ	Уйгур	-
Қитай	Қатай (Хитой)	Чимбай**	Чимбой
Қишлиқ	Қишлиқ	-	Нўғай***

* XVI асрда Фарғона водийсида Мулла Сайфиддин Ахсикентий ва унинг ўғли Нур (ёки Наврўз) томонидан битилган «Мажмуъат-таворих» асарида берилган.

** Трепавлов В. В. История Ногайской Орды. – М.: Восточная литература, 2002. стр. 499–504.

*** «Насабнома» (шажара) 92 ўзбек уруғининг рўйхати.

НЎҒАЙ ЭТНОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ҳозирги нўғай халқи Эдигейхон давридаги Нўғай ўрдаси даврида шаклланади. 1440 йилда Саройчиқ шаҳри бошкенти бўлган ўрда таркибига етмиш битта уруғ кирган. Бундан кўринадики, нўғайлар ҳам худди ўзбеклар каби конгломерат сифатида шаклланган. Бу уруғларнинг аксарияти ўзбек уруғлари билан мос келади.

XIV асрдан бошлаб ўрдадаги маданий муҳит доирасида нўғайлар миллат сифатида кўзга ташлана бошлайди. Бошқа туркий тиллардан бироз фарқланувчи тили, адабиёти, санъати ва маданияти шаклланади.

Худди ўзбеклар каби «нўғай эл»нинг шаклланишида ҳам жуда кўп этнослар иштирок этган. Аниқроқ айтсак, нўғайлар – қурама эл. Шу боис уларни юз қиёфасига қараб ажратиб олиш қийин. Европоид ирқининг кавказ типига оидлари шимоли ғарбда, осиеликларга ўхшаши шарқий ҳудудларда, Ставропол ўлкаси ва Кавказнинг чўл ва тоғларида истиқомат қилади.

XIV асрдан тўлиқ шаклланган нўғайлар кейинчалик рус, венгер, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва Кавказдаги туркийларнинг қайта шаклланишида иштирок этган. Жумладан, Рус князлари орасида катта нуфузга эга бўлган Юсуповлар, Урусовлар, Байтерековлар, Кутумовлар сулолаларининг келиб чиқиши нўғай бекларига бориб тақалади. Улар кейинчалик княз унвонига эга чиққан. Қозоқ миллатига мансуб нўғайлар ўрта жуз таркибига киради. Ўзбек уруғлари таркибидаги нўғайлар ва манғитларнинг келиб чиқиши ҳам айнан Нўғай ўрдасидан бошланади.

XVI асрда ўрданинг амалдаги ҳукмрони Исмоилбей тобора кучайиб бораётган Рус подшолигидан чўчиб, Иван Грознийнинг талабига кўра вассалликни



қабул қилади. Натижада нўғайлар икки – Катта ўрда ва Кичик ўрдага бўлиниб кетади. Кичик ўрда Азов денгизи ва Кубан дарёси водийларида шаклланади*. Катта ўрда эса ҳозирги Астрахан, Волгоград, Саратов ва Самара вилоятлари ҳамда ғарбий Қозоғистондаги Оқтўба ва Атирау вилоятлари ҳудудида шаклланади**. Кичик ўрда аҳолиси кейинчалик қиримлар ва бошқа Европа халқларининг, Катта ўрда аҳолиси эса Сибир ва Марказий Осиё халқларининг шаклланишида ва таркиб топишида қатнашади.



* Трепавлов В. В. Малая Ногайская Орда. Очерк истории // Тюркологический сборник. 2003–2004: Тюркские народы в древности и средневековье. – М.: Восточная литература, 2005. – С. 273–311.

** <https://cyberleninka.ru/article/n/kalmyki-karanogaytsy-kubanskiye-nogaytsy-i-krymskie-tatary-genogeograficheskiy-i-genogenealogicheskiy-aspekty>



ТУРМУШ ТАРЗИ

Нўғайлар азалдан чорвадор бўлган. Турмуш тарзида номадик* унсурлар кўпроқ кўзга ташланади. Чорвадор нўғайлар асосан ўтовларда яшаган. Нўғайларнинг ЕврооСИё бўйлаб тарқалиш ареали кенг бўлгани учун ўтовлари ҳам хилма-хил. Улар уч хил ўтовдан фойдаланган:

1. Терма. Бу ўтовлар кўчиш пайтида йиғиб олиш ёки қайтадан териб ҳозирлаш учун қулай бўлган. Шунинг учун терма уй дейилган. Терма ҳамма туркийлар фойдаланадиган йиғма ўтовдир.

2. Ўтов. Ўтовларнинг асосий хусусияти бошқа ўтовларга нисбатан енгиллиги ва ихчамлигида. Уларни кўчиш пайтида ҳеч қийинчиликсиз аравага солиб, кўчиб кетиш мумкин. Бу ном шуни англатадики, илмий тилда «юрта» номи билан аталадиган уйларни туркий халқлар ичида фақат ўзбеклар ва нўғайларгина ўтов деб аташади.

* Номадология (юнон: nomad – кўчманчи) француз философи Делез ва психолог Гваттари қайд этган концепция. Бугунги кунда айнан кўчманчилар тарихини бошқа маданиятлардан фарқлаб ўрганувчи йўналиш сифатида талқин қилинади.

3. Уй. Уйлар янги уйланган келин-куёвлар учун қурилган ва чиройли қилиб безатилган. Бундай уйлардан фойдаланиш одамлар замонавий уйларга ўта бошлагандан кейин урф бўлган.

Европа ҳудудидаги нўғай ўтовлари керагасининг баландлиги билан ажралиб туради. Улар шарқ ўтовларига нисбатан чиройлироқ бўлган ва ичкараси ҳам европача нақшлар билан безатилган. Ўтовлар қаерда бўлишидан қатъи назар тепасига уруғининг тамғаси қўйилган.

Нўғайлар туркий эллар орасида «кўчма ўтов масжид»дан фойдаланган ягона халқ бўлиши мумкин. Улар махсус меҳробли ўтов-масжидлар ясаб, яйловларда жамоат намозини ўқиган. Ўтов-масжидлар ҳажми каттароқ, ёзда усти очиб қўйилган. Имомлар доим улар билан бирга кўчиб юрган. Бундай ўтовларнинг имомларини жамоат нафақа билан таъминлаган.

Ҳунармандчилик кенг ривожланган. Гилам тўқиш, кигиз босиш, турли кийимлар тикиш, айниқса от анжомлари яшашда нўғайлар уста бўлишган. Нўғайлар

ясаган эгарлар, қамчилар нафақат Марказий Осиёда, балки Европада ҳам машҳур бўлган. Русларнинг қамчини «нагайка» деб аташи шундан. «Нагайка» аслида нўғойи дегани.

Нўғай гиламлари ўзининг нақшлари билан ажралиб туради. Нўғайлар нақшни ўйма деб атайди. Ўймалар орасида «қошқар мўйиз» – қўчқор шох мотиви жуда кўп ишлатилган. Шунингдек, «туе мойин» – туя бўйин, «туе ўркеш» – туя ўркач, «қоян қулақ» – қуён қулоқ, «бузав тис» – бузоқ тиши, «қулын қулақ», «қаз аяқ» – ғоз оёғи, «бақа кўз», «тавиқ тирнақ», «ат туяқ», «бўри кўз», «қийсиқ аяқ» – қийшиқ оёқ, «итқуйриқ» – ит думи, «қораз» – хўроз, «шибин қанат» – чивин қаноти, «мисиқ из» – мушук изи каби зооморф, «байтерек» – «ҳаёт дарахти», «япирақ»,

«ширмавиқ» – чирмовуқ, «шешекей» – чечак, «қавин тилм» – қовун тилими каби ўсимлик дунёси мотивларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Орнаментлар орасида астрологик тасвирлар «куннинг кўзи» – қуёш кўзи, «кун эм ай» – қуёш ва ой, «ай эм юлдуз» – ой ва юлдуз, «айкел оюв» – ҳайкал нақши мотивларидан кўп фойдаланилган ва улар кўпинча тангричилик дини билан боғлиқ.

Нўғай гиламлари ва бошқа маҳсулотларида уруғларнинг тамгалари ҳам акс этган. Масалан, қозоёқ уруғи усталари ўзи ясаган маҳсулотга «қаз аяқ» – ғоз оёғи тамғасини, кўзтамғали уруғи вакили кўз тасвирини, шўмишли (чўмичли) уруғи вакили чўмич тасвирини албатта қўйган ва бу ҳар бир уруғнинг ўзига хос логотипи саналган.



НЎҒАЙ ТАОМЛАРИ

Нўғайлар асосан сутли, гўшти, хамирли таомларни хуш кўради. Сутли овқатлар орасида ширчай, ювирт (йогурт), айрон, қимиз, бўза кўп истеъмол қилинади. Нўғайларда янги туққан ҳайвоннинг увиз (оғиз) сутини соғиб олиб, уни пишириб қўшниларга тарқатиш одати сақланган. Гўшти таомлари бошқа туркий элларнинг таомидан фарқ қилмайди. Нўғайлар от гўшtidан қазни, тўлдурма (дудланган қазни) ва қовирмиш



Яхши ман сойлесенг балга секер қатқандай, яман ман сойлесенг ийтке суек атқандай (Яхши билан гаплашсанг болга шакар қўшгандай, ёмон билан сўзлашсанг итга суяк отгандай).

(қовурилган қазни) тайёрлашади. Эътиборли меҳмонлар учун алоҳида таом – «тузланган қўй боши» (ўзбекча каллапойча) тортилган. «Тузланган қўй боши»нинг ўзбекча каллапойчадан фарқи шундаки, қўйнинг боши, тўрт сийроғи сувда қайнатиб пиширилгандан сўнг тузлуққа солиб димдирилган. Унли таомлар ичида буламиқ, баурсақ кўпроқ истеъмол қилинади. Кавказ нўғайлари хинкални ҳам хуш кўришади.



НҶҒАЙ ТИЛИ

НҶҒай тили туркий тиллар қипчоқ лаҳжасининг қипчоқ-нҶҒай гуруҳига мансуб. Бу тилда ҳозирги кунда 90 минг киши сўзлашади. Бунда фақат Россиядаги нҶҒайлар назарда тутилган. Туркия ва бошқа мамлакатларда яшовчи нҶҒайлар ҳақида маълумот йўқ. НҶҒай тили Доғистон ва Қорачой-Черкас Республикаларида давлат тили сифатида қайд этилган*.

НҶҒай тили уч лаҳжага бўлинади:

- асл нҶҒай лаҳжаси;
- қоранҶҒай лаҳжаси;
- оқнҶҒай лаҳжаси.

Ставропол ўлкаси ва Астрахан нҶҒайлари асл нҶҒай лаҳжасида, Доғистон нҶҒайлари қоранҶҒай лаҳжасида, Қорачой-Черкас нҶҒайлари эса оқнҶҒай лаҳжасида гаплашади**. Астрахан нҶҒайлари ва Каспий денгизининг шарқий қирғоғида яшовчи нҶҒайларнинг шеvasи қозоқ ва қорақалпоқ тилларига жуда яқин. Улар-

нинг шеvasини тўлиқ «ж»ловчи шева сифатида қайд этиш мумкин. Шунинг учун қарағаш нҶҒайлари нҶҒай адабий тилини тушунмасликлари мумкин***.

НҶҒай адабий тили Доғистонда кенг тарқалган қоранҶҒай ва қубан лаҳжаси базасида шакллантирилган****. Шу сабабли адабий тилда кўплаб ҳолатларда ж ўрнига й товуши ишлатилиши кузатилади. Инчунин, қоранҶҒай ва қубан лаҳжасига кўмиқ, балқар, қорачой тиллари билан бир қаторда ўғуз лаҳжасининг таъсири катта бўлган. Қолаверса, сўфийлик оқимлари Кавказга кириб келиши билан улар чиғатой тилига ҳам таъсир кўрсатган.

НҶҒай тили айрим фонетик хусусиятларига кўра қорақалпоқ, қозоқ ва алабугат татарлари тилларига яқин. Бунда ч товушининг ш товушига ўзгариши алоҳида кўзга ташланади:

*** Арсланов Л. Ш. Язык карагашей-ногайцев Астраханской области. – Набережные Челны: ЕГПИ, 1991. – 161 с.

**** Колесник Н. Г. Ногайский язык // Язык и общество. Энциклопедия. – М.: «Азбуковник», 2016. – С. 329–334. – 872 с.

* Ногайский язык : М. А. Булгарова // Николай Кузанский – Океан. – М.: Большая российская энциклопедия, 2013. – С. 256–257.

** Баскаков Н. Ногайский язык. Языки мира: тюркские языки. – Бишкек: «Кыргызистан», 1997. стр. 328–335.

Ўзбек тилида	[çай]	[Барçин]	[Çимкент]	[Аçамайли]
Қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи	[şай]	[Барşин]	[Şимкент]	[Аşамайли]

Шипилдоқ ш товуши ўрнида эса сирғалувчи с ундоши ишлатилади:

Ўзбек тилида	[қиş]	[таş]	[беş]	[Таşкент]
Қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи	[қис]	[тас]	[бес]	[Таскент]



Россиялик туркологларнинг энг сўнги диалектологик таснифларида ҳам нўғай тили қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси билан бирга қипчоқ-нўғай гуруҳига киритилган. Аммо бу қанчалик тўғри? Юқорида келтирилган жадвалга эътибор қаратилса, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасини бу қаторга қўшиш тўғри бўлмайди.

Маълумки, қипчоқ тилларининг яна бир хусусияти ж товушининг й товушига ўзгаришида кўзга ташланади. Бу хусусият қозоқ ва қорақалпоқ тилларида тўлиқ сақланган. Аммо нўғайларда Олтин Ўрда давридан бошлаб жуда кўп анлаутли ж иштирокидаги сўзларни й товуши орқали талаффуз қилиш кўзга ташланади: *жети – ети, жирме – йирма, журак – юрек, жувину – ювину, жур – юр*. Бу жараён ҳатто араб тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг ҳам ўзгаришига олиб келган: *жума – юма, жон – йан*.

Шу жиҳат ўзбеклар учун нўғай тилини ўрганишни осонлаштиради. Чунки ўзбек тили қипчоқ лаҳжасида ҳам адабий тилни ўзлаштириш жараёнида ж товушини й шаклида талаффуз қилиш кенг тус олган. Демак, нўғай тилини ўрганиш учун талаффузда иккита фарқ қолади: *ш* товушининг с шаклида, *ч* товушининг ш шаклида талаффуз қилиниши:

*Тамшы тасты тесер,
Сўз басты тесер.*

Таржимаси:

*Томчи тошни тешар,
Сўз бошни тешар.*

Ўзбекларга нўғайлар билан гаплашиш қийинчилик туғдирмайди. Шу ўринда нўғай тилидаги сўзлашувга эътибор қаратамиз:

<i>Ассаяму алейкум!</i>	<i>Ассалому алайкум!</i>
<i>Ва алейкум ассалам!</i>	<i>Ва алайкум ассалом!</i>
<i>Яхшымысыз?</i>	<i>Яхшимисиз?</i>
<i>Исан-амансызба?</i>	<i>Эсон-омонмисиз?</i>
<i>Аьелингиз аман-эсенме?</i>	<i>Аёлингиз омон-эсонми?</i>
<i>Хош келдингиз!</i>	<i>Хуш келибсиз!</i>
<i>Эртенг яхшы болсын!</i>	<i>Хайрли тонг!</i>
<i>Кун яхшы болсын!</i>	<i>Хайрли кун!</i>
<i>Кеш яхшы болсын!</i>	<i>Хайрли кеч!</i>



рус тилидан сўзлар ўзлаша бошлаган. Натижада олтой ва туркий тилга оид сўзларнинг катта қисми унутилган. XVI асрдан кейин эса нўғайлар орасида рус тилини тўлиқ ўзлаштириб, она тилини унутиш ҳолатлари ҳам кучайган. Шунинг учун нўғай тилини тадқиқ қилишда фолклорга мурожаат қилиш яхшироқ натижа беради.



ФОЛКЛОР

Нўғай халқ оғзаки ижодининг асосини қаҳрамонлик достонлари ташкил қилади. Улар орасида «Эдигей», «Мамай», «Қарасай ва Қазӣ», «Шора батир», «Эр Тарғил», «Айсилувдинг ули батир Аҳмет», «Қопланли батир» каби достонлар алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, «Эдигей» достони ҳам тарихий, ҳам мифологик мерос ўлароқ кўпроқ қадрланади.

Достонларнинг жанрлари, айтилиши, сюжетлари, дўмбира куйлари, оҳанглари ҳам қозоқ ва қорақалпоқларникига ўх-

шаш. Нўғай достонларининг географияси анча кенг. Унда Ўрта Осиёнинг чўлларида тортиб Сибирнинг поёнсиз ўрмонларигача, Олтойдан то Бессарабиягача бўлган ҳудудларда кечган воқеалар, қаҳрамонларнинг саргузаштлари тилга олинади. Бугунги кунда ҳам нўғайлар дўмбирасини ташлаган эмас.

Нўғай бахшиси Арсланбек Султанбековнинг «Дўмбирам» қўшиғи туркий элларнинг сеvimли қўшиғига айлангани ҳам бежиз эмас:

*Қара қис ауылыма кельгенде,
Улпыльдеген қар йерге тускенде,
Домбырамды аларман,
Юрек сазын шаларман,
Қайгырганды хеш айтма!*

*Қора қиз овулимга келганда,
Хурпираган қор ерга тушганда,
Дўмбирамни оларман,
Юрак созим чаларман,
Қайғудан ҳеч сўз айтма!*

Нўғайлар дўмбираси «овулига қора қиз келганда юрак созини чалиш» учун ҳам, эл бошига қайғули урушлар келиб, ботирлар ухламаган тунларда ҳам уларга йўлдош бўлган:

*Ногайдын қайгы сансыз кунинде,
Батырлер уйқламаган тунинде,
Юреклерын котерген,
Соғысларда куш берген
Копты корген домбыра!*

*Нўғайнинг қайғу босган кунда,
Батырлари ухламаган тунда,
Юракларни кўтарган,
Жангларда куч берган
Кўпни кўрган домбыра!*

ЭСКИ СЌЗ

Нўғай фолклорининг фарзанд тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга бўлган жанри мақоллар, маталлар ва топишмоқлар саналади. «Эл қазнаси – эски сўз» дейди нўғай оқинлари. Эски сўз – нўғайча мақол дегани. Унда ёшларни миллий бирлик, ватанга садоқат руҳи билан тўйинтириш, уларда халқи олдидаги бурчи ва мажбуриятларини ҳис қилиши учун зарурий ахлоқ принципларини шакллантиришга қаратилган этнопедагогиканинг ва афористик поэзиянинг юксак намуналарини кўриш мумкин.

Яхшыга йолдас болсанг, етерсинг мырадқа, **яманга** йолдас болсанг, қаларсынг уятқа (Яхшига йўлдош бўлсанг етарсан муродга, ёмонга йўлдош бўлсанг қоларсан уятга).

Яхшы ман сойлесенг балга секер қатқандай, **яман** ман сойлесенг ийтке суюк атқандай (Яхши билан гаплашсанг болга шакар қўшгандай, ёмон билан сўзлашсанг итга суюк отгандай).

Яхшыдың эки досы бир келер, яманның эки борышы бир келер (Яхшининг уйига икки дўсти бирга келар, ёмоннинг уйига икки қарз берган бирга келар).

Яхшы коргенин айтар, **яман** бергенин айтар (Яхши кўрганини, ёмон берганини айтар).

Яхшыга кун йўқ, **яманга** олим йўқ (Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим йўқ).

Нўғай мақолларида ёмонликдан қайтариш, ёмонлар билан дўст бўлмаслик, уларнинг фитнасида сақланишга даъват кўп учрайди:

Яманның таяғы сегиз, бири тиймесе, бири тиер (Ёмоннинг таёғи саккизта, бири тегмаса, бири тегар).

Яманның яны аявлы (Ёмоннинг жони ширин).

Яман кису кекшил (Ёмон киши кек сақлайди).



ХУЛОСА ЎРНИДА

Нўғайларнинг миллат сифатида шаклланиши сал мураккаброқ кечган. Шунинг учун нўғайлар тавсифини уларнинг тарихидан бошладик. Чунки бу жараёнда нафақат нўғайларнинг, балки бошқа қардош халқларнинг ҳам кечмиши ётибди.

Аммо ўша замонларда Кичик ўрда тўлалагича Москва таъсирига тушиб қолгач, кўплаб нўғай беклари, мурза*лар ислон динидан воз кечиб, насронийликни қабул қилишган ва Рус подшолигининг князларига айланган. Масалан, Кутумовлар асли мурза Кутумнинг – Кутум шайх Муҳаммаднинг ўғли шайх Муҳаммаднинг авлоди бўлган**. Юсуповлар, Байтерековлар, Урусовлар... Уларнинг ҳаммаси Эдигейнинг авлодлари. Аммо тақдир уларни насронийликни қабул қилишга мажбур қилади.

Хулоса ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, нўғайлар тарихнинг энг мураккаб эврилиш жараёнларидан ўта олган, деярли 500 йил давомида бошқа маданиятлар босимида яшаб келган бўлсалар-да, миллий ментал хусусиятларини сақлаб қола олган халқлардан биридир.

* Нўғайларнинг оқсуяклари – эшонлар. Улар ҳар бир уруғнинг бошида туришган ва уларнинг диний-дунёвий фаолияти учун масъул бўлишган.

** Почекаев Р. Ю. Цари ордынские. Биографии ханов и правителей Золотой Орды. Издательство: Евразия, 2019 г. 456 стр.
Подробнее: <https://www.labyrinth.ru/books/614589/>

ЭШИКЛАР

ОЧИҚ, ЛЕКИН...

Байрам АЛИ тайёрлади.

1.

Караокэ – японча сўз бўлиб, «яккахон ижрочи» маъносини билдиради. Бирор ашуланинг ҳаваскорлар томонидан тайёр матн ва куй асосида ижро этилишига караокэ дейилади.

2.

Самосуд – «ўзбошимча судлаш», яъни жиноятчининг давлат органи эмас, одамлар томонидан жазоланиши.

3.

Повербанк – инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилганда «қувват банки» деган маънони билдиради. Мобил қурилмаларни қувватлайдиган қўшимча батарея.

4.

Барсетка – италянча сўз, «ҳамён халта» дегани. Ундан асосан эркаклар фойдаланади. Телефон, пул, пластик карта кабиларни олиб юришга қулай буюм.

5.

Онлайн – инглизча сўз бўлиб, «алоқада» маъносидан тушунилади.

6.

Кафел – немисча *kachel* сўзидан келиб чиққан. Йўлақларда, деворларнинг пойдеворида, ошхона ва ювиниш хоналарида ерга ё деворга териладиган сувшиммас қурилиш материали.

7.

«Аристон» – Италиядоги корпорация номи, кейинчалик брендга айланган. Хонадонларда сувни иситиб берадиган мослама.

8.

Кэшбэк – инглизча *cashback* сўзидан олинган, «пулни қайтармоқ» маъносини билдиради. Яъни, тўланган сумманинг маълум қисмининг истеъмолчига қайтариб берилиши.

9.

Карвинг – «кесиш, ўймакорлик» дегани. Мева ва сабзавотларни кесиш безак бериш санъати.

10.

Штрих-код – *strich* – «чизиқ, йўл» ҳамда лотинча *codex* – «юпқа ёзув» сўзларининг бирикмаси. Маҳсулот ва унинг ишлаб чиқарувчиси ҳақида маълумот берувчи график белги.

11.

Кулер – инглизча *cooler* – «совутувчи» ва французча *couler* – «қуймоқ» сўзларидан келиб чиққан, компьютерларнинг совутиш тизимидаги шамол ҳайдагич, шунингдек, сувни иситиб ёки совутиб, идишга қуйиб берадиган мослама.

12.

Пранк – инглизча «ҳазил» дегани. Блогерлар уюштирадиган, видео тасмасига ёзиб олиниб, жамоатчиликка тарқатиладиган қора ҳазиллар тушунилади.



Ўзбекистон
халқ ёзувчиси
Исажон Султон
тавсия қилади:

1. Караокэ. Технологик атамалар бошқа халқларга ўша технология кашф қилинган тилда тарқалади. Ушбу сўз дунёнинг барча ўлкаларида қандай бўлса шундай: «караокэ» шаклида қўлланади. Шундай бўлса-да, унга эш сўз тилимизда бор: жўр бўлмоқ, жўрламоқ. Мисол учун «Эшмат жўр ускунасини ёқди», «Тошмат жўрлов қурилмасидаги ёзувга қараб қўшиқ айтди».

2. Самосуд – оломон қилмоқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам бу сўзга «Оломон қилмоқ – судсиз-бошқасиз кўплашиб урмоқ, уриб ўлдирмоқ» деб изоҳ берилган («Гап шу, муслмонлар, агар бугун ҳам бир гап чиқмаса, бизни лақиллатганлари учун учовининг бошига тўн ёпиб, оломон қиламиз. Худойберди Тўхтабоев, «Йиллар ва йўллар»).

3. Повербанк – бу борадаги энг мақбул сўз – кучлук, замонавийроғини истасак, қувватлагич кўринишида қўлласа бўлади.

4. Барсетка – ҳа, бу сўз италянча «борсетта» сўзидан келиб қолган. Ўзбекчаси ёнқопчиқ, белқопчиқ. Умуман,

бундай нарсаларни ифодаладиган сўзларга тилимиз анча бой: тўрва, халта, қоп, қопчиқ, кисса, чўнтак, ҳамён...

5. Онлайн – бунинг энг яхши муқобили – давра. Маъноси «онлайн»дан кўра анча кенг. Асли арабча бу сўз тилимизда «муттасил айланиб турувчи замон» мазмунида келади. Бизда эса чин ўзбекона руҳиятни ифодалаши билан эътиборга лойиқ. Масалан: *даврага кирмоқ, даврадан чиқмоқ, давра қурмоқ, давра айланмоқ.*

6. Кафел – кошин. Яна «Сопол ёки чинни кошин тўшалган» ибораси «кафел ётқизилган»дан анча афзал. Кошинли шифт, кошинли тавон, кошинли саҳн...



7. «Аристон» – ҳа, бу бизда арго сўзга айланиб қолган. Шунга ўхшаш ҳолат «Тефал»да ҳам кузатилган эди. Ҳозир «электр чойнак» атамаси билан тенг қўлланади. Бунинг маъносини энг яхши ифодаладиган сўз **иситкич**. «Аристон» ва «Тефал» ҳодисаси тадбиркорларимизга яхшигина овоза учун имкон беради. Мосроқ бирон-бир сўз билан шунақа қурилма ишлаб чиқаришса, ўша сўз ўз-ўзидан ускуна номига айланиб қолган бўларди.

8. Кэшбэк – қайтиқ, қайтқи, қайтум.



9. Карвинг – кесма безак.

10. Штрих-код – ўзимизга ўгирсак «тамға-чизиқ». Лекин камина бунинг ўрнига «пайса» нитавсия қилган бўлардим. Тўғри, пайса бир вақтлар майда чақапунли билдирган, Покистонда ҳозир ҳам шундай. Бироқ эски турк улусларидан то Чингизхонгача у нишон-ёрлиқ ўлароқ қўлланган бўлиб, кишининг кимлигини ва рутбасини ифодалаган.



11. Кулер – иссиқ-совуқ сувни қуйиб берадиган мосламани англатса ҳам аслида «cool» (совуқ) сўзидан олинган. Электрон қурилмаларни совутадиган парракчаниям «кулер» дейишади. Агар бу мослама фақат совутса эди, номлаш муаммоси музлуқ сўзи билан ҳал бўларди, аммо у сувни иситади ҳам. Шу сабабли умумий қилиб сувлуқ сўзини ишлатса бўлади. Агар ҳар бир ускунага шу тамға ёпиштирилиб сотилса, бу сўз тез оммалашади. «От сувлиғи ҳам бор-ку» дегандай мулоҳазалар бўлиши мумкин. Тилимизда турли маъноларни билдирадиган сўзлар анчагина, ўшалар қаторида яшайверади.



12. Пранк – қарангки, тилимиз бу мазмунни ифодалашда ҳам бой экан. Ҳазрат Навоий «ҳазил» сўзи билан бирга «зарофат» ва «мутуйиба» сўзларини ҳам қўллаган. Менимча, пранк ўрнига «ҳазил» сўзи мос келади, яъни: ҳазил видео. «Пранкда бир оз мазах ҳам бор-ку» деган эътироз бўлиши мумкин, бундайлари «мазах видео», янаям қорароғи – «масхара видео» дейиш мумкин ва ҳоказо.

Филология фанлари
доктори, профессор
Дурдона Худойберганова
тавсия қилади:



1. Караокэ – ушбу сўз ўзбек тилида, хусусан, ёшлар нутқида анча оммалашган ва маъноси ҳам кўпчиликка тушунарли. Унинг иккита маъноси бор: 1) бирор кўшиқнинг ҳаваскор томонидан тайёр матн ва куй асосида ижро этилиши; 2) шундай кўшиқ тури учун мосланган қурилма. Бизнингча, биринчи маънони англатувчи караокэ сўзи шундай қолгани маъқул. Иккинчи маънода қўлланувчи караокэ сўзини эса биринчисидан фарқлаш мақсадида «караоке қурилмаси» деб номлаш мумкин.


2. Самосуд – мазкур сўз маъносини ўзбекча «ноқонуний жазо» деб ифодалаш мумкин. Чунки самосуд қилаётган шахс бошқа шахс устидан ўзича ҳукм чиқаради, яъни уни айбланувчи деб ҳисоблайди ва уни куч ишлатиб, ноқонуний жазолайди.

3. Повербанк – ўзбек тили сўз ясалиши қолипи асосида ҳосил қилинган қувватсақлагич сўзини қўллаш мумкин деб ҳисоблайман.



4. Барсеткани «ёнхалта» дейиш мумкин.

5. Онлайн англатган маънони «масофали тарзда» бирикмаси орқали ифодаласа бўлади. Қиёсланг: «Мажлисда онлайн қатнашди. Мажлисда масофали тарзда қатнашди».



6. Кафел – айна шаклда ўзбеклар яхши тушунади ва кўп ишлатади. Уни бошқа сўз билан алмаштиришга эҳтиёж йўқ.

7. «Аристон»ни «сувиситгич» сўзи билан алмаштириш тарафдориман.

8. Кэшбэк – уни «харид чегирмаси» бирикмаси билан ифодалаш мумкин.

9. Карвинг – ўз ҳолида қолгани маъқул.

10. Штрих-код ўрнига «график маълумотнома» бирикмасини таклиф қиламан.

11. Кулер – «сувқуйгич» ҳам ёмон сўз эмас.

12. Пранк – бу сўз ифодалаб келган ҳодиса аксар ҳолларда ҳазил қилинган одамни стресс ҳолатига тушириб, ўзаро муносабатларнинг бузилишига, баъзан оғир оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу «Ҳазил – ҳазилнинг таги зил» мақолида ифодаланган вазиятга ўхшайди. «Оғир» сўзининг маънодоши ҳисобланган «зил» сўзи бу ерда салбий оқибатга ишора. Шу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда пранкни «зил-ҳазил» жуфт сўзи орқали ифодалашни таклиф қиламан.

СЎНГГИ



ЖАДИДНИНГ ҚИЗИ

Бегали Қосимов илмий фаолиятининг ҳаммасини тўлалигича жадидлар мавзусига бағишлаган, уларнинг маърифатпарварлик соҳасидаги, миллатни уйғотиб ҳозирги замон цивилизациясига эш қилиш йўлидаги ҳаракатларини давом эттирган эди. Деярли ярим аср давом этган бу иш жараёнида Бегалининг ўзи ҳам жадидларнинг қай бир хислатларини ўзлаштириб олгандек кўринарди. Шунинг учун «Сўнги жадид» деган лақаб унга жуда мос тушган эди...

Бегали докторлик диссертацияси устида иш бошлади. Табиийки, бу тадқиқот ҳам жадидизм масаласига бағишланган бўлиб, энди Бегали уни катта кўламда, ҳамма назарий жиҳатлари билан бирга ёритишни мақсад қилиб кўйган эди. Бироқ бу пайтга келиб, мафкурамизда яна бир эврилиш содир бўлди – энди жадидлар масаласини умуман тилга олиш мушкул бўлиб қолди. Маҳаллий «доҳийлар»имиздан аллақайсиси, билса-билмаса, «Жадидлар синфий душманимиздир» деган «ҳикмат»ни айтипти. Шўролар даврида, айниқса Ўзбекистонда мафкура ана шунақа аҳволда эди. Нима қилмоқ керак? Бу мавзудан воз кечиш – ўзбек адабиётининг чорак асрлик тарихидан воз кечиш демак эди. XX аср биринчи чорагидаги адабиёт тарих саҳифаларидан ўчириб ташланса, адабиёт ривожига узилиш рўй берар, унинг тадрижий ривожланиш йўлларини изоҳлаш мумкин бўлмайд қоларди...

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони

Болалигимда отамнинг ишдан келишини ухламай кутардим. Мени ҳар куни озроқ ўйнатиб, сўнг бағрига босганча секингина «Гиря»ни куйларди. Ҳадеганда ухлайвермасам бирин-кетинга азал ўқирди. Отам хиргойи қилмаса ухлаб қолганимни сира эслолмайман.

Тўнғич фарзандман. Исмимни Адиба деб отам қўйган. Адабиётга дахлдор одам бўлишимни истаб шу исмни танлаган деб ўйлайман. Бир синглим, икки укам бор. Отам ҳаммамизни бирдай яхши кўрар, бирдай ардоқларди. Ҳар биримизга алоҳида эътибор қаратарди.


Ҳар баҳорда отамнинг ота юрти Қашқадарёга борардик. Ҳар сафар доволан орқали юрардик. Доим лола теришга тўхтардик. Отам йўл-йўлакай манзилларнинг тарихини тўлиб-тошиб гапириб берарди. Тарихда бўлган воқеалар кўз олдимизда жонланиб, буюк Амир Темур бобомиз ёнимизда тургандай бўларди гўё. Шунинг учун биз – болалар отамни эшитишни хуш кўрардик. Кўпинча адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош ёки шифокор Жуманазар Бекназаров биз билан қишлоғимизга борарди. Улар бора-боргунча шеър ўқирди.

Қишлоққа кирмай, аввал бобом ва момонинг қабрини зиёрат қилардик.

Сўнгра бобо ҳовлимизда байрам бошланиб кетарди. Ҳамма бизни интиқ кутган, дийдорни соғинган бўларди. Амма-ю амакиларим билан дастурхон бошида гурунги бўларди. Баҳру байтга уланган суҳбатлар ярим тунгача давом этарди. Баҳру байтда ҳар доим биз ютқазганмиз, чунки улар кўп шеър ёдлашган эди.

Амаки ва аммаларимнинг айтишича, отам мактабда аъло баҳога ўқиган экан. Илмга чанқоқлиги боис ўн беш ёшидаёқ талаба бўлган. Ўйлашимча, отамнинг етук олим бўлишида оиладаги муҳит муҳим

аҳамият касб этган. Чунки отамнинг ота-боболари ҳам илмли, санъатга ошуфта кишилар бўлган. Илмга, санъатга ошуфталик аждодлар генидан ўтган дея гапирарди амаким Шомурод Қосимов. Бобом қишнинг узун тунларида фарзандларини сандал атрофига йиғиб, дутор чалиб берар экан. Шунданми, отам ҳам дуторни маромига етказиб чаларди.



“

*Ўйлашимча,
отамнинг етук олим
бўлишида оиладаги
муҳит муҳим
аҳамият касб этган.
Чунки отамнинг
ота-боболари ҳам
илмли, санъатга
ошуфта кишилар
бўлган.*

Уйимиздагилар отам уч марта ўлимдан қолганини кўп эслашади. Чақалоқлигида отам қаттиқ касал бўлади. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмайди. Иситмаси тушавермагач, бобом «асраб қололмасак ёлғончининг шамолини ҳам бир кўрсин» деб чақалоқни ташқарига олиб чиқиб, шамолга қаратиб қўяди. Шундан кейин худонинг марҳамати билан отам тузалиб кетади.

Бир куни чўмилишга борган отам ариққа калла ташлайди-ю, анча вақт сув юзига қайтиб чиқмайди. Олисроқда буни кузатиб турган бобом ўғлини қутқариб олади.

Учинчисида бўлажак олим ток уришидан омон қолади.

Шуларни эслаганимда, худо отамнинг жонини катта ишлар учун асраб қолганмикан деб ўйлайман.

Отам ҳар ишда тартибни биринчи ўринга қўярди. Нонуштани ҳам, кечки овқатни ҳам оила билан бирга ейишимиз шарт эди. Ҳамма бирга овқатланса меҳр бўлади дерди. Агар кимдир етиб келолмаса, албатта уни кутардик. Яна, қандай овқат бўлиши-

дан қатъи назар, бир қошиқ қолдирмай охиригача еб қўйишимизни айтарди. Отамнинг энг сеvimли таоми чучвара билан туппа эди. Шунинг учун уйимизда бу таомлар тез-тез тайёрланарди.

Оқшом соат тўққиздан сўнг чироқлар ўчирилиб, ҳаммамиз ухлардик. Отамнинг ҳар бир сонияси ҳисобли эди. Масалан, ҳар куни нонуштадан сўнг машинкада бир-икки қоғоз ёзарди. Биздан ҳам вақтнинг қадрига етишни талаб қиларди. Кун давомида қилган ишимизни бирмабир кундалигимизга ёзишимиз шарт эди. Отам ишдан келибоқ ҳамманинг кундалигини текширар, хатосиз ёзган кишини мукофотларди. Ҳатто оилавий дам олишга борсак ҳам тартибга қаттиқ амал қилардик. Ҳар йили ёзда Шоҳимардонга борганимизда отам каллаи саҳарлаб ҳаммамизни уйғотиб, машқ қилишга ундарди. Барвақт ухлашга ҳам қўймасди. Кечки овқатдан кейин ҳазми таом учун сайр қилардик, бадминтон ёки волейбол ўйнардик.

Отамнинг ҳар бир сонияси ҳисобли эди. Масалан, ҳар куни нонуштадан сўнг машинкада бир-икки қоғоз ёзарди.





“
Хатто ота-онам
хам жуда секин
гаплашарди. Уларнинг
муҳаббатичалик
муҳаббат кўрмадим.
Бир-бирини эъзозлар,
авайлар эди.
Отамнинг онамга
сизлаб гапириши
фарзандларига доим
ўрناق бўлган.

Уйда ҳеч кимнинг овозини баландла-
тиб гапиришга ҳаққи бўлмаган. Хатто
ота-онам ҳам жуда секин гаплашарди.
Уларнинг муҳаббатичалик муҳаббат кўр-
мадим. Бир-бирини эъзозлар, авайлар
эди. Отамнинг онамга сизлаб гапириши
фарзандларига доим ўрناق бўлган.

Қаттиққўл бўлишига қарамай, отам
жуда самимий, ҳазилкаш, меҳрибон ин-
сон эди. Дилозорликни ёмон кўрарди.
Эсимда, уйимизда бир мушук бор эди. Уни
Қарши шаҳридан олиб келгандик. Ўша

мушук доим отамнинг елкасига чиқиб
оларди. Бир куни отам ишдан келса, ўша
мушук уйда йўқ. Қочиб кетибди. Ўшанда
отам мушукка озор бергансизлар, шунга
қочиб кетган дея анча кунгача биз билан
гаплашмай юрган.

Қуйи синфда ўқирдик. Бир куни бе-
кор ўтирганимизни кўрган отам Жюл
Верннинг «Ўн беш ёшли капитан»и ва
Майн Риднинг «Бошсиз чавандоз»ини
ўқишни буюрди. Аввалига китобларни
ўқигим келмади. Лекин отамнинг жиддий
нигоҳидан қўрқиб, истаб-истамай қўлга
олдим. Кейин асар воқеаларига шу қадар
шўнғидимки, улар ичида яшай бошладим.
Фикру хаёлим шу китоб бўлиб қолди. Шу-
шу адабиётга меҳрим тушди. Хатто бошқа
дарсларни қилмай, бурчак-бурчакларда
китоб ўқийдиган бўлдим.

Уйга вазифаларни тайёрлашда ҳам отам
ёрдам берарди. Айниқса ёдлашга берил-
ган ғазалларнинг маъносини билмасак,





Сафар таассуротларини эшитиб ўтиришганда кимдир «Немисча ҳам бир-икки сўз ўргандингизми?» деб сўраб қолди. «Ҳа, албатта, – деб жавоб берди отам. – “Илтимос, эшикни очиб юборинг, мен кутубхонада қамалиб қолдим” дейишни ўргандим».

уларни маромига етказиб тушунтирарди. Мактабда бирорта ўқитувчи ғазалларни у кишидай шарҳлаб берган эмас.

Болалиқда композитор бўлишни орзу қилардим. Муסיқа жону дилим эди. Отам эса фарзандларига нима кераклигини доимҳис қилган, қўллаган. Бир гал туғилган кунимда пианино совға қилган. Ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Аслида пианино олиб беришини илгарироқ сўраган эдим. Чунки мусиқа мактабига қатнаётганим учун пианино жуда керак бўлган.

Ўша пианино отамдан эсдалик бўлиб қолди. Ҳозир у кишини соғинсам, пианинони чаламан.

Отамнинг мусиқа эшитиб ишлайдиган одати бор эди. У менга ҳам юққан. Шу жиҳатдан отам билан бир хилмиз. Ҳар кун хонасида мусиқа чалиб берардим. Отамнинг ўзи дотор чаларди. Жуда кўп куйларни, хусусан, «Муножот», «Гиря»ни маромига етказиб ижро этарди.



Отам ортимизда тоғдай суянч бўлиб турганини доим ҳис қилганман. Ҳеч қандай қийинчилик йўқ эди, чунки ортимда тоғдай отам бор эди.



Муסיқа мактабида ўқиганлар маълум бир муддатда имтиҳонлар бўлиб туришини яхши билади. Имтиҳондан кейин концерт бўлади. Бир гал тенгдошларимнинг барчасининг ота-онаси келди. Залдан фақат отамни қидирардим, аксига олиб уйдан ҳам ҳеч ким келмаган экан. Қанийди отам келиб қолса деб кутдим. Боз устига навбатим яқинлашиб қолган. Бир маҳал отам шошиб залга кириб келди. Жуда банд бўлишига қарамай, мен учун ўша куни вақт топиб келганди. Ўзимда куч ва ишонч пайдо бўлиб Бетховеннинг «Ойдин» сонатасини шу қадар гўзал ижро этдимки, бутун зал олқишлади.

Бунақа воқеалар ҳаётимда кўп бўлган. Отам ортимизда тоғдай суянч бўлиб турганини доим ҳис қилганман. Ҳеч қандай қийинчилик йўқ эди, чунки ортимда тоғдай отам бор эди.

Отам тез-тез хорижий мамлакатларга сафарга бориб турарди. Баъзан икки-уч ой ўша ерда қолиб кетарди. Қаерга бормасин, албатта тарихий жойларни кўрмасдан юртга келмас эди. Сафардан қайтаётганини эшитсак, ҳаммамиз нимадир олиб келишига умид қилиб интиқлик билан эшик олдида кутиб ўтирардик. Келиши билан шоша-пиша сафархалтасини очсак, унинг ичидан оғир-оғир китоблар чиқарди.

Бир марта германиялик профессор Ингеборг Балдауф отамни юртига таклиф қилди. У ерда икки ойча қолиб кетди. Қайтиб келгач, уйимизга дўстлари, шогирдлари ва ҳамкасблари йўқлаб келди. Сафар таассуротларини эшитиб ўтиришганда кимдир «Немисча ҳам бир-икки сўз ўргандингизми?» деб сўраб қолди. «Ҳа, албатта, – деб жавоб берди отам. – “Илтимос, эшикни очиб юборинг, мен кутубхонада қамалиб қолдим” дейишни ўргандим».

Отамнинг айтишича, ўша сафар давомида «Ойина» журналининг барча сонларини тўлиқ ўрганиб келган экан.

Ота-онам туғилган кунимизга қизиқишларимизга қараб совға оларди. Масалан, синглим Нилуфар тикувчиликка қизиққани учун тикув машинаси олиб берган. Менга, ҳозир айтганимдай, пианино совға қилган.

Бир гал қишда Қашқадарёга бордик. Қайтишда отам Регистонга олиб борди. Сўнгра бир ресторанга кириб, кабоб едик. Ўшанда туғилган куним эди. Ўн олтига кирган эдим. Отам соат совға қилди. Шунақа хурсанд бўлдимки, асти қўяверасиз. Ресторандан чиқиб, Улуғбек расадхонасини зиёрат қилдик.



Отам талабчан бўлса ҳам касб танлашимизга эътироз билдирмаган. «Кўнглингизга яқин касбни танланг» дерди доим. Мен Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факултетига ўқишга кирдим. Талабалик йилларим отам ишлаётган университетга бориб, дарсларига кирардим. У кишининг дарс ўтиши жуда ёқарди. Бир гал университетимизда профессор Бегали Қосимов билан ижодий учрашув бўлди. Отам актриса Гавҳар Зокирова билан бирга келди. Учрашув қизгин ўтди. Отам Абдулла Авлоний ҳақида гапирарди-тиб талабалар орасида каминага кўзи тушиб қолди. Мени кўрди-ю бир муддат жим бўлиб қолди. Уйга келганда «ғалати бўларкан, қизим, сени кўриб гапимни йўқотиб қўйдим» деган эди болаларча

ҳазиллашиб. Ўша учрашувда профессор Бегали Қосимовнинг қизи эканимдан фахрланиб ўтирганман.

Бегали Қосимов меҳридарё инсон эди. Ўша дарёдан баҳраманд бўлиб яшганмиз. Бир куни отамнинг ишхонасига кимдир қўнғироқ қилиб, «катта қизингиз ҳеч қаерда йўқ, моргларни қидиринг» деб айтибди. Балки ўша одам ҳазиллашмоқчи бўлгандир ёки душманлик кайфиятида бўлгандир, очиғи, билмайман, аммо отам бу совуқ хабардан ўзини йўқотиб қўйган. Уйга қўнғироқ қилган. Ўша куни уйда эдим. Аниқ эслолмайману, ухлаб қолган бўлишим мумкин. Хуллас, телефон овозини эшитмай қолганман.

Отам қидириб бормаган бирорта касалхона қолмаган. Охири тарвузи қўлтиғидан тушиб, не бир аҳволда уйга

келган. Эшикни эса мен очганман. Эшикни очишим билан отам бағрига босганча ўкириб йиғлаб юборган. У кишини илк марта бундай аҳволда кўришим эди. Оёқ-қўли дир-дир титрарди. Жуссаси кичрайиб кетгандай эди. Мен ҳам қўшилиб йиғладим.

2004 йил... Катта йўқотиш йили бўлди. Кутилмаганда отам касал бўлиб қолди. Шифохонага борсак, саратон касаллиги экан. Зудлик билан операция қилдирдик. Орадан қирқ кун ўтиб, отам чин дунёга сафар қилди. Доғда қолдик. Охирги кунларини яхши эслайман, ҳаммамиз билан бирма-бир гаплашиб чиқди. Ўшанда ҳам отамдан айрилиб қоламиз деб ўйламаганман. Тузалишидан умидвор эдим. «Мени видеога олиб қўйинглар, эслаб юрасизлар» деганди укамга.


Ҳали отамдан ўрганадиган нарсаларим кўп эди. Вақтида гурунглашиб, дийдорига тўйиб қолмаганимдан афсусдаман. Ҳар гал уйимизга борсам, отамни излайман. Қанийди қаршимдан чиқса, қанийди ҳаёт бўлса...

Ҳар гал отамни эслар эканман, у кишининг умри сўнгида ёзган қуйидаги сатрлари ёдимга келади:

*Биламан, ҳар кимга бу он келадир,
Сўнги сўз айтурга имкон келадир.
Виждон-ла юзма-юз иймон келадир,
Қувончлар чекиниб армон келадир.
Комида яширин аламли виро –
Ул виро онидир, виро алвиро!*

“

Ҳали отамдан ўрганадиган нарсаларим кўп эди. Вақтида гурунглашиб, дийдорига тўйиб қолмаганимдан афсусдаман. Ҳар гал уйимизга борсам, отамни излайман. Қанийди қаршимдан чиқса, қанийди ҳаёт бўлса...



Ораликдаги хатарлар

Касб танлаш... Бу жумла кундалик ҳаётимизда минг бор ишлатиладиган, асл мантиғи ҳам бироз ўзгарган оддий гап бўлиб қолди. Бу жумланинг ҳаётий ҳикматини англамай, нозик қоидаларига амал қилмай яшашга ўргандик. «Олим бўлма, одам бўл» деган некбин таъкиднинг замирида асл ҳаётий масала – касб танлаш турганини билмай ўтаяпмиз. Касбини ҳаётига, юрак амрига мувофиқ танлай олган кишигина ҳаётда чин инсон бўлиб яшашини тушунмай, тушунишга эриниб ўтиб бормоқдамиз.

...Биз адаштириб юборганмиз. Ҳамон адашиб юрганга ўхшаймиз. Нимани дейсизми?.. Ҳамма оилада қуйидаги ҳолат учраб туради: фарзандингизга ошхонадан бирор буюмни олиб кел десангиз, айтганингиз эсидан чиқиб, бошқа нарсани кўтариб келади. Бунга, албатта, кулибгина қўямиз, енгил дакки берамиз. Ҳолбуки, у болакай ёки қизча ўзи истаган, онг остида хоҳлаган нарсасини олиб келган бўлади. Бу аслида жуда жиддий ҳолат.

Ўн-ўн беш ёшли ўсмирнинг атрофида қуйидаги манзиллар чархуриб, ўзига чорлаб туради: илм-фан, сиёсат, дин, санъат, адабиёт, илк севги туйғулари ва бошқа ўйлар... У айна ўсиб, йўлини танлаши лозим бўлган бу паллада биз унга ўзимиз истаган, борингки, орзу қилган соҳани айтиб, қулоғига қуя бошлаймиз. «Мен рассом бўламан!» деган қизимизга «Кўй, болам, одам қиладиган ишни қил. Эртага турмушга чиқсанг, рўзғорга қарайсанми, хаёл суриб расм чизиб ўтирасанми?» деймиз бемалол. Аммо унинг нозик сезимларига озор бериб қўяётганимизни ўйламаймиз. «Шифокор бўласан. Тамом!». Бизнинг бу қароримиз миллий удумлар, одоб-ахлоқ қоидалари билан улғайиб келаётган қизимизга ҳукмдек эшитилади. Ва у ўзи суймаган кимё билан биологияни репетитордан ўрганишга мажбур бўлади. Унинг биология фанидан ўсимлик ва жониворлар расмини худди ўзидек қилиб чизганига биолог ўқитувчи парво қилмайди. Уни қизимизнинг фақатгина тестдаги натижаси қизиқтиради. «Хордалилар синфи тўғри берилган қаторни топинг. А вариант...».

Мақтабни тугатиб, университетга ҳужжат топширган фарзандимиз қониқарсиз балл тўплаб, ўқишдан йиқилади. Ёки ортиғи билан контракт пулини тўлаб берганимиздан кейин ўқишни бошлайди. У на яхши врач бўлади, на мусаввир... Ора йўлда жамият яна бир нобоп кадрга кўпаяди. Эрки йўқ одам завқсиз бўлади.



*Дунёда қанча касб бўлса,
шунча иқтидор ҳам бор.
Кимки ҳаётда ўз иқтидорини
намоён этиш имконига эга
бўлолса, унинг кишилар
учун фойдаси кўп бўлади.*

Ҳаётга катта меҳр, шавқ билан қарай олмайди. Боланинг эрки кўнглидаги бизга айтолмаган сўзларига қўшилиб кишанланиб қолади. Бу аста-секин аламзадаликка, тушунтириш қийин бўлган ўчкорликка олиб келса ажабмас. Бу одам йиллар ўтиши билан ўзи билмаган ҳолда ниқобланиб қолади. Ҳаёти озми-кўпми сохталашади.

Дунёда қанча касб бўлса, шунча иқтидор ҳам бор. Кимки ҳаётда ўз иқтидорини намоён этиш имконига эга бўлолса, унинг кишилар учун фойдаси кўп бўлади. Негаки муайян феъл билан дунёга келган ҳар бир боланинг қалбида, ботиний онгида ўз йўли, руҳий йўналиши мавжуд. Адашиб юрган, ҳаётдан нори-зо, мумсик кишиларни кўрганда аввало уларнинг руҳий йўлидаги адашишларни тушунишимиз зарур.

Халқимизда «Отанг қилган ишни қилгин, барака топасан» деган гап бор. Бу гап ҳам инсоннинг наслий иқтидори, суяк суриб келаётган асрий имконига ишора. Отаси чўпон бўлган киши бугун албатта чўпон бўлмаслиги мумкин. Бироқ чўпондаги сабр, вазминлик, сезгирлик, табиатга меҳр, яшовчанлик каби ҳислар унинг ҳам тийнатида бўлади. Ҳис-туйғулари тўғри шаклланган киши эса бирон соҳада баркамол кадр бўлиб етишиши мумкин.

Кўп оилаларимизда кузатиладиган яна бир ҳолат кишини ўйга толдиради. Биз фарзандимизнинг ҳам илмли, ҳам



Мавзумизни «Оралиқдаги хатарлар» деб номлашимизнинг асл боиси шуки, юқоридаги каби танловдаги адашишлар натижасида биз жуда катта маънавий муаммога дуч келамиз. Бу – қалб хотиржамлигининг кетиши.



зиёли, ҳам давлатманд, ҳам диний илми юксак бўлишини истаймиз. Масалан, банк соҳасида ишлаётган ўғлимизнинг ислом динидан илми бор қори бўлишини ҳам кутамиз. Айни дамда ўта зийрак ва меҳрибон бўлишини ҳам талаб қиламиз. У ўз касбига қобилми, тўғри йўл танлаганми деган саволга жавоб бермай туриб, шу талабларни унинг олдига қўяверамиз. Русларда «Табиат болаларда дам олади» деган гап бор. Мазмуни: ота ёки онадаги катта истеъдод фарзандда кўринмаслиги, балки бир-икки авлод ўтгач намоён бўлишидир.

Мавзумизни «Оралиқдаги хатарлар» деб номлашимизнинг асл боиси шуки, юқоридаги каби танловдаги адашишлар натижасида биз жуда катта маънавий муаммога дуч келамиз. Бу – қалб хотиржамлигининг кетиши. Руҳи хотиржам бўлмаган инсондан катта ишлар, юксак натижалар кутиб бўлмайди. Аксинча, ҳиссиз, нима қилаётганини билмай улғайган, маънан заиф кимса қаторимизга келиб қўшилади.

Бир киши ўзи истаган манзил бепоён даланинг нариги четида эканини билади. Кўзлари ўша жойни аниқ кўриб туради. Ўртадан, далани кесиб ўтадиган йўлни унинг юраги танлаган, ўзи эса оёқлари билан бошқа – олис ва айланма йўлдан кетаяпти. Оёқлари уни аввал мутлақо бошқа, қалбига бегона манзилга олиб боради. Бу жойнинг унга қизиғи йўқ. Унинг кўнгли умид қилган, ҳаётим мазмуни деб билган манзилига етиб боришга эса умр етмайди. Буни англагани сари у бетоқат бўла бошлайди. Хотиржамлик деган олий туйғуга дарз кетади. Маънавий дунёсида салбий ўзгариш бошланади.

Руҳиятдаги мана шу эврилиш киши ҳаётини ўзгартириб юборади.

Фарзандларнинг касб танлаш масаласи биз, ўтган давр қолипиди улғайган катталарнинг – оила бошлиқларининг тасаввур ва тушунчалари билан ҳал этилишида нозик, кўзга кўринмас бир чизиқ бор. Буни инобатга олиш зарур. Бугунги куннинг ўн-ўн икки ёшли боласини бундан ўттиз йил бурун шу ёшда бўлган менинг ўсмирлигимга қиёслаш ноўринроқ. Чунки бугунги фарзандга мендан кўра қийин: менинг битта эшагим бўларди, олдимда бир сурув қўй, бепоён осмон, адирлар ва қўлимда «Алпомиш» ёки «Робинзон Крузо» китоби. Менинг дунёга очилган дарчам шу китоблар эди. Робинзон билан чексиз океанда сузардим. Алпомиш билан Асқартоғдан ошиб ўтардим. Мени чалғитадиган бошқа манба йўқ эди. Бугунги ўн икки-ўн тўрт ёшли болакайни ойнаи жаҳондаги элликка яқин телеканалнинг ўзи тамоман банд қилиб қўймоқда. Қўлида эса минглаб рост-ёлгон ахборот ташийдиган смартфон. Унга қийин. Шу шароитда биз ундан катта одам бўлишини, маънавий юксак, давлатманд, диний эътиқоди мустаҳкам, оилапарвар бўлишини истаяпмиз. Ўсиб келаётган туйғулари, туйғуларига таъсир қилаётган ўнлаб омиллар қуршовида ўз



оромини йўқотаётган боламизнинг қалбини тинглаб кўрмаймиз. Бунга тажрибамиз, замонга мос эмаслигимиз ҳам сабаб бўлаяпти.

Хўш, нима қилмоқ керак? Биз ўйлаётган гаплар шу қадар муҳимми, назорат қилинмаса, чиндан ҳам оқибати ёмонлик билан тугайдими?

Одатда катта муаммоларни кўтаришни, уларга ечим топишни хуш кўраемиз. Аммо энг майда, кўз илғамас сабаблар катта муаммоларни келтириб чиқаришни ўйламаймиз. Улардан бири мана шу – боламизни тўғри касб-корга йўналтириш.

Бир ҳамқишлоқ укамизни беш йил мунтазам пулли муаллим – репетитор ўқишга тайёрлади. Тарих-ҳуқуқ йўналиши бўйича. Инглизчада ҳам унча-мунча билим олди чамамда. Прокурор ё терговчи бўлишини истаганди отаси. Бироқ юридик соҳани тамомлаган бу йигит шу соҳада атиги етти ой ишлади. Сўнг ўз ихтиёри билан ишини ташлаб кетди. Бир муддат мактабда дарс берди. Сўнг буни

ҳам тарк қилди. Ҳозир компьютер, телефон устаси. Туман марказида мўъжаз устaxonаси бор. Ҳаётдан мамнун. Яхши пул топади. Ишини севади. Ундан норизо бўлган отаси маълум бир муддат боласидан совугандай нолиб юрди. Энди-энди ўғли билан очилиб гаплашади. Икки фарзанднинг отаси бўлган собиқ юрист ўзи ёқтирган касб ортидан кун кечириб, хотиржам яшаб келаяпти. Яқинда «Матиз» сотиб олибди.

Бугун кўплар фарзандининг хориж тилида саводи чиқишини истаяпти. Инглизчани билмаса, компьютер технологияларидан беҳабар бўлса ҳаёти тўхтаб қоладигандек фикр қилишмоқда. Аслида боланинг болалиги, ўсмирнинг ўткир туйғулари ўғирланаяпти. Нимага қизиқишини англаб олмай туриб, ўз қолпимизга мажбуран олиб кираймиз.

Ҳозир Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қаҳатчилик даври эмас. Касб турлари ўша вақтдагидан бери ўн чандон ошиб кетди. Энг катта таскин ва ишонч



|| *Кечиримли бўлинг – хотиржам бўласиз деган олий тутумлар унутдек гўё. Кечиримли бўлиш учун эса феълнинг кенг бўлиши, ризқ тақдирдан, ҳаракат бандадан эканини тушуниш кифоя.*

эса ризқни яратган бандасига Оллоҳ ўзи ато қилади деган нарсани унутиб бора-япмиз. Кечиримли бўлинг – хотиржам бўласиз деган олий тутумлар унутдек гўё. Кечиримли бўлиш учун эса феълнинг кенг бўлиши, ризқ тақдирдан, ҳаракат бандадан эканини тушуниш кифоя.

Минглаб оилаларда отанинг «Мен ўқиёлмадим. Шароит тўғри келмади. Энди сизлар ўқингизлар!» деётганини эшитиш мумкин.

Бироқ ҳашаматга кўмилиб кетаётган ҳаётимизда назарнинг тўқ бўлиши бирламчи экани абас бўлаяпти. Ўзи Россияда қора меҳнат қилади. Уйини кўрсангиз, шаҳардаги ҳамма шароит муҳайё. Ўғилда ҳам, қизида ҳам сўнгги русум телефон бор. Бироқ бу одам ўғил-қизи билан йилда атиги бир-икки ой бирга бўлади. Яхшироқ, кўпроқ, қимматроқ ҳашамга тезроқ эга бўлиши учун олис ўлкаларда ўлиб тирилик юрибди. Қизини узатганда бир ҳовуч дуо бериш насиб қилмайди: иш кўп, кўпроқ пул юбориш керак!

Шу тарзда умр ўтиб боради. Ўғлимиз она тарбиясида билганича одам бўлади. Ва албатта ўқишни биринчи ўринга қўймайди. Отанинг назари, нигоҳи, тарбиясидан мосуво бу бола «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб боқибегам, паришон, қарахт ҳолда йигитлик даргоҳига етиб келади. На илм, на диний савод, на оила юкини сезиб, боши деворга теккан пайтда у уйланиш ёшига етиб келаёзган бўлади. Нима қилиш керак? Пул топиш керак! «Мана, болам, сени едирдим-ичирдим. Бировдан кам қилмай ўстирдим. Энди мустақил кап-катта одамсан. Кунингни кўр...» дейилади унга. У эса бу сафар отаси билан бирга хорижга ишга кетишга мажбур бўлади. Отасининг тақдири унинг ҳам ҳаётига ҳеч бир ўзгаришсиз кириб келади.

Кенгфеъл бўлиш, қаноатни ҳис қилиш каби асл инсоний ҳислардан мосуво одамни тўйдириб, рози қилиб бўлмайди. Жамиятимизнинг айрим кишиларида ана шу дарди бедаво авж олгани сир эмас. Қаноатсизлик касали касбга меҳр, садоқат, бир ишни сидқидилдан қилишдек табаррук туйғуларни емириб кетмоқда.

Боботоғда бир умр чўпонлик қилган кекса отахонни кўргандим. У ота-онадан сағир қолган экан. Бугунги кунда ўнлаб фарзандлар қуршовида, ардоғида яшаётган бу давлатманд бобо шундай деган эди: «Бу тоғ-тошда менинг кўзёшим томаган бир қарич ҳам жой қолмади. Отам раҳматлидан қолган чўпон таёқни ота ўрнида кўрдим. Кечалари қучоқлаб ётдим. Шу таёқни маҳкам тутдим. Кам бўлмадим. Кеча-ю кундуз чорванинг ортида бўлдим. Рўзғоримдан давлатнинг чорвасини кам кўрмадим. Шароф Рашидовдай одамнинг қўлидан мукофотлар олдим».

Отахоннинг гапидан эътиқод, садоқат, қаноат деган катта маънолар қалқиб чиқади. Бир ишга, касб-хунарга меҳрини берган, ундан борини аямаган киши ал-

батта барака топишига шу чўпон бобонинг ҳаёти яққол мисол бўлади.

Халқимизда «Қолп қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуйилмас» деган гап бор. Қолп – сохта одам дегани. Сохта одам аввало ўзини алдайди. Унинг сира баракаси бўлмайди. Қозони қайнамайди, қайнаса ҳам ундан биров барака топмайди. Қолп сўзининг бундай қўлланиши грамматикага қанчалик тўғри, билмайман, бироқ мантиғи шу. Гап шундаки, сохта, бир ишни маҳкам тутмаган кишининг турмуши ҳам беҳаловатликда, беқарор ўтиши тайин. Ўз йўлини тополмаган одамларнинг ҳаммаси ҳам бора-бора сири кетиб, ҳаётдан маъно қочади.

«Инсон бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор!» дейди Лев Толстой. Алломанинг бу сўзлари жуда катта ҳақиқатни олдимизга кўндаланг қилади. Яъни, ҳаёт билан юзма-юз, мардона туриб ўз ҳақини олиш, истаган йўлидан бориб саодатга эришиш деган жуда катта жасоратли ҳаёт йўлига ундайди адиб. Биз эса эринамиз, дангасалик қиламиз, журъат етишмайди. Ва энг

аввало туйғуларимиз танлаган йўлдан адашганимизни эсга ҳам олмай, ҳаётда ютқазганлар қаторида юраверамиз.

Бугун бир жиҳат яққол кўзга ташланмоқда: биз фарзандларимизни ўзимиздан узоқлаштираяпмиз. Туғилишиданоқ ўз иқтидори, соғлом ақл-фаросати билан бунёд бўлган боламиз маълум йиллар ўтгач, нега биз истаган, орзу қилгандек одам бўлиш ўрнига ланж бир бандага айланиб қолди? Бунга ҳам бизнинг куракда турмайдиган, ҳақиқатга хилоф хом орзуларимиз асос эмасмикан? Тўғри, бугун бола билан ота-она ўртасига замоннинг шиддати тушиб олди: техник воситалар, замонавий мактаб талаблари ва ҳоказо... Бироқ биз фарзандимизнинг прокурор, хориж фирмасида ишлайдиган тадбиркор ёки арбоб бўлишини истаяпмиз, аммо биринчи ўринда унинг маънавий баркамол, меҳрли, юраги бор инсон бўлиши кераклигини унутаяпмиз. Биздан кутган нарсаси самимий, эркин ҳаёт ўрнига уни қай маънодадир роботга айлантираяпмиз. «Уқувли киши ҳамма ишни эплай олади» дейилади назарияда. Ёзувчи Пауло Коэло «Тушунтиришларга беҳуда вақт сарфламанг, одамлар барибир эшитишни хоҳлаган нарсасига қулоқ тутади» деган. Дарҳақиқат, инсоннинг ичидаги илоҳ йўл очган дарёсига қарши чиқиш, уни дамбалаб йўлини ўзгартиришга эришиш шундай тушунуксиз, хато натижаларга олиб келади.

Турли таъсирлар оралиғида улғаяётган боламизни хатарлардан асрамоқ бугунги сершиддат даврнинг катта талаби.



КАСБИМНИ НЕГА ЎЗГАРТИРДИМ?



Шаҳноза РОФИЕВА

Шу кунларда хитойликлар фарзандларини ДНК текширувидан ўтказишга ружу қўйган. Улар боланинг қандай қобилият билан туғилгани, нимага мойиллигини аниқлаб, мурғаклик чоғиданоқ тўғри йўналишда тарбиялашни хоҳлашмоқда.

Ҳонгконгда генетик тест ўтказиш компаниялари соҳиби бўлган тадбиркор Крис Юнг ҳам қизининг ДНКсини сўлаги орқали текширтди. Ота келажакда қизининг адвокат ё шифокор бўлишини истаган эди, аммо тестнинг хотирасида муаммо борлигини

кўрсатди. Ота қизини musiқа ва спортга беришга қарор қилди.

Бу янги удум Россияда ҳам аста-секин қулоч ёзиб бормоқда. У ерда ёш спортчиларнинг қобилиятини ДНК тести орқали текшириб, муайян спорт тури бўйича жамоага олишяпти. Албатта, бу ёндашув ёшларни иқтидорига қараб йўналтиришда қўл келади. Чунки бир умр ўзи хоҳламаган соҳада кун ўтказиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайдиган қанча омадсиз кишилар борки, бу ҳол жамиятдаги кўп муаммоларга сабаб бўлади.

Эсини таний бошлаган боладан «Катта бўлсанг, ким бўласан?» деб сўралиши бежиз эмас. Психологларнинг фикрича, ота-оналар икки-уч ёшдаги фарзандининг ҳаракати, қизиқиши, талпиниши, ўзини тутишига қараб қайси касбга мойиллигини билиб олса бўларкан. Боланинг бирор соҳага меҳр қўйишида уйда ота-она ва бобо-бувининг, мактабда муаллимларининг эътибори ва далдаси касбни тўғри танлашига сабаб бўлади.

Машҳур бир математикнинг онаси ўғлининг болалигини эслаб шундай деган эди: «Фарзандимни икки ёшида табиат билан таништириш мақсадида уйимиз яқинидаги ўрмонга олиб бордим. Бир дарахт олдида тўхтаб, уни муштим билан тақ-туқ этиб урдим. Шу пайт олмахончалар инидан чиқиб тушиб кела бошлади. Ўғлим олмахонларни кўриб ҳайратланиш ўрнига уларни санай бошлади: бир, икки, уч. Ўшандаёқ уйимизда бўлғуси математик вояга етаётганини англаган эдим».

Педагог: битта дарс натижаси

**Лидия
БИЧКОВА,**
педагогика фан-
лари номзоди:



– Ҳаётимдаги энг катта педагогик муваффақиятим ҳақида гапириб бермоқчиман. Бир куни дарсдан сўнг доскадаги ёзувларни ўчиришга улгурмаган эдим. Ўшанда 11-синф ўқувчиларига арксинус мавзусини ўтгандим. Кутилмаганда синфхонага икки нафар 7-синф ўқувчиси кириб келди. Икковлон мавзуга қизиқиб қолиб тушунтириб беришимни сўради. Уларга юқори синфлар дастурига оид бу мавзу ҳали оғирлик қилишини, бунинг устига соат бешгача вақтим йўқлигини айтдим. Соат бешдан ўтиб эса эшигим тақиллади. Қарасам, бояги икки ўқувчи турибди. Очиғи, улар эсимдан чиқиб кетган экан.

Кун бўйи дарс ўтиб чарчаганимга қарамай уларни кўриб қувониб кетдим. Бу фаолиятимдаги энг ҳузурли ҳолатлардан бири эди. Икковига мавзунини батафсил тушунтирдим. Кейин ўша

ўқувчилар аниқ фанларга ихтисослашган мактабда ўқишни давом эттирди. Ҳозир улар таниқли дастурчилар. Ўз касбининг усталари. Ўқитувчи сифатида уларга биргина дарсим тўғри йўлни кўрсатганидан хурсандман.

Ота-она ёки ўқитувчи боланинг қобилиятини сездими, уни ривожлантириши, севган соҳасини пухта эгаллашда фидойилик ва меҳнатсеварликни ўргатиши керак. Афсуски, бундай ота-она ва устозлар жуда кам. Кўп ота-оналар фарзандини ўзининг соҳасига тортади. Сулоламиз ишини давом эттириб, шифокор, ҳуқуқшунос, банкир бўласан деб болани ҳоли-жонига қўймайди. Ота-онанинг кўнглига қараб касб танлаганлар барибир бир куни орзу қилган соҳасига қайтгиси келади. Кечроқ бўлса-да, шундай қилган, ўз йўли ва бахтини топган инсонлар фикримизга далил бўла олади.



Ота-она ёки ўқитувчи боланинг қобилиятини сездими, уни ривожлантириши, севган соҳасини пухта эгаллашда фидойилик ва меҳнатсеварликни ўргатиши керак.

Икки қоп ёнғоқнинг ёрдами

**Шухрат
ДАРЁ,**
хонанда:



– 1994 – 2008-йиллари шифокор бўлиб ишладим. Бу мен учун узоқ муддат эди. Чунки...

Мактабни яхши баҳоларга битирдим. Раҳматли отамдан «Қайси институтга ҳужжат топширсам ҳам ўқишга кирман, лекин консерваторияда таҳсил олсам нима дейсиз?» деб сўрадим. Илгари санъаткорларга эътибор ҳозиргидай эмас эди. Шунга бўлса керак, отам «Нима қиласан артист бўлиб, жиддий касб эмас, бир пайтлар духтир бўламан дер эдинг, яхшиси, тиббиёт йўналишида ўқи» деб жавоб берган. Биласиз, касб танлашда ўзбекларда барибир ота-онанинг раъйига қаралади.

Хуллас, тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Тиббиёт осон соҳа эмас, кунни тунга улаб ўқиш керак. Яхши ўқидим шеклилли, устозларимнинг ҳаммаси «менинг

соҳамни танла» дея ундашарди. Охири гастроэнтерология, яъни ошқозон-ичак касалликлари бўйича мутахассис бўлдим. Тиббиёт институтида ўқиш билан бирга ҳаваскорлар гуруҳида қўшиқ ҳам айтиб юрардим. Қўшиқ, санъат ҳам доим ёнимда эди.

Аслида болалагимда мусиқа мактабида таҳсил олганман. Институтда гитара чалишни ўргандим. Ботир Зокиров, Мухриддин Холиқовнинг қўшиқларини севиб айтиб юрардим.

Ўқишни битирган пайтларим эди. «Анор» телетанлови ҳақида эшитиб қолдим. Танловда қатнашай десам, қўшиғимнинг сўзи бор, мусиқаси бор, аммо аранжировка қилишга пулим йўқ. Нима қилишни билмай қолдим. Куз кунлари эди. Қишлоққа борсам, ҳовлимизда ўн қоп ёнғоқ турибди. Отамдан икки қопини олиб кетаман деб сўрадим.

Ёнғоқнинг пулига биринчи қўшиғимни аранжировка қилдириб танловда қатнашдим. Ўша кезлари телеканаллар кўп эмас, битта яхши қўшиқ чиқса шов-шув бўлиб кетарди. Қўшиғим эътиборга тушиб, турли каналларда эфирга узатилди.

2008 йилдан бутунлай санъат соҳасига ўтдим. Афсусланмайман. Ўзимга яраша мухлисларим, янги қўшиқларимни кутадиган тингловчиларим бор.



Учта дипломим бор

Сергей КИМ,
психолог:




– Йигирма тўққиз ёшимда учта диплом, учта мутахассисликка эгаман. Аввалига дастурчи бўлиб ишладим. Сўнг адабий журналда муҳаррир бўлдим. Учта давлат – Қозоғистон, Эстония ва Финландияда яшадим. Икки ишимдан ҳам қониқмадим. Кейин психотерапияга қатнай бошладим. Психолог тренинглари натижасида кўнглимда нималар кечаётганини ҳис қилиб, юрагим нимани хоҳлаётганини англадим.

Ўзимни қайтадан кашф этдим. Терапия охирида психология соҳасида ўқишга қарор қилдим. Амалий психология институтида ўқиб, Погодин академиясида гештальт-терапияни ўргандим. Бугун амалий психологман. Ҳаётдан мамнунман.

Болалигимизда қалбимизга қулоқ солишга ўргатишмайди. Шунинг учун балоғат ёшимизда кўпчилигимиз қайси йўл тўғри эканини, қай соҳани танлашимиз кераклигини билмай бошимиз қотади. Йиллар ўтиб нотўғри йўлда эканимизни англаймизу, янги қадам қўйишга чўчиймиз. Бироқ бундай яшаб бўлмайди. Ишингиздан завқ олмаяпсизми, вақтида тўхташ ва касбингизни ўзгартиринг. Ахир дунёга бир марта келасиз, ўзингиз севган касб билан шуғулланинг.

Ичимдаги овозга қулоқ солдим

**Мадина
ИСМОИЛОВА,**
тадбиркор:



– Шифокорлар оиласида дунёга келганман. Отам – жарроҳ, онам – болалар шифокори. Тўнғич фарзанд сифатида ота-онамнинг йўлидан кетишим керак эди. Иқтидорли болалар лицейида кимё-биология йўналишида ўқиб, илк уринишдаёқ тиббиёт институтининг талабаси бўлдим. Ота-онам қувонишди. Бунинг устига, тақдирни қарангки, шифокор аёлга келин бўлиб тушдим.

Бакалаврни битириб клиник ординатурага ўқишга кирдим. Тиббиёт йўналишида ўқиш осонмас, анча мушкул. Устига устак оилалиман, ёш болам бор. Бир амаллаб ўқишни битириб акушер-гинеколог бўлиб ишладим. Четдан қараганда ишларим жуда яхши эди. Аммо...

Бир куни ичимдаги овозга қулоқ тутиб кўрдим. Бирдан фикрим ўзгарди. Тиббиёт соҳасини бутунлай тарк этиб, бизнес бошлаб юбордим. Иш вақтини эркин белгилаш, кимгадир ҳисоб бермаслик каминадек эркесвар қизнинг олий мақсади эди. Қолаверса, оиламга, фарзандларим тарбиясига, шахсий ишларимга вақтим бемалол бўларди. Ўзбекистонда илк бор оилавий, яъни она ва қиз, ота ва ўғилга бир хил кийимларни буюртма асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бу гоё қандай пайдо бўлди дейсизми? Тўрт боламнинг учтаси қиз. Бир вақтлар қизларим билан бир хил кийим кийгимиз келиб роса қидирганмиз, аммо тополмаганмиз. Сўнг ўзимиз тиктиришга мажбур бўлганмиз. Шу сабаб бўлган.

Мактаб давридаёқ ташаббускорлигим ва ташкилотчилигим билан тенгдошларимдан ажралиб турганман. Атро-

фимда доим ўзимга мос, ғайрати ичига сифмайдиганлар бўлган. Ўша феълим сабаб «Тумор» аёллар клубини ташкил этдим. Бу ерда йўлини излаётган ва олдига мақсад қўйган аёллар йиғилган. Клубимизда муваффақиятга эришган аёллар билан маҳорат дарслари, психологик тренинглари, миллий анъаналарга бағишланган тадбирлар ўтказиб турамыз.

Мудом ижтимоий лойиҳаларга бош қўшиб юраман. Бугунги фаолиятимдан кўнглим тўлади. Турли танловлар қошида иккиланиб турган аёлларга ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмак бераётганимдан хурсандман. Айтганча, шифокорликни ўрганганим ҳам бекор кетмади – олган билимим, дипломим ва тажрибам бугунги фаолиятимда жуда қўл келмоқда.

Одам ўзини ўзи фош этади



Мастура ВАЛИЕВА,
психолог,
«Асака» банки
марказий
аппаратида
профориентолог:

– Мактабни битирган йилларим кўпчилик фарзандини иқтисодиёт йўналишида ўқитишга ҳавасманд эди. Отам эл қатори мени ҳам шу соҳага қизиқтирди. Институтни битирдим. Аммо бу соҳада ишлолмадим. Охири ўзим севган соҳа – психологияга ўқишга кирдим. Аввалига олий таълимда ёшлар билан ишладим. Улар касбни тўғри танладими-йўқми дея йўл-йўриқ кўрсатиб, кўмак бердим.

Ҳозир банкда амалий психолог, профориентолог бўлиб ишлайман. Банкмизда республика бўйича 2700 нафар



Ўзбекистонда илк бор оилавий, яъни она ва қиз, ота ва ўғилга бир хил кийимларни буюртма асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

ходим меҳнат қилади. Янги ходимларни ишга олишда уларнинг шахсий маълумотлари билан танишиб чиқаман, юзма-юз суҳбатлашаман. Суҳбатда номзодларнинг гап-сўзи, савол-жавоби, ўзини тутишидан аслида қандай одам экани, бу соҳага қизиқадими ёки мажбурий танлаганми, тавсия этилаётган ишга муносибми, эплай оладими каби жиҳатларга жиддий эътибор бераман. Хулосамни эса ходимлар билан ишлаш бўлимига тақдим қиламан.

Бир йилда бир марта ходимларни ротация қиламиз. Унда ҳам ҳозир айтганимдай ходимлар ўрганилади. Баъзан бир ходим ўз бўлиmidан кўра бошқасига кўпроқ мос тушиши мумкин. Айтайлик, нутқи яхши бўлгани учун реклама ва аҳоли билан ишлаш бўлимига ўтказилса, ўзи учун ҳам, жамоа учун ҳам самарали бўлади. Баъзилари пул билан ишлолмайди, айримларининг қўли эгри чиқиб қолади. Бундай ходимларни кузатиш керак деб ёзиб қўяман.

Кўп ҳолларда ходимлар ўзини ўзи фош қилиб қўяди. Уларга дарров чора кўрилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ходим банк соҳасига умуман қизиқмайди ва ишини тушунмайди. Бунақалар билан секингина, кўнглига тегмайдиган қилиб гаплашаман. Суҳбатимиздан сўнг йўлини ўзгартириб, раҳмат айтиб кетганлари ҳам кўп бўлади.

Қайси соҳада бўлса ҳам ходимлар ўзига муносиб ишда ишласа тараққиёт бўлади. Ҳамма ўзи севган, ақли етган касбни қилса жамият ривожланади. Порахўрлик, кўзбўямачилик, хўжакўрсинга ишлашга ҳам чек қўйилади.

ПСИХОЛОГ МАСЛАҲАТЛАРИ

Боланинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятини яхши тушуниш уни уни касбга тўғри йўналтиришга ёрдам беради. Бу борада Мастура Валиеванинг тавсиялари:

- Боланинг қизиқишларини ўрганинг. Унинг сеvimли машғулоти ҳақида гаплашинг. У нимани ёқтиришига эътибор қилинг. Эҳтимол, расм чизиш, ўқиш, спорт ёки технология билан ишлаш унинг жони дилидир.
- Фарзандингизга ҳар хил фаолият билан шуғулланишни таклиф қилинг. Масалан, ҳар хил курслар, маҳорат дарслари, машғулотларда унинг қобилияти очилиши мумкин.
- Боланинг қобилияти ва кучли томонларини аниқлашга ёрдам берадиган тест ва сўровлардан фойдаланинг.
- Фарзандингиз нимада муваффақият қозонаётганига, қандай вазифаларни осон ва завқ билан бажараётганига эътибор қаратинг.
- Фарзандингизнинг интилишларини қўлланг, қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам беринг. Унинг ривожланиши учун зарур муҳит яратинг.
- Фарзандингизнинг мустақил қарор қилишига имкон беринг, унинг хато қилишидан қўрқманг, аслида бу ҳам ҳаётий сабоқнинг бир қисмидир.
- Вақти-вақти билан касблар бўйича суҳбатлашинг. Янги қизиқишлар, боланинг хоҳишидаги ўзгаришларни биргаликда муҳокама қилинг. Касбга йўналтириш қотиб қолган, бир марталик эмас, балки доимий жараёндир.
- Касбни тўғри танлаш бахтли ва тўкин ҳаёт гаровидир. Ўз ишидан, оиласи ва жамиятга келтираётган нафидан кўнгли хотиржам одам чинакам бахтли инсондир. Бунга эса ҳар биримизнинг ҳақимиз бор.



Нилуфар
ҲАЙИТОВА
суҳбатлашди.

И Ж О Д ОФРИҚЛАРИ

«Чой», «Қиз ва булут», «Якшанба» каби филмлари кино оламида кетма-кет ютуқларни қўлга киритаётган Шокир Холиқов бугунги куннинг ёш, мулоҳазали, иқтидорли режиссёрларидан. Режиссёрнинг ўй-кечинмалари, шахсиятига қизиқувчилар ҳам талайгина. Шунини инобатга олган ҳолда бугун унинг санъат, маънавият ва умуман ҳаёт ҳақидаги фикрлари билан қизиқиб, суҳбатга тортдик.

Фото: Эрнест КУРТВЕЛИЕВ

– Шокир, кейинги йиллардаги ютуқларингиз ҳақида кўп эшитаяпмиз. Хурсанд бўлаяпмиз. Келинг, суҳбатимизни ижодкор ва ижод мавзусида бошласак...

– Аслида ижодий оғриқларни ҳис қилиш ижодкорга ёқимли. Мен учун ҳам шундай. Ўша оғриқ, ақл билан ўйлаб қаралса, ижод дегани. Буни ҳис қилишнинг ўзи катта бахт. Улар яхши асарлар туғилишига тўлғоқ бўлади. Ҳис қилмасачи? Нима бўларди? Афсуски, бу туйғу борган сари камайиб борапти. Инсонни емирадиган глобал муаммолар, дунёнинг қайсидир бурчагида бир болакайнинг очликдан жони узилгани ёки урушлар оқибатида минглаб мусулмонларнинг ҳаёти хатарда экани биргина эсиз билан ўтиб кетмайди. Бу ҳақдаги ўйларимиз ҳам беш дақиқага етиб бормайди-ёв. Афсус! Илгари бундай воқеалар ҳамминг дили оғришига сабаб бўлган бўлса, ҳозир беш дақиқада унутиладиган шунчаки бир хабар бўлиб қолаётир. Қалбдан ҳис қилиш деган туйғунинг ўлаётганини шунда сезаман.

Устозимиз Маҳкам Муҳаммадов «Тўлғоқ келмаса бола туғилмаганидек, дард бўлмаса асар яратилмайди» деган эди. Бусиз асар асар бўлмайди. Энг яخشиси, ижодкор оғринсин, асар туғилсин, қалбларни титратадиган асар бўлсин. Оғриқлардан кейин бирор асар туғилмаслиги ижодкор учун ёмон. Тўкилмаган дард ижодкорга оғирлик қилади. Ичда тўпланади ва қийнайди. Шунинг учун Аллоҳ ҳис қилиш санъатини берганини, тагин ижодкор қилиб яратганини бахт деб биламан. Устозларимиз «Бошқалар кўрмаган нарсаларни ижодкор ҳис қилиши, кўриши керак» дер эди. Нимадир сизни қийнайди, у ҳақда тафаккур қиласиз. Ўзингиздан ўтказасиз ва одамларга санъат воситасида туҳфа қилиб берасиз. Бу жараён давомли, ижодкор ҳаётни шундай яшаб ўтади. Аслида у аввалдан шундай бўлишини яхши билади, руҳияти шунга мос ва



Тўкилмаган дард ижодкорга оғирлик қилади. Ичда тўпланади ва қийнайди.

Шунинг учун Аллоҳ ҳис қилиш санъатини берганини, тагин ижодкор қилиб яратганини бахт деб биламан.

мойил бўлади. Кимдир охиригача шу йўлдан боради, кимдир ярим йўлда қолади.

Санъат институтида бир гуруҳда йигирма талаба ўқиса, шулардан бир ёки иккитаси соҳада ишлайди. Аксарияти бошқа ишларга ўтиб кетади. Бу қалбнинг ижодий оғриқларини ҳис қилолмаслик оқибати деб биламан. Ҳақиқий ижодкор бу оғриқлардан роҳат топа билгувчидир. Тафаккур, сабр – ёқимли. Фикр ва ўй, туйғунинг йўқлиги бу ҳаётнинг қизиқарсиз бир йўсини. Мен Румийнинг «Инсон бир яхши нарсани яратиши учун албатта унинг қалбида дард ва иштиёқ бўлиши керак» деган фикрини яхши кўраман. Энг мукамал топилмаларда ҳам дард бор. Эҳтиёж бўлмаса ҳеч нарсаяратилмайди.

– Бир пайтлар диалогларсиз, монологларсиз кинолар урфда эди. Қисқа метражли филмларингиз «Чой», «Қиз ва булут»ни диалогларсиз кўрганда, балки ўша усул қулайроқ эканми, қисқа метражли филм орқали гоёни томошабинга осонроқ етказиш,

таъсир ўтказиш мумкинмикан деб ўйлаб қоламан. Қолаверса, бугуннинг томошабинлари анча бесабр...

– Кўпинча режиссёр томошабинга мослашиши керакми, томошабин режиссёргами деган саволга дуч келаман. Агар режиссёр томошабинга мослашиб, саҳнадан унинг ёнига тушса ижод ҳам пасаяди. Томошабинга мослашмоқчи бўлган ижодкорларни ўз қарашларидан чекиниб, билмайдиган тилида гапиришга уринаётган одамлар деб тушунаман. Томошабин шошиб турибди, томошабин тушунмай қолиши мумкин, унинг савияси қадар бўлсин деб биз ҳам савиясиз кино қилишимиз керакми? Бу томошабиннинг муаммоси, ижодкор эса томошабинни тафаккур ва дид борасида баландроққа олиб чиқишни ўйлаши зарур.

Ижодкор ўзи тушунган ва теран ҳис қилган нарсалар ҳақида гапириши керак. Ўзини қийнаётган дардлар хусусида гапирсагина асар яратилади. Кимнингдир тушуниши учун гапириш – умуман бошқа нарса, демак, унинг мақсади – тушунтириш, шунчаки изоҳ бериш. Изоҳ ижод эмас. Ижодкор эса томошабин шошадими, шошмайдими ўз ишини қилади. Томошабин керак пайтда филм томошаси учун вақт чегарасини бузиб келади, керакли

нарсани олиш учун томошабинга тўсиқлар муҳим эмас. Инсон ўзига кераклисини излар экан, шошишдан, ухлашдан, керак бўлса, очқаган қорнини тўйдириш қайғусидан ҳам тўхтади. Ижодкор фикрини қанча енгил-елпи ифодаласа, бора-бора энг юзаки филм ҳам вазн йўқотади, ҳатто ўн дақиқа вақт ҳам ортиқчалик қилиб қолади. Хуллас, ён босган сари орқага кетаверади.

«Унда ким учун ижод қиласиз?» дейишади. Ўзим учун дейман. Буэгоизм эмас. Шунчаки, мени ўйлантирган масалаларга бошқаларнинг ҳам эътибор қаратишини истайман. Мен гапирмайман, кўрсатаман. Бунда томошабиннинг дидини инобатга олиш принципимга тўғри келмайди. Майли, томошабин кам бўлсин, юзта эмас, ўнта бўлсин, лекин ҳис этсин, тушунсин. Ижодкорнинг мақсади ҳам шу аслида.

– Авваллари қисқа метражли филмлар молиявий имкон бўлмаганда олинади деб тушунардим. Аммо бугунги кунда баъзи қисқа метражли филмларни кўриб, талайгина тўлиқ метражли филмлар айта олманган фикрларни айта олганини кўраяпман. Сиз ниманинг таъсирида қисқа ёки тўлиқ метражли филм оласиз?

– Аввало, филм олиш барибир маблағга бориб тақалади. Қисқа метражли филм-



*Томошабинга
мослашмоқчи бўлган
ижодкорларни ўз
қарашларидан чекиниб,
билмайдиган тилида
гапиришга уринаётган
одамлар деб тушунаман.*





*Тўлиқ ёки қисқа метражли филм олиш
режиссёр айтмоқчи бўлган фикрни
тасвирлаш учун суратга олинадиган
воқеалар кўламига боғлиқ.*

лар ҳам бепул яратилмаган. Қандай бўлмасин, ижодкорлар имкон қилиб, пул топиб, ўша филмларни яратган. Унинг машаққати ўзига аён. Режиссёрликнинг энг қийин даври талабаликка тўғри келади. У пайтда мен талабадан деса актёр келиб бепул ўйнаб бериши мумкин, лекин талаба-режиссёр шунда ҳам фил-

мига пул сарфлайди. Режиссура – қиммат соҳа. Молиявий кўмак бўлмаса ривожланиш, олдинга юриш имконсиз. Кўпчилик ижодкорларнинг соҳадан кетишига сабаб ҳам шу.

Тўлиқ ёки қисқа метражли филм олиш режиссёр айтмоқчи бўлган фикрни тасвирлаш учун суратга олинадиган воқеалар кўламига боғлиқ. Агар режиссёр мўъжазгина бир фикрни мўъжаз усулда ифодамоқчи бўлса, демак, кичик филм, агар кўпроқ нарсалар ҳақида ўйлаётган бўлса тўлиқ филм олинади. Сиз айтаётган катта фикрни кичик филмга жойлаш ҳам санъат аслида. Чунки диалогсиз филмни олиш қийин. Бошида техник имкониятимиздан келиб чиқиб, қисқа метражли филмлар ишлаганмиз. Ҳатто ўша биринчи киноларнинг овозсиз бўлишига техник имконият мажбур қилган.

– Қисқа метражли филмларнинг келажиги ҳақида қандай фикрдасиз?

– Яхши фикрдаман. Уларнинг умри давом этаверади. Савия жиҳатдан ҳар доимгидек хилмахиллик бўлиши табиий. Олдинроқ бир тўлиқ метражли филм ўртача 3-3,5 соат давом этарди.



Ҳозир бунақаси кам. 90 минутга тушиб қолган. Албатта, ўзим истагандек кўрсатишим керак деган одам филм хронометражининг катта-кичиклиги билан ҳисоблашмайди.

– Санъатнинг ижтимоий аҳамияти ҳақидаги баҳслар тугамайди. Ҳар бир ижодкорнинг бу борада ўз хулосаси бўлиши табиий. Сизнингча, кино жамиятни ўзгартира оладими? Ёки бугунги замоннинг энг долзарб мавзусини олайлик, оғир муҳитли оилада ўсаётган ўспириннинг тарбиясини кино орқали тузатиш мумкинми?



Масалан, кинодан бир инсон таъсирланди дейлик, у албатта ўз даврасида бу ҳақда гапирди. Режиссёрдан бошланган фикр иккинчи инсонга таъсир қилиб, учинчи одамга етиб боради ва шу тариқа давом этади.

– Жамиятни ўзгартириш масаласида гапирадиган бўлсак, ОАВ, медиа, адабиёт, кино инсонларга таъсир қилувчи кучлар. Бутун бир мамлакатнинг қарашини ўзгартирган филмлар бор. Бир замонлар гоъвий филмлар ишлаб чиқарилган ва фикрларни, қарашларни ўзгартиришга эришилган. Одамларнинг қарашлари тамомила ўзгарган. Бу борада тарихда мисоллар кўп. Инсониятни ўзгартириш учун ҳар бир касб эгаси ўз ҳиссасини қўшишни, инсонларга манфаатли бўлишни хоҳлайди. Масалан, кинодан бир инсон таъсирланди дейлик, у албатта ўз даврасида бу ҳақда гапирди. Режиссёрдан бошланган фикр иккинчи инсонга таъсир қилиб, учинчи одамга етиб боради ва шу тариқа давом этади.

Ўсмирнинг тарбияси борасида эса аввало инсоннинг қандай бўлиши – унинг тақдири деб биламан. Боланинг тарбиясида киноасарни биринчи омил деб ҳисоблаш хато. Бу ўринда жамиятнинг





Агар оилада муҳит оғир бўлса, санъат ижобий таъсир қилиши қийин. Чунки одам эркин, озод бўлсагина маънавий озуқаларга эҳтиёж сезади, хотиржам бўлса китоб ўқийди, кино кўради.



таъсирини биринчи ўринга қўйиш лозим. Агар оилада муҳит оғир бўлса, санъат ижобий таъсир қилиши қийин. Чунки одам эркин, озод бўлсагина маънавий озуқаларга эҳтиёж сезади, хотиржам бўлса китоб ўқийди, кино кўради. Масалан, инсонни нимадир қийнаяпти дейлик, унинг бутун фикри-зикри шу муаммода, унга таъсир қилиш деярли имконсиз. Эътибор қилсангиз, ич-этини еб ётган одам ҳатто табиий биологик эҳтиёжларини ҳам эсдан чиқаради. Оилавий аҳволи оғир одамга эса вақт керак. Отаси ўғри бўлса бола унинг иши нотўғри эканини тушуниши учун бироз катта бўлиши, улғайиши лозим. Бу жараёнда ҳақ билан ноҳақни ажратиш, демакки, отасининг ишига баҳо бериш учун кино ёрдам бериши мумкин.

– «Эҳ, ҳозирги ёшлар...». Ҳазилларда айтишларича, бу сўзлар қадимий қўлёзмаларда ҳам зикр қилинган экан. Орадан шунча вақт ўтса-да, ҳамон бот-бот такрорланади. Сиз нима дейсиз бу ҳақда?

– Ёшларни ҳар жойда кўраяпман. Улар китоб ўқияпти, изланаяпти, ўрганаяпти. Лекин институтда дарс берганимда кўрдимки, ҳозирги талабалар анча ялқов. Мажбурлаб, қўлидан тортиб олиб келмасангиз ўқимайди. Ҳатто филм кўришга ҳам эринади. Уларнинг тутумлари тушунарсиз. Ўзлари бошқа йўлдан кетаяпти, лекин мақсадлари бошқа тарафга қараган. Ҳозирги кўплаб ёшлар учун моддий манфаат устувор, улар энг осон йўллари танлаяпти. Кўпчилигининг мақсади: пул топса бўлди. Китобхон ёшлар ҳам бор. Яна чет давлатларда малака талаб қилмайдиган ишлар билан машғуллар ҳам бор. Бу жиддий таҳлил қилиниши керак бўлган катта мавзу.

– Катта режиссёр бўлиш орзусидаги ёшларга айтар гапларингиз...

– Аввало худо юқтириши керак. Ҳис қилишни, ишга меҳр қўйишни билмоқ лозим. Иш мақсад билан бир бўлишини англаш муҳим. Касбдошларимга, тенгдошларимга доим машаққатли меҳнатни



ҳеч ким кўрмаса ҳам Аллоҳ кўриб турибди деб айтаман. Бундан ташқари, доимий изланишни, мунтазам ишлашни йўлга қўйиш зарур.

Пандемия даврида Эркин Хушматов билан «Қиз ва булут» анимацион филми устида етти ой ишладик. Бир сўмсиз. Оч қолган пайтларимиз ҳам бўлди. Ўшанда шеригимга ҳеч ким кўрмаяпти дема, Аллоҳ кўриб турибди деганман.

Осон бўлаяптими, демак, юқорига кўтарилиш қийин. Моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам. Куч сарфлаган одам албатта кўтарилади.

– Кино – бизнес – маънавият... Бу уч тусунча бирлашиши мумкинми сизнингча? Мисол келтира оласизми?

– Битта филмда ҳаммаси бирлашиши қийин. Аниқроғи, бизнес ва маънавият тусунчалари кино соҳасида бирлашади. Лекин битта киноасар ҳам бизнес, ҳам маънавиятга хизмат қилиши қийин. Барибир мақсад ё униси, ё бунисига қаратилади. Албатта, маънавий бойлик учун яратилган филм бизнес сифатида ҳам наф келтириши мумкин. Аммо бизнес учун чиқарилган филмларнинг маънавиятга хизмат қилиш эҳтимоли жуда кам. Лекин баъзи филмлар бор, масалан, «Шиндлер рўйхати», «Форрест Гамп», «Яшил маскан» – улар томошабоп, кассаси юқори. Касса учун ишлаб чиқарилган бўлса-да маъна-



Иш масаласида сиз билан бир даврада ўтириб, касбга қарашларнинг турлича бўлишидан ҳам жуда қийналганман. Ҳар сафар фикримни исботлайверишга мажбур бўлганимда ҳафсалам пир бўлади.

вий жиҳатдан ҳам кўришга арзирли деб ҳисоблайман.

– Қийинчиликлар қаршисида ўзингизни қандай тутасиз?

– Ижодкор ҳаётда фақат яхшилик кўришни истайди, аммо хатоларни тузатиш мумкин бўлган жойда иложи йўқ дейишса, бу ҳам жуда оғриқли.

Иш масаласида сиз билан бир даврада ўтириб, касбга қарашларнинг турлича бўлишидан ҳам жуда қийналганман.

Ҳар сафар фикримни исботлайверишга мажбур бўлганимда ҳафсалам пир бўлади.

Биласизми, бундай вазиятга «шундай бўлиши керак экан» деб қарайман. Йўлимни бошқа жойдан топишим кераклигини тушунаман. Ёнимдаги, энг яқинимдаги устозим, дўстларим билан фикрлашаман, бу одамга куч ва шижоат беради.

– Врач бўлишни орзу қилган экансиз. Орзу қилмаган касбингизни маромига етказа олаяпсиз. Агар ўша орзунгиз амалга ошганида ўзингизни қаерда кўрган бўлардингиз?


– Менинг врач бўлиш орзум отам билан боғлиқ эди...

Афсус, отам ўтиб кетди...

Менга «агар» деган сўзни ишлатиш ёқмайди... Лекин шифокор бўлганимда яхши шифокор бўлардим. Отамни даволашнинг имкони бўлмаганига яраша, бошқаларнинг отасини даволаб, дарддан қутқариб юрган бўлардим. Тақдир тақозоси билан ўқишга киролмадим. Шундан кейин, юқорида айтганимдек, ташқи муҳит таъсир қилди. Атрофимда ижодкорлар бор эди, уларнинг маслаҳати билан ижодга шўнғиб кетдим. Талабалигимда тенгқур дўстларим билан қизиқарли дарсларда юрар эканман, онам, оилам бундай юришларим учун меҳнат қилаётганини доим эсимда тутганман. Қийналиб ўқитишганига яраша касбимнинг устаси бўлишим керак деб ўйлайман ҳалигача. Аслида касбим ҳам шифокорликка ўхшаб кетади. Ижодкор азалдан инсоннинг қалб яраларини даволашга эътибор қаратади.




Талабалигимда тенгқур дўстларим билан қизиқарли дарсларда юрар эканман, онам, оилам бундай юришларим учун меҳнат қилаётганини доим эсимда тутганман. Қийналиб ўқитишганига яраша касбимнинг устаси бўлишим керак деб ўйлайман ҳалигача.



ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ

Асрор МҮМИН
тайёрлади.

ОГОҲЛАНТИРАДИ



Ўзбек халқи ва адабиётининг қадрдон дўсти, машҳур болқор шоири Қайсин Қулиев 1917 йил 1 ноябр кунин Қабардин-Болқор Республикасининг Чегем туманидаги Элтепа овулида тузилган. 1985 йил 4 июнда Чегем шаҳрида вафот этган.

Қайсин Қулиев юртимиз, халқимиз ҳақида ҳамиша эзгу сўзлар айтган, юртдошларимизнинг ютуқлари билан фахрланган, ўзбек тилини яхши билган.

– Ўзбек шеърияти жаҳон аҳамиятига молик шеърият. Улуғ Алишер Навоий ижоди фикримнинг ёрқин исботидир, – деган эди Қайсин ога нуфузли анжуманда.

Қайсин ога Тошкентда бўладиган анжуманларга қувонч билан келган. Бўш қолди дегунча Тошкент кўчаларини пиёда айланиб завқланган. Самарқандга борганда ҳайратини яшира олмаган.

– Самарқандда халқ даҳоси яратган меъморчилик дурдоналарини томоша қиларканман, бир нарсадан хижолат бўлдим ва ўқиндим, – деган эди у илк бор қадимий шаҳримизни кўриб. – Регистон майдони, Ғуримир, Шоҳизинда, Бибихоним масжиди каби ноёб санъат ва меъморчилик обидалари қайси мамлакатда бор? Мен Тожмаҳални, Қизилқалъани кўрганман. Лекин Самарқанд обидалари ҳаммасидан зиёда.

Қайсин Қулиев асарлари дунёнинг 146 тилига таржима қилинган. Жумладан, ўзбек тилида унинг «Гул ва ханжар» (1968), «Кўзларингни севаман» (1977), «Мени ардоқлаган аёлларга» (2004), «Ҳайрат» (2013), «Менинг мукофотим» (2017) ва «Қиш эди...» (2019) номли китоблари чоп этилган.

Таҳририят



Инсониятни энгиб ҳам, янчиб ҳам бўлмайди. Одамзот меҳр-шафқатсиз яккаланиб қоларди. Одамзот ҳар доим ишлайди ва курашади. Ҳатто ер юзида нон, меҳр-шафқат етишмаган даврда ҳам.

* * *

Биз буюк келажакка гуллар сочилган ра-вон йўлдан борамиз деб ўйламаслигимиз керак. Бу зарарли ва кечириб бўлмас хатодир. Буюк мақсад ва ишлар ҳар доим буюк мардликни, буюк ҳақиқатни талаб қилади.

* * *

Менинг бахтим шундаки, қийин кунларда ҳаётга қўл силкимадим. Мен учун ҳамма вақт қорли чўққилар, йўл четида ўсган яшил майсалар, Пушкин шеърляти, Бетховен мусиқаси қадрли бўлиб қолаверди. Прометей одамзотга олов келтирганини ҳеч қачон унутмадим. Аммо бирор уй оловда ёнса, бунга Прометей айбдор эмас.

* * *

Шукурки, мен ҳаёт ҳақида ҳеч қачон ёмон сўз айтмадим, унга арзимас нарсалар қарамасдим. Яна одамлар қадр-қимматини камситмасдим, кўнглини чўктирадиган сўзларни айтишдан тилимни тийдим.

* * *

Одамнинг бошига қайтариб бўлмас кулфат тушганда, у икки карра бардошли бўлиши ва аламини шодлик кунларини қарши олгандай мардона қарши олиши керак.

* * *

Мен ишонаман: заминимиз кулга айланмайди. Ажойиб санъат дурдоналарини яратган, техника мўъжизаларини ихтиро қилган инсоният оиласи бундай талбаликка йўл қўймайди. Заҳарни топган одамлар зидди заҳарни ҳам топишади. Шундай бўлиши учун ижодкор жим турмаслиги керак, унинг жим туришга ҳаққи йўқ. У ўз сўзини айтиши зарур.



* * *

Шу қутлуғ замин яна юзлаб, минглаб авлодларга ҳаёт бағишлаши керак. Замин ҳалокати мен учун ўзимнинг ўлимимдан ҳам даҳшатли.

* * *

Истеъдодли бўлиб туғилишнинг ўзи кифоя эмас, бу тухфага масъулиятли ҳам бўлиш шарт.

* * *

Дейдиларки, вақт ўтиши билан ҳамма нарса унутилади. Лекин бундай эмас, тўғрироғи, ҳеч нарса унутилмайди.

* * *

Китобларни ўқимасдан яшаш куну тун осмонни кўрмаслик, кўр бўлиш билан ба-равар.

* * *

Одамнинг битта ватани бўлади, унга бошқа азиз жой йўқ. Аждодларимиз ватанимизнинг битта тошини ҳам олтинга алмашмаймиз дейишган.

* * *

Ҳали инсоният луғатида ўғлидан айрилган онанинг дардини енгиллатадиган ва тинчлантира оладиган сўзлар йўқ.

* * *

Қаерда кетганлар хотираси ҳурмат қилинмаса, у жойда тириклар ҳам ҳурмат қилинмайди.

* * *

Марҳум жасадини тупроққа топширганда одамлар тоғдай сукут сақлашади...

* * *

Ҳамма одамлар Суқротдай донишманд, Бетховендай даҳо бўла олмайди. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Лекин ҳар бир одам виждонли ва меҳнатсевар бўлишга интилиши керак.

* * *

Номи ва шакли ўзгарса ҳам ёвузлик ёвузлигича қолаверади.

* * *

Барча даврларда севги ҳаётнинг барча душманларидан кучли.



* * *

Севги ҳам худди ўлим каби бизнинг оқилона мулоҳазаларимиздан устун туради.

* * *

Бир дарахт соясида айиқ билан асал ялама.

* * *

Шошиб оққан дарё денгизгача етиб бормайди.

* * *

Ҳаётда яхшилик уруғи ҳар доим бор.

* * *

Тақдирига фақат яхши иш қилиш ёзилган кишилар бахтлидир.

* * *

Виждонсизлик ва қўрқоқлик – бир нарса.

* * *

Икки бор ўлиб бўлмайди, биринчисининг ўзидан қочиб қутула олмайсан.

* * *

Душман ҳеч қачон яхшилик қилиш учун келмайди.

* * *

Халқ ҳикматлари қаҳрамонлик каби қарилик нималигини билмайди.



Ҳақиқатнинг буюклиги оддийлигидадир.

Шоирнинг қўли ва фикрлари тоза бўлиши шарт.

Бахтимизга одамзот умри қисқалиғини билса ҳам қўрқув ва умидсизликни енгишга куч топа олади.

Халқимизнинг яхши номи, шаъни ва озодлиги ўз манфаатимиздан, жонимиздан азиз бўлиши лозим.

Кам яшадик, кўп нарсани кўрдик.

Барча қийинчиликларни енгиб ўтиши учун одамга биринчи навбатда саломатлик керак. Буни мен ҳам аввалроқ тушуниб етмадим. Биз энг керакли нарсаларни кечроқ англаймиз.

Гийбатчи ўз онасига тухмат қилиши, ўғри эса қашшоқнинг охири тангасини ўғирлаши мумкин.

Азалдан пасткаш ва истеъдодсиз кишилар ёвузлик қилишда ҳайрон қоларли даражада қобилиятли бўлишади.

Шамолни чақирган бўронни уйғотади.



ҚИЗМИҚЧИ- ЛИК- МИ

ё

БУЗУҚЧИЛИК?..

Ёшлиқда одам нималарни орзу қилмайди. Лицейда сабоқдош бир дўстимиз ҳар икки гапининг бирида қизикчи бўлман дея латифанамо гаплар тўқиб юрарди. Кунда, кунора янгисидан топиб, айтиб беришдан сира чарчамасди. Индаллосини айтганда, унинг латифалари латифага эмас, кўпроқ майнавозчиликка ўхшарди. На қилиқларининг, на сўзларининг маза-

матраси бор эди. Аввалига дўстимизнинг кўнглига қараган бўлиб, ўзимизни кулган қилиб кўрсатардик. Бора-бора олдиқочди, тайинсиз, қўштирноқ ичидаги латифалар ҳаммининг баъдига урди. Бу ҳақда ўзига айтишга ботинолмасдик, андиша қилардик. Ҳар тугул, инсоннинг юзи иссиқ, бунинг устига сабоқдош. Чидашга мажбурмиз.

Кундузнинг туни, оқшомнинг тонги, ҳар қандай яхши-ёмоннинг яқуни бор. Адашмасам, янги йил байрами арафасида шаҳар марказидаги бир емакхонада зиёфат уюштирдик. Қизиқчи дўстимиз ҳам шу ерда. Ўша замонлар урф бўлган кўшиқлар тинмай жаранглаб турибди. Дастурхон тўкин, ўйин-кулги авжида, барчанинг кайфияти чоғ. Ҳамма масрур, зиёфат қизигандан қизиб борарди. Дабдурустдан давра сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Ҳамма ярқ этиб саҳнага қаради. Сочини силлиқ тараган, ола-була устибош кийган, капалакнусха бўйинбоғ таққан қизиқчи дўстимиз тиржайганча микрофон ушлаб турибди. Бўлажак бачканаликни олдиндан сезгандай ҳамма хавотир билан саҳнага қараб қолди.

Дўстимиз аввал барчани байрам билан қутлади. Эзгу тилаклар билдирди. Ҳар бир инсон кулиб яшаши кераклиги, кулги одам иммунитетини ошириши, асабини тинчлантириши, энг муҳими, умрини узайтириши ҳақида ҳам анча вақт қулоққа тепди. Сўнг одатини канда қилмай, янги латифа бошлади. Эски ҳаммом, эски тос. Яна ўша латтачайнар гаплар. Етмаганига, гаплари орасида уят-уят жойлари ҳам бор. Кейин даврада ғала-ғовур бошланиб кетди. Ҳамма қадаҳ сўзи айтиш, бир-бирига омад тилаш билан андармон бўлиб қолди. Қизиқчи дўстимизга биров қулоқ солмайди. Гўё у ўзига ўзи латифа айтаётгандай. Вақт ҳам тўхтаб қолгандай. Сира ўтмайди. Лағмондай чўзилган латифа ниҳоят тугади. Бироқ қарсақлар чалинмади. Ҳеч ким кулмади.

– Сизлар мени кўролмайсизлар, – деди дўстимиз даврага келиб қўшилгач. – Ҳаммангизнинг ичингиз қора. Кўнглим учун ҳам кулмадингиз!


Ҳазил-хузил билан чақчақлашиб ўтирган сабоқдошлар жим бўлиб қолдик. Ҳамманинг нигоҳи ерга қадалган, бир сўз айтишга тил ожиз.

– Ўзингиз ҳам кулгили қилиб айтинг-да, – шаддодгина бир сабоқдош қиз ҳар доимгидай гапни чўрт кесди. – Латифангизнинг қаерига кулишимиз керак эди? Куладиган жойи йўф-у.

– Ҳали шунақами? – қизиқчи дўстимиз столга мушт тушириб, ташқарига чиқиб кетди. – Барингнинг тилинг бир! Ҳаммангга кўрсатиб қўяман!

Очиғи, бу воқеани унутиб юборган эканман. Шу кунларда интернетда ўзидан «сўз устаси» ясаб олган айрим қизиқчи ва жамоаларнинг чиқишларига кўзим тушиб, сабоқдош дўстим хаёлга келди. «Дизайн», «Миллион», «Браво», «Космос», «Аристократлар» сингари жамоаларнинг талайгина томошалари бачканалик, дидсизлик ва ҳаёсизликда дўстим айтиб юрган ҳангомалардан ёмонроқ бўлса бордирки, асло пеш эмас. Уларнинг томошабинни кулдириш учун ўйлаб топган қилиқларини кўриб, одамнинг бир раҳми келса, бир саҳнанинг қадрига ичи куяди.

Келинг, яхшиси, жамоаларнинг чиқишларидан олинган баъзи лавҳаларни қўлдан келганча таҳлил қилиб кўрамиз.



– Ўзингиз
ҳам кулгили
қилиб
айтинг-да,
– шаддодгина
бир сабоқдош
қиз ҳар доимгидай
гапни чўрт кесди.
– Латифангизнинг
қаерига кулишимиз
керак эди? Куладиган
жойи йўф-у.

БИРИНЧИ ЛАВҲА

«Халқлар дўстлиги» санъат саройида «Дизайн» жамоасининг концерти эндигина бошланган. Саҳнага жамоа аъзолари аста-аста чиқиб келаяпти. *Аввалига* замонавий мусиқа садосида узун бўйли, тўқ пушти ранг костюм кийган йигит чиқиб, мухлислар билан салом-алик қилиб олди.

– Ассалому алайкум, хуш келибсизлар! Чарчаб қолмадийлами? Яхши келдийлами? Сову, ёмғирларда қийналиб қолмадийлами? Дикорация қалай? Даҳшатми? Зални иссулиги-чи? Кастюм-шим қалай? Зўрми? Чунки бу йилги концертни ўзлари олиб бордилар. Анув учтасигаям айтдим. Бўлди, энди бачканаликни йиғиштирамиз, котта бўлдик дедим. Чиройли чиқамиз мухлисларни олдида дедим. Битта чиройли қарсак чалиб берсайлар, битта-битта чиқади.

Бирдан «Дачалар бор, дачалар» деган алаҳсирашга ўхшаш бир қўшиқ янгради. Саҳнага турли ҳайвонлар образидаги кийим кийган беш-олти киши чиқиб келди. Улар боғчада болаларга томоша кўрсатаётгандай у ёқдан-бу ёққа сакраб-сакраб ўйнар эди.

– Ўчир-ов, ўчир, – саҳнага биринчи бўлиб чиққан ҳалиги йигит санъат саройи дижейига буюрди. – Дилшод акамни чиқарларинг-ов. Нима бу? Ҳаммаёқ ҳайвонат боғи-ю.

– Саҳнадаман, ҳов, саҳнадаман, – айиқ-полвон бўлиб чиққан киши залдаги томошабинларга қараб икки қўлини кўтарди.

– Дилшод ака, серёзний чиқамиз дедик-ку! Нима аҳвол бу?

– Буларнинг ичида энг серёзнийси шу кийим экан-ку!

– Аювни кийиб олибсиз-ку, ҳўкиздай одам.

– Ҳўкиз дема манга. Бўйнингни кўп чўзма. Каллангни узиб оламан ҳозир.

Тўқ пушти костюм кийган ҳалиги йигит жаҳд билан айиқполвоннинг бошкийимини суғуриб олди. Дилшод ака эмас, айиқ-полвоннинг ичида бир ёш бола бор экан.

*Афтидан,
бу йигитларнинг
оғзидан чиққан
гапини қулоқлари
эшитмаётир. Бач-
каналик, дидсизлик,
савиясизлик етма-
ганидай, ўзбек ада-
бий тилига қилинган
ҳурматсизликка кўз
юмиб бўлмайти.*

– Болага озор берма. Нима қивоссан сан? – Дилшод ака дегани аслида ўрисларнинг «Қизалоқ ва маймоқ» мултфилми қахрамони Машанинг қиёфасида яширинган экан. – Ҳа, қалай? Даҳшату!

– Ака, калла жойидами? – саҳнага биринчи чиққан йигит қўли билан бошини кўрсатди.

– Йўқ, қўлимда, – деди Дилшод ака тиржайиб.

– Коп-котта одам. А, бу топиб олган кийимингизни қаранг! Серёзний чиқамиз дедигу.

– Мамбетдагилар мазза қилиб куламан деб келган. Нима, ёқмадими чиқиш? – Дилшод ака санъат саройига келганларга юзланди.

Залдагилар қий-чув, бақир-чақир қилиб юборди.

Концерт дебочасидан олти-етти дақиқани атай сўзма-сўз келтиришни маъқул кўрдик. Афтидан, бу йигитларнинг оғзидан чиққан гапини қулоқлари эшитмаётир. Бачканалик, дидсизлик,



савиясизлик етмаганидай, ўзбек адабий тилига қилинган ҳурматсизликка кўз юмиб бўлмайди. Ҳар жумлада адабий тил бузилади. Етмаганига орасида русчалари ҳам бор. Афсуски, охири вақтларда бундай ҳолат фақат концерт ва томошалардагина эмас, ҳар хил телеканал ва ижтимоий тармоқларда бот-бот учрамоқда. Ҳар ким билганича сайраб ётибди. Ўзбек тилини асраб-авайлаш, ривожлантириш аксарият кимсаларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Аслида таниқли шахслар, санъаткор ва ижодкорлар ўз ижодида адабий тил меъёрларига амал қилиб, бу борада бошқа соҳа одамларига намуна бўлиши лозим.

Шевадаги сўз ва ибораларга ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Қайтанга шевалар ўзбек тилининг бойлиги. Улардан ўз ўрнида ва вақтида фойдаланишнинг

ҳеч бир зарари йўқ. Лекин оммавий чиқишлар, хусусан, кино, концерт ва қўшиқларда адабий тил меъёрларига риоя этиш санъаткорларнинг бурчи.

– Бир гал қишлоққа борган эдим, – деган эди адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов бир гурунгда. – Ёшларимизни танимай қолдим. Ўзларича алламбало шевада сўзлашишни одат қилибди. Ота-бобомиз сўйлашган тилдан асар ҳам қолмабди. Ҳайрон бўлдим: улар бу сўзларни қаердан ўзлаштириб олаяпти? Катта шаҳарларга бориб ўрганган десак, ахир қишлоқдош йигитчалар орасида ҳали уёқларга қадам босмаганлари бисёр. Охири ўйлаб-ўйлаб, ёшлар шева ва жаргонларни кино, қўшиқ ва турли концертлардан олаяпти деган хулосага келдим. Айтиш мумкинки, сўнги вақтларда яратилган видео ва аудио шаклидаги барча

«ижод маҳсуллари»да турли шева-ю жаргонлардан ҳеч бир истисносиз фойдаланилмоқда. Бу ҳолатга панжа ортидан қараб туришнинг охири хайрли эмас. Яна «Дизайн» жамоаси концертига қайтсак.

– Ҳов, бақир-тақир қималаринг! Мам бетда серёзний, ўзининг уривенига эга бўлган ман кевомман.

Кимдир саҳна ортидан гапирди. Сўнгра санъат саройи узра қўшиқ янгради: «Сомалайкум, сомсалар, эҳ, эҳ, сомсалар».

Залда томошабинлар жонланиб қолди: қарсақлар, қий-чув, хуштакбозлик. Пешонасига рўмолча танғиб олган, эгнига аскарларникига ўхшаш нимча кийган ўрта ёшли йигит саҳнага чиқиб келди. Ёнида элга эна бўлгудай икки сулув. У қўлини кўксига қўйиб, мухлисларга салом берди. Санъат саройи балконида ўтирганларга ҳам салом йўллади. Яна чапаклар, хуштаклар ва қий-чув!

– Қалай, сомсалар ёқвоттими? – саҳнага чиқиб келган йигит икки қўлини ёнига ёйди.

Залда бақир-чақир авжига чиқди. Аёлу эркак мириқиб қуларди. Камина эса бу ҳолга хайрон эдим. Ахир бу куладиган эмас, оддий гаплар-ку.

– Ваалайкум ассалом, – концертни бошлаб берган тўқ пушти костюмли киши гапга аралашди. – Сомсалардан сўранг, «Дружба» ёқвоттими?

– Қайси биридан сўрий? – охири бўлиб саҳнага кўриниш берган йигит бир ўнгига, бир сўлига ишора қилди. – Қавоқли, товукли бор!

– Сўрама, нима аҳвол бу?

– Зўрға топиб кевомман ўзи.

– Жа, қаттан қидирдинг, зўрға топиб?

– Қидирганини нима қиласан? – гапга аралашган Дилшод ака қизларга суқланиб, улардан бирига худди еб қўйгудек қаради. – Зато, топиб келибди-ку! Қўй ёғли, қўй гўштлилигини топиб кепти-ку!

Концертнинг шу жойини қайта-қайта кўрдим. Тўғриси, зални тўлдириб ўтирган одам-

лар нега хандон отиб кулганига тушунмадим. Сомса – миллий таом. Қўй гўшtidан ҳам, мол гўшtidан ҳам тайёрланади. Қовоқли, товукли, ҳатто картошкалилари ҳам бор! Бу гапга нега кулишим керак?

Аммо гап тагида бошқа маъни бор экан. Сомсанинг кўчма маъносини эшитмаган эканман. Сўраб-суриштираман, Андижон тарафларда суюқоёқ аёлни сомса дейишар экан. Ё тавба! Бу не кўргулик?! Ўзбек санъати саҳналари қандай мавзулар, қандай кишилар қўлида қолди?! Дейлик, ўғил ё қизингиз интернетда шу концертни кўриб, сомсалар нима деб сўраса, қандай жавоб берасиз? Шу гапларга кулиб ўтирган хотин-қизларимиз номус қилмайдими? Худди бошқа мавзу куриб кетгандай шуни саҳнага олиб чиққан, ўзини санъаткор санайдиган йигитлар онаси, хотини ва болалари олдида уялмайдими? Улар шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмикан?



ИККИНЧИ ЛАВҲА

Саҳнада замонавий лампалар ҳар тарафдан нур таратиб турибди. Олисолисан Дубай шахрининг осмонўпар бинолари кўзга ташланади. Сал берироқда қатор палма дарахтлари шамолда оҳиста тебранади. Залдан томошабинлар қийқириғи келади. «Энди қачон уйлонамиз» деган ашула эшитилади. Шу маҳал бугунги кунда урфга кирган устибош кийган, қўлида асо тутган учта чол саҳнага қилиқсиб ўйнаган ҳолда чиқиб келади.

– Бўлди, бўлди! – дейди эғнида оқ костюм-шим, бошида миллий дўппи бўлган чол қиёфасидаги бир йигит.

– Ҳой, аканг кучайди, аканг! – дейди бошида аскарларнинг каскаси, бир тутам қора соқоли бўлган бошқа бири. – Аканг уже Дубайда! Қизлар билан кайф қиляпти. Ҳе-ҳе-ҳе...

– Ҳой, кечки Дубайди қара! Кампирингни уйидай катта экан.

Шу маҳал ориқ, ўрта бўйли, қиррабурун, шопмўйловли бошқа бир чол қиёфасидаги йигит залдагиларга ҳаводан бўса йўллади.

– Ҳов, Петка гаранг, – дейди оқ костюмли бобой. – Қизларга кўп анқаяверма. Биласан-а, қулоғинг яхши ишламайди.

Петка бобой залдагиларга ҳозир дегандай кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб ишора қилади:

– Ҳой, мени фақат қулоғим ишламайди! Хўбми?

Учовлон бир-бирига шоҳада ҳам, куракда ҳам турмайдиган сўзлар билан обдон ҳазил-хузул қилди.

– Тожи, – деди каскали бобой бир муддатдан сўнг. – Қизларингни чақир! Бир кўрайлик.

– Ҳозир, – Тожи бобой чўнтагидан телефон олди. – Қўнғироқ қилай-чи, ёмонлари келади-да ўзиям! Ҳозир, мана... Эй, антенна чиқмаяпти-ку!

*Аммо гап тагида
бошқа маъни бор экан.
Сомсанинг кўчма маъ-
носини эшитмаган
эканман. Сўраб-су-
риштирсам, Андижон
тарафларда суюқоёқ
аёлни сомса дейишар
экан. Ё тавба!*

– Қани? – Петка бобой гапга аралашди. – А, бу компаниянинг ўзимизда антеннаси йўқ-ку, Дубайда чиқармиди?

– Ҳа, бўлди, – деди Тожи бобой. – Дубайнинг сим картасидан чиқамиз. Ало-о-о, келаяпсизларми?

– Ало-о-о, биз келдик, – аёлнинг овози эшитилди.

Саҳнада бирови сариқ сочли, бирови очиқ-сочиқроқ кийинган иккита қиз кўриниш берди. Залда қий-чув, ҳуштакбозлик бошланди.

– Мана, биз учта чолнинг олдида турибмиз, – деди телефонда гаплашаётган сариқ сочли қиз.

– Ўша учта чолнинг бирови менман-да, жонидан, – деди Тожи бобой қизнинг ёнига келиб.

Тожи чолни кўрган қиз бақириб юборди...

Бу орада чоллар қизлар билан салом-алик қилди. Майда-чуйда ҳазил гап отди. Сўнгра гапни асосий мақсадига бурди.

– Ҳей, ломаца қилма-да. Хўп дейишинг учун қанча сўрайсан? Икки почка кўкат етадими? – Тожи бобой қизларнинг биридан сўради.

– Етади, – қиз дугонаси билан пичирлашиб олгач, рози бўлди. Пулни



чўзинг дегандай қўлини чолнинг бурни тагигача кўтарди.

– Мана, ўзимизнинг боғдан икки почка укроп! Хе-хе-хе...

– Ота, ҳазилни ҳам ёмон қиларкансиз-а. Биз ҳақиқий пулни сўрадик.

– Ҳа, ундан ҳам бор, – Тожи бобой чўн-тагига қўл суқди. – Қатда эди-я?

Шу маҳал бир танга ерга тушиб думалаб кетди.

– Эй, танга тушиб кетди-да, – Тожи бобой қизларнинг бирига гапирди. – Шунинг олиб беролмайсанми? Бел жижжа кетган.

Қиз эгилиб нозу карашма ила ердан тангани олди. Унинг орқасида турган чоллар йиқилиб тушмаслик учун бир-бирига суяниб қолди гўё. Сўнгра чоллардан бири бир сиқим тангани ерга сочиб юборди...

Бу лавҳа «Аристократлар» жамоасининг «Отахонлар Дубайда» деган ҳазилшоуси эди. Биз андиша қилсак-да, гапимиз асосли бўлиши учун бу лавҳани атай сўзма-сўз келтирдик. Ҳар бир гапда фаҳш ва зинога ундовчи ёки шу иллатларни тарғиб қилишга мойилликни сезиш мумкин. Айниқса миллатимизга ёт бўлган бундай мавзуларга отахонлар образи танланиши ачинарли. Чунки азал-азалдан Шарқ халқларида, хусусан, ўзбекларда боболар донишмандлик, ҳалоллик рамзи бўлиб келган. Улар қизи ёки набираси тенги қизларга гап отиш тугул, кўзининг қири тушишини ор билган. «Аристократлар» жамоаси бу борада ўз олдида қандай мақсад қўйгани эса қоронғи.

*Афсуски,
одамларимиз
бундай анди-
шасизликка кўникиб
бораётир. Аслида
йиғлашимиз керак
бўлган саҳналарга
санъат саройларини
тўлдириб ўтирган киши-
лар мириқиб кулмоқда.*

Отаси ёки бобоси тенги кишилар олдида қизларнинг турли қилиқ қилиб қилпанглашини кўрибуялиб кетасиз. Ахир бу ҳолатни минглаб ёш қизлар томоша қилаётган бўлиши мумкин. Бубемаънилик уларга қандай таъсир кўрсатади, нимани ўргатади, нимада ибрат бўлади? Қизлар оиланинг ори, номуси ҳисобланган, ҳаёси ва ибоси билан азиз бўлган. Лекин сўнги вақтларда машҳурлик, сохта обрў йўлида турли шоу ва концертларда чиқиб, ўзига ярашмаган хатти-ҳаракат қилаётган баъзи қизларимизнинг кўзга ташланаётгани қайғули ҳол.

ОХИРИ

Ҳозир замонавий ўзбек қизиқчилиги ҳақида қисман таассурот берадиган икки лавҳанинг матнли баёни ила танишдик. Ҳали бу хамир учидан патир, холос. Яна бунга ўхшаш ўнлаб жамоалар борки, уларнинг ҳам ижоди негизини белдан пастга қаратилган мавзулар, ўзбек миллатига бегона бўлган қараш ва ғоялар қамраб олади. Хусусан, «Миллион», «Браво», «Космос» каби жамоаларнинг чиқишларида ҳам бу ҳолатга бот-бот дуч келиш мумкин. Одамларни кулдираман дея ўйлаб топилган баъзи чиқишларни гапириш тугул эшитишга одамнинг юзи чидамайди.

Афсуски, одамларимиз бундай андишасизликка кўниқиб бораётир. Аслида йиғлашимиз керак бўлган сахналарга санъат саройларини тўлдириб ўтирган кишилар мириқиб кулмоқда. Улар орасида хотин-қизлар, ёши бир жойга бориб қолган кексаларнинг борлиги ортиқча. Бу ўринда барча айбни томошабинлар бўйнига ағдариб қўйиш ҳам инсофдан бўлмаса керак. Одамларни дидсизлик, савиясизлик гирдоби сари айнан шундай бачкана томошалар тортмоқда. Бу ҳақида ўйлаб кўриш ва хулоса чиқаришнинг эса аллақачон фурсати етиб бўлди.

Дарвоқе, ўша кезлари лицейдаги сабоқдош дўстимизни қизиқчилик қилишдан қайтариб тўғри қилган эканмиз. Йўқса, у ҳозир бир жамоа тузиб, бўлар-бўлмас гаплари билан одамларнинг қулоғига лағмон осиб юрармиди? Қайтанга ҳозирги иши яхши. Кўп йиллардан бери фермерлик қилади. Йилига фалон тонна буғдой, пистон тонна пахта етиштиради. Сут-қатик етказиб бермоқда. Хуллас, баъзи қизиқчилардан кўра халқимизга кўпроқ фойдаси тегмоқда.

ЭСКАРТИШ:

Қизиқчилар жамоалари ичида сўзни ҳис қиладиган, жамиятимизнинг оғриқли нуқталарини кўра оладиган, ўз санъати билан элга самимий хизмат қиладиган истеъдодли ёшлар ҳам бор. Ушбу мақолани эълон қилишимиздан мақсад шундай истеъдодлар сохта шуҳрат илинжида бачканалик ва савиясизликнинг кўпчиган қийқириқларига чалғимасинлар. Аксинча миллий руҳимизни, миллий қадриятларимизни ҳимоялашга бел боғласинлар. Ҳозирги мураккаб замонда ҳар бир сўзи чақмоқдай, ҳар бир ҳаракати ибрат бўладиган, ҳар томошаси заминда эл дарди ётадиган Ҳожибой Тожибоевдай савияси баланд, фикри теран қизиқчилар халқимизга жуда керак.



Санжар ТОШБЕКОВ

Ў С А Т А Р

Ў
С
А
Т
А
Р

Хиндистон – катта тарих, бой адабиёт, ўзига хос санъат анъаналарининг мухташам диёри. Бу ўлка афсоналар, дostonлар, халқ оғзаки ижодининг безавол хазиналари, турли динлар ва урф-одатлар баайни музейда сақланган каби бешикаст сақланган сирлар ўлкаси.

Дунёда энг кўп эзилган, кўп бор босқинларга учраган, таланган, йўқотиб юборилишга маҳкум этилган, бироқ йўқолиб кетиш ўрнига жаҳоннинг энг кўп аҳолиси истиқомат қиладиган бу улкан мамлакат дунё тамаддунига жуда катта шахсларни етказиб берган.

Ҳиндистоннинг кўплаб таниқли кишилари қаторида XX асрнинг энг машҳур инсонларидан бири, буюк санъаткор, актёр, режиссёр, қўшиқчи Раж Капурнинг мустаҳкам ўрни бор. Унинг баракали ижоди ҳинд кино санъатида алоҳида бир даврни ташкил этади.

Машҳур актёр ҳақида сўз айтишдан аввал бу турли миллат ва динлар бир жойда қўним топган мамлакат тарихига бир қур назар солишни маъқул билдик.

1947 йилда давлат мустақиллигига эришган заҳматкаш ҳинд халқи ўтган асрлар мобайнида жуда катта йўқотишларни бошдан кечирди. Аҳамонийлар, кушонлар, Искандар юришлари, мўғул лашкарлари босқини, инглиз, француз мустамлакачиларининг бир неча асрлик таъсири... буларнинг барчаси ҳинд халқининг юрагидаги ўчмас тарихий доғлардир. Балки шу сабабли ҳам Ҳиндистонда уч минг йиллик тарихий йўлни босиб ўтган илк адабий асарлар – ведалардан то бугунги кунгача бўлган адабиёт намуналари ҳам, қадимий санъати ҳам энг аввало озодлик туйғуси билан тўйингандир. Бадиий асарларда ҳинд халқининг бой тарихи ва эркак талпинган кишиларнинг қувончу ғуссалари куйланган бўлса, санъат дурдоналарида ҳам бу улуғ мавзу биринчи ўринга чиқди.

Дастлаб санскрит тилида яратилган ведалардан бошланган адабиёт кейинчалик кўп миллатли бу диёрда Дандин, Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мир Тоқий, Мирзо Ғолиб, Тўқур, Муҳаммад Иқбол, Хўжа Аҳмад Аббос, Яшпал каби улуғ шоир ва ёзувчилар ижодида янада равнақ топди. Робиндранат Тўқур, Маҳатма Ганди каби буюк шахслар халқ қалбининг тилига айланган эди.

XX асрга келиб дастлаб овозсиз, сўнгра овозли ва рангли кино санъати Ҳиндистоннинг маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Ҳиндистоннинг илк филми 1912 йилда ишланган («Рожа Харишчандра», режиссёр Дхундираж Говинд Пхалке) бўлса, бир асрдан ортиқ вақт мобайнида бу миллий кино саноати дунёда ҳинд киносининг ўрнини белгилаб берди.

Бу йўлда Раж Капур мансуб актёрлар ва режиссёрлар оиласи жуда катта рол ўйнади.



Бу йўлда Раж Капур мансуб актёрлар ва режиссёрлар оиласи жуда катта рол ўйнади.



Раж Капур дастлаб отасининг кичик театрида укалари билан бирга актёрлик, ассистентлик вазифаларини бажарди

Ҳали Ҳиндистон ва Покистон битта мамлакат бўлган пайтда туғилган (1924 йил) Раж Капур ҳозирги Покистоннинг Пешовар вилоятида, актёрлар оиласида дунёга келди. Ҳинд миллатига мансуб Капурлар оиласининг бошлиғи, Ражнинг отаси – Притхвираж Капур ўз даврининг машҳур актёри ва режиссёри бўлган. Раж Капур дастлаб отасининг кичик театрида укалари билан бирга актёрлик, ассистентлик вазифаларини бажарди. Ражнинг Шамми ва Шаши исмли укалари ҳам кино саноатида ном қозонишгани шундан бўлса ажабмас.



Раж Капур бир вақтнинг ўзида ҳам актёр, ҳам режиссёр, ҳам сценарист ва ҳам продюсер сифатида серқирра ижодкорлигини намоён этди.

Актёр 11 ёшида илк бор филмда суратга тушади. «Инқилоб» номли филмдаги иштироки сабаб у ўша пайтнинг номдор киностудияси ҳисобланмиш «Бомбей токиз»да ассистент бўлиб иш бошлайди. Бу унинг юксалишида ниҳоятда муҳим рол ўйнаган. Раж шу ерда кино саноатининг сирларини ўрганади. Ва ниҳоят 1948 йилда «Раж Капур филмс» киностудиясини ташкил қилади. Бу ижодкор ҳаётидаги энг катта қадам эди. Раж Капур бир вақтнинг ўзида ҳам актёр, ҳам режиссёр, ҳам сценарист ва ҳам продюсер сифатида серқирра ижодкорлигини намоён этди.

Раж Капурнинг машҳур «Дайди» филмида унинг ижросида шундай қўшиқ жа-ранглайди:

*Бошмоғим – японларники,
Костюм-шимим – инглизларники,
Шляпам – Русияники,
Аммо юрагим – Ҳиндистонники!*

Раж Капурнинг бутун ижодига сингиб кетган бу сатрлардаги мазмун ва қарашлар уни чинакам миллий санъаткорга, ҳиндларнинг севимли кишисига айлантирди.

Ҳиндистонни, ҳинд халқини жону жаҳони билан севган актёр ўз муҳаббатига яраша халқнинг чексиз меҳрига ҳам сазовор бўлди. Нафақат Ҳиндистонда, балки дунёнинг барча мамлакатларида Раж Капур севимли санъаткорга айланди. У интервьюларидан бирида шундай деган эди: «Қурбонликларсиз бирор ютуққа эришган одамни билмайман. Нимагадир эгалик қилиш учун нималардандир воз кечиш – табиатнинг ўзгармас қонуни. Баъзан ишим деб (йўқ, баъзан эмас, кўп ҳолларда) оиламга етарлича вақт ажратолмадим. Аммо ҳеч қачон оилам, фарзандларим олдидаги бурчимни унутмаганман. Ҳамиша эркак сифатида ўз ўрнимни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилдим. Чунки ижод учун сиз юрагингизни беришингиз керак. Қалб ҳарорати эса оила учун ҳам ниҳоятда зарур...

Умрим давомида юрагимни бўлиб яшадим. Лекин ортга қарасам, ўша бўлинган юракнинг парчалари миллионлаб одамлар қалбига ёруғлик олиб кирганини ҳис этаман ва бунинг учун ўзимни жуда бахтли одам деб биламан...».

Ҳинд халқ эпосларининг замонавий адабиёт ва санъатда жуда катта ўрни бор. «Панчатантра», «Рамаяна», «Маҳобҳорат», «Хитопадеша» каби муҳташам бадиий обидалар ҳинд санъатига ҳам ўзларининг буюк ғояларини сингдирган. Раж Капур ижодида ҳам бу таъсир яққол кўринади. Лекин Болливуд кино саноатида алоҳида бир даврни яратган Раж Капурнинг катта ютуғи шуки, у кўҳна, қадимий қарашларни рад қилмаган ҳолда, янги нигоҳ билан ҳинд қалбини – унинг муҳаббатини, кўзёшини талқин қила олди. Достонлар бағрига жо бўлган адолат, юртпарварлик, муҳаббат, инсонпарварлик ғоялари Раж Капур ижодида янги шаклда, янги тилда ўз ифодасини топди. Унинг «Сангам», «Жаноб 420» сингари асарлари бунга яққол далилдир.

Ҳинд онасининг тимсоли унинг киноларида янги қиёфа касб этди десак

муболаға бўлмайди. Эътибор қилинса, бирорта картинада ёмон она образи йўқ. Шу жиҳатлари билан ҳам ҳинд киноси, хусусан, Раж Капур асарлари шарқона меҳр тимсолини дунёга кўз-кўз эта олди. «Дайди» филмида Раж Капур ҳам продюсер, ҳам бош рол ижрочисидир. Бутун дунё «дайди»лари ҳаётининг катта кўламдаги бу тасвири жаҳон киносеварлари қалбидан жой олган. Бунга асосий сабаблардан бири ҳам филмдаги Дайди образининг онасидир. Филмнинг дастлабки сценарийсида она ўзининг хулқи бузилиб кетган ўғлини оқ қилади. Аммо Раж Капур таҳриридан сўнг она ўғлини қарғамайди, аксинча, уни фақатгина кўзёш билан дуо қилади. Шу кичик ҳолатнинг ўзи ҳинд онаси, умуман шарқ аёли қалбининг гў-



зал тимсолига айланган. Бу ҳам бўлса атоқли санъаткорнинг топқирлигидан, халқ қалбини теран англашидан далолат беради. Ўшанда Раж Капур «Ҳинд онаси ўз ўғлини ватанга хиёнат қилгандагина оқ қилади» дея баҳсга яқун ясаган эди.

Ҳинд киносига хос бўлган яна бир қизиқ жиҳат шуки, унда севишган йигит ва қиз ёки аёл билан эркак бир-биридан бўса олмайди. Бу одоб ҳинд киноси учун қатъий одоб қоидасидир.



Ҳинд киносига хос бўлган яна бир қизиқ жиҳат шуки, унда севишган йигит ва қиз ёки аёл билан эркак бир-биридан бўса олмайди. Бу одоб ҳинд киноси учун қатъий одоб қоидасидир.

63 йиллик умри давомида сермахсул ижод билан машғул бўлган санъаткор доимо ўзи иқрор бўлган ушбу сўзларга таяниб яшади: «Биласизми, эртага нима бўлади деб ўйлашдан ҳеч қачон қўрқмаганман. Ҳатто картиналарим кетма-кет омадсизликка юз тутган паллаларда ҳам шу тарзда иш кўрдим. Ҳозир эса

бугун ҳақида ўйлаяпман... Одам юрагида ялт этган орзунинг залворини ҳис эта олса бас, ҳаммаси яхши бўлади».

Ҳинд киночилигида шундай анъана бор: ҳар қандай ҳинд филмида камида еттита қўшиқ айтилиши зарур. Бу Болливуднинг олтин қоидаси. Йигирманчи асрда ҳинд режиссёрларидан бири кинода янгилик қилиш мақсадида янги картинасини биронта ҳам қўшиқсиз олишга эришади. Бироқ бу «янгилик» томошабинларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Томошабинларнинг даъвосини ушбу битта гап билан ифодалаш мумкин: «Бу режиссёр бизни кинодаги қувончимиздан мосуво қилмоқчи! Шундоқ ҳам мураккаб ва аччиқ ҳаётда юпанчимиз бўлган қўшиқдан айирмоқда». Натижада халқнинг талаби қондирилиб, картина экранлардан олиб ташланади.

Раж Капурнинг ҳам, бошқа ҳинд санъаткорларининг ҳам ижодида битта катта ўхшашлик бор. Бу ҳам бўлса, муаммолар, ташвишлар қуршовидаги қаҳрамонларнинг ҳаётга бироз истеҳзо билан қараши ва кулги, юмор билан муаммоларни енгиб ўтиши. Бу нарсани 1968 йилдан Тошкентда мунтазам ўтказиб келинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалига қатнашишга келган Раж Капур атоқли ўзбек санъаткори Шукур Бурҳонов ижросида «Қиёмат қарз» спектаклини томоша қилганда айтган сўзларидан ҳам англаш мумкин. У Шукур Бурҳоновни табриклагач, шундай дейди: «Ўзбеклар биз ҳиндлардан кўра ҳаётга жиддий қарашар экан. Йиғлаш лозим бўлган жойда кулиб ўтиб кетолмас экан». Катта санъаткорнинг бу теран кузатиши, таҳлили ҳинд халқининг ҳам, ўзбек халқининг ҳам хулқатвориغا чекилган нозик бир чизгидир.

Раж Капурнинг кулги ва кўзёш ўртасидаги ўзига хос ижодий йўли комедия ҳам, томошабинни эзиб ташлайдиган ғуссали томоша ҳам эмас, аксинча, «Тас-



**Бошмоғим – японларники,
Костюм-шимим – инглизларники,
Шляпам – Русияники,
Аммо юрагим – Ҳиндистонники!**



кин барибир келади» дея ҳисобловчи санъаткорнинг санъатда олтин оралиқни топа олган тутуми, ижодий тақдиридир. Дарҳақиқат, у «Болалигимдан санъат бағрида улғайдим ва бу менинг энг катта бахтим эди. Ҳеч қачон бошқа бир касб эгаси бўлиш ҳақида ўйламаганман. Отамнинг театр жамоасида кичик ролларни ижро этган кезларимдаёқ катта образлар ҳақида ўйлардим ва, энг муҳими, келажакка ишонч билан қарар эдим. Санъат – биринчи муҳаббатим, кино эса қисматимга айланди» деган эди.

Ушбу иқрор унинг мунтазам ижодий изланишлари сабаб пайдо бўлган. Таниқли ўзбек режиссёрларидан бири ўзаро суҳбат чоғида менга шундай деган эди: «Ҳар қандай яхши режиссёр умри давомида битта, нари борса иккита яхши картина яратолади». Раж Капур фаолияти билан қиёсланса, бу гап жуда жўн бўлиб қолади.

Йигирма тўрт ёшидаёқ «Раж Капур филмс» компаниясига асос солган ушбу кино дарғасининг йилига мингдан ошиқ картина ишлаб чиқариладиган Ҳиндистондек катта кино майдонида ўз ўрнини топиши учун босиб ўтган йўли


ҳам барча кино ижодкорлари учун ажойиб намунадир.

Кино ихлосмандлари Раж Капурни «Ҳинд киносининг отаси», «Мовий кўзли шарқ юлдузи», «Ҳиндларнинг Чарли Чаплини» дея эъзозлаши ҳам албатта бежиз эмас.

Раж Капур ижодкорлик ва ҳинд киночилиги хусусида шундай деганди: «Биз бор-йўғи тақлидчилармиз. Ношуд тақлидчилар. Биз Яратганга нўноқлик билан тақлид қиламиз. Агар худо қалбингга шуъла ташламаса, уни севги маъбудлари пуфлаб оловга айлантирмаса, ҳамма ҳаракатинг беҳудади. Бизнинг Болливуд ҳеч қайси юрт киносига ўхшамайди. Ҳолливуд қанчалар яхши филмлар яратмасин, у Болливуд эмас. Чунки Болливуднинг миллий замани жуда мустаҳкам».

* * *

1988 йилнинг 2 июнида астма хасталигидан вафот этишидан олдин Раж Капур шундай деган: «Битта актёрнинг атрофида юзлаб кишиларнинг заҳматли меҳнати бор. Аммо мен теграмда миллионлаб мухлисларимнинг нигоҳи, қўллаб-қувватлашини ҳис этиб турдим. Мен ҳинд халқининг кўзёшини кўзларимдан кўп тўқдим. Бошқа халқлар ҳам менинг йиғимга – ҳинд йиғисига жўр бўлди. Энди бу халқ йиғламасин!...».



«Битта актёрнинг атрофида юзлаб кишиларнинг заҳматли меҳнати бор. Аммо мен теграмда миллионлаб мухлисларимнинг нигоҳи, қўллаб-қувватлашини ҳис этиб турдим. Мен ҳинд халқининг кўзёшини кўзларимдан кўп тўқдим. Бошқа халқлар ҳам менинг йиғимга – ҳинд йиғисига жўр бўлди. Энди бу халқ йиғламасин!..».



Ғайрат МАЖИД

Олисдаги дарё

ОВОЗИ

Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош...

Бу сатрларни ҳаммамиз яхши биламиз. Биламизгина эмас, ёдлаб олганмиз. Менинг болалигим Тошкентдан анча олисда, Китоб туманининг Хўжаилмкони қишлоғида кечган. Қир-адирлар этагидаги бу кичкина қишлоқда нақшбандия тариқатипирларидан Мавлоно Муҳаммад Дарвеш, Ҳазрати Хожаги Имканагий, Мирзо Камол Охунд яшаб ўтган. Улуғлар хотирасига бунёд этилган хонақоҳ қишлоқнинг энг баланд жойида қад ростлаган. Шу сабаб бу жой олислардан ҳам кўришиб туради. Ана шу қадамжо этагида бизнинг мактаб бор. Болалигимда акамга қўшилиб олти ойча мактабга борганман. Акамнинг биринчи ўқитувчиси энди ҳарф ўрганаётган болакайларга эртагу дostonлар, шеър у маталлар ўқиб берарди. Ўша пайтларда «Ойгул билан Бахтиёр» дostonи барча ўқувчиларни ҳайратлантиргани сира эсимдан чиқмайди. Яъни, мен беш яшар чоғимда Ҳамид Олимжон асарларига ошно бўлганман.



«Баҳорни соғинганда» шеърини Ҳамид Олимжон кўҳна туркий шеърини анъаналарини давом эттирганини кўраимиз. Мавсум қўшиқларининг оҳанглари янгича жило билан товланади. Қаҳратон аёз заб-



тига олмоқда, бўрон қутурмоқда деган сўзлашув нутқидан, баёнчиликдан қочиб, шоир мусаввирона манзараларни сўз билан чизади. «Қиш чолар чолғисин...» деган биргина сатрда қишнинг ҳамма манзаралари ёрқин жонланади.

Қирчиллаган қишдан безган шоир тасаввурида баҳорни яратади ва унга шундай мурожаат этади.



“*Ҳаёлимда
бўлдинг уззукун,
Сени излаб
қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар
пишқирган тунда
Топиб бер деб
ойга ёлвордим*”.

*Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,
Мен сени бир ўпай, кучоқлай-да...
Сув – булоқ бўйларинда чарчай-да,
Сўнгра қўйнингда эркалаб ухлай.*

«Баҳорга етганда» сарлавҳали шеър-
да шоир ёзади:

*Тонгда оппоқ булут хаёлимда
Қип-қизил лоладан нишон тақди.*



Оппоқ кўйлакка тақилган
кип-қизил нишонни тасав-
вур этинг. Шоир қип-қизил
лолани ҳам, оппоқ булутни
ҳам тасвирламоқчи эмас.
Шоир ана шу ёрқин тимсол-
лар воситасида тонгда қуёш
чиқишини тасвирламоқчи.

Оламга қуёш чиқди,
баҳорнинг сўлим ва илиқ тонги отди
демоқчи. Бунда булут билан лола мета-
форадир. Метафора – фикрнинг қуввати.
Метафора сифатнинг орттирилган дара-
жасидан ҳам юксак бўлган янги номидир.

Шоир ҳаётни севади, ҳаётга жўшқин
муҳаббатини эҳтирос билан изҳор этади.
Шунинг учун ҳам у айтган бадиий сўзнинг
ҳарорати ниҳоятда баланд. Ҳиссиёти
баланд шоир, эҳтиросли шоир каби си-
фатлар адабиётшунослар тилида ҳассос

шоир деб номланади. Ҳамид Олимжон –
ҳассос шоир.

Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ори-
пов Ҳамид Олимжоннинг маҳоратини
шундай эътироф этади:

«Ҳамид Олимжон авваламбор лирик
шоир. Биз кўпинча лирика деганда маз-
мунига кўра муҳаббат ёки манзарага оид
шеърларни тушуниб юрамиз. Ҳолбуки,
қуруқ баёнчиликдан иборат “лирика”лар
ҳам йўқ эмас. Ҳақиқий лирик асарда кўз
ҳам, қулоқ ҳам илғай олмайдиган, фақат
руҳнинг торларигина сеза оладиган
титратмалар бўлади. Гўзал ва теран ли-
рик ҳолатни энг буюк рассомларнинг
рангтасвирларида ҳам учратамиз. Бун-
дай асарга йиллаб термилсангиз ҳам тўй-
майсиз, у сизнинг ҳолатингизни бутунлай
бошқа ўзанга буриб юборишга қодир.

Ўзбек шеърлятида лириканинг энг гў-
зал ва нафис намуналари албатта бор.
Лекин Ҳамид Олимжон лирикаси бошқа
бирорта шоирнинг лирикасига ўхшамай-
ди. Бу лирика мрамор каби тиниқ, лекин
совуқ эмас. Унда тасвир ҳам, оҳанг ҳам
бўлакчадир:

*“Шивирлайди бетиним дарё,
Шигирлайди ваҳм тўла жар...”*

*“Ҳолбуки, тун – бунда одатда
Бутун борлиқ ухлардай сокин...”*

*“Хаёлимда бўлдинг уззукун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда
Топиб бер деб ойга ёлвордим”.*

Бундоқ дурлар шодасини мароқ билан
яна давом эттиришимиз мумкин. Жум-
ладан, мен ўзим она тилимда яратилган
бебаҳо байтларни ўқиб юришга муяссар
бўлганимдан бир умр миннатдорман,
бахтлиман. Ушбу сеҳрли мисраларни ой-
нинг ним қоронғисида сокин шивирлаёт-
ган сой бўйларида жимгина такрорлаш

нақадар ёқимли... Демак, лирика руҳнинг суратидир.

Ҳамид Олимжоннинг шеърий мисраларни сайқаллаш устида баҳодирона тер тўкиш маҳорати ҳам ҳали неча-неча авлод шоирларга ибрат бўлиб қолгусидир».

Шоирнинг «Қиш» шеъри лириканинг энг гўзал намуналаридан бирidir. Агар бошловчи шоирга шеъриятнинг китобларда ёзилмаган сирларини ўргатмоқчи бўлсангиз, Ҳамид Олимжоннинг мана шу шеъри энг ёрқин мисол бўлади. Шеърда воқелик баён қилинмайди, бадий сўз билан тиниқ манзаралар чизилади. Мана, қиш оқшоми оқ денгизга ўхшатилади. Одатда денгиз ҳамиша шовуллаб, мавжланиб туради. Бу «денгиз» эса тўлқинсиз ухлайди. Ҳамма томон оппоқ қор билан қопланган деган гапни айтмасдан, шоир қуйидагича кўрсатиб бермоқда:



*Оқшом... Борлиқ оқ денгиз,
Тўлқинсиз ухлар..
Юлдуз гўё олтин қиз,
Жимликни тинглар..*

Табиатдаги нарсалар яна одамга ўхшатишмоқда. Юлдуз – олтин қиз... У жимликни тингламоқда... Нақадар ажойиб тасаввур. Нақадар ажойиб сурат. Ана шу манзарани мусаввир мўйқаламда чизса, дурдона асар пайдо бўларди. Лекин бу бадий сўз дурдонасини Ҳамид Олимжон қалам билан яратиш қўйди. Мана, завқланиб томоша қилинг:

*Паст-паст уйлар, деворлар
Оқ кўйлак кийган.
Муз тоғидек у томлар
Тинчликка чўмган.*

Уйлар, томлар айсбергларга – муз тоғларга ўхшатилаяпти. Қишлоқдаги уйларнинг ҳаммаси қор билан қопланган, томларнинг усти музлаб, ялтираб қолган. Оқшом, ҳамма ёқ сокин, бутун борлиқ қаҳратонда музлаб қолгандек гўё. Лекин шундай аёзли тунда музлаб қолган табиатга бир овоз жон бағишлайди. Бешикдаги боласини аллалаб ухлатаётган онанинг овози табиатни батамом музлашдан омон сақлаб қолади. Бола образида кела-



*Шоир ҳаётни севади, ҳаётга
жўшқин муҳаббатини эҳтирос
билан изҳор этади. Шунинг учун
ҳам у айтган бадий сўзнинг
харорати ниҳоятда баланд.*



жак авлод, инсон ҳаётининг давомчилари назарда тутилган.

*Муз тоғлардан чиқади
Бир алла сози –
Ёш гўдакни юпатган
Она овози.*

Боболаримиз айтган халқ оғзаки ижоди намуналарида қишнинг устидан баҳор голиб чиқади, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Ҳамид Олимжондек юраги ёниб турган шоирнинг хаёллари, тасавури ҳам буюк аждодларимиз ниятидек олийжаноб ва умидбахш. Шеърият дунёга гўзаллик бахш этиши, инсон кўнглини завқлантириши зарур. Бадий асар даражасини белгилайдиган асосий мезон у инсониятга қандай хизмат қилганидир. Ҳамид Олимжон шеърияти умрбоқийлигининг сабаби ҳам айнан шу вазифани қойилмақом қилиб бажарганидир.

Шоир «Чўллар» шеърида бепоён кенгликлар гўзаллигини шундай тасвирлайди:

*Поезд ўтган чоғда бекатлар
Алвон рўмол ўраб чиқади.*

Чўлда қизғалдоқларнинг ловуллаб очилиб ётганини шоир ҳаяжон билан қаламга олади.

«Дарё кечаси» номли шеърида дарёнинг шовуллаб оқишини ниҳоятда чиройли тасвирлайди. Шиддат билан оқаётган тоғ дарёсининг тўлқинлари, шитоби кўз олдингизга келади.

*Кеча гўзал, дарё тинимсиз,
Ағдармоқда сойнинг тошини.
Далаларга чўзиб оёгин,
Қорликларга ўраб бошини.*

Дарёнинг одамдай далаларга оёгини чўзишини, қорликларни оқ рўмолдай бошига ўрашини тасаввур қилинг.

Халқимизнинг улуғ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлига бағишланган «Куйчининг хаёли» шеърида Ҳамид Олимжоннинг ўзининг шоирлик маҳорати ҳам тасвирланганини англаймиз.

*Бу хаёл сўнгсиздир, осмон каби кенг,
Бу хаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.
Унинг бойликлари умрларга тенг,
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.*

Шоирнинг ҳамроҳи хаёл, ҳаёти хаёл, қисмати хаёл. Ижодкор хаёлни чизади. Хаёлнинг парвози буюк кашфиётларни яратади. Хаёлнинг қанотидан тутиб, уни сўз билан оқ қоғозга абадий муҳрлаган шоирнинг асарлари боқийдир.

Ҳамид Олимжон ватанимизга сўз билан ҳайкал қўйган шоирлардан бири. Унинг «Ўзбекистон» шеърини ҳамон ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Йиллар ўтди, авлодлар алмашди. Лекин бу шеър гўзаллиги билан ўқувчиларни ром этиб келмоқда. Яна йиллар, асрлар ўтади, лекин Ҳамид Олимжоннинг бу шеъри миллатимиз учун азиз ва қадрдон бўлиб қолаверади.

Ҳамид Олимжон лирик шеърлар билан бирга баллада ва дostonлар ҳам ёз-

ган. Балладаларда Иккинчи жаҳон уруши манзаралари, турли миллатларга мансуб инсонларнинг тақдири, уларнинг бошига тушган фожиа қаламга олинади.


«Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» дostonлари яратилган санага эътибор беринг. Улар қатағон йилларида битилган. Золим хонлар, ёвуз аждаҳолар, бевафо ва шафқатсиз салтанат эгалари танқид қилинган. Мазлум халқни Бунёд каби баҳодирлар ҳимоя қилиши, Ялмоғизу девларнинг шафқатсиз ҳужумидан халос этиши лозимлигини бадий тимсоллар воситасида ифодалаган. Ёвузликка қарши кураш ғояси ҳамиша ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ҳамид Олимжон ғоят таҳликали даврда қалам тебратди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини элнинг атоқли бахшиларидан ёзиб олиш ишларига бош-қош бўлди. Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган пайтлари Фозил шоир ва Ислом шоирга муносиб шароитлар яратиб берди, соҳа билимдонлари кўмаги билан бахшиларнинг терма-ю дostonларини ёзиб олиб нашр эттирди. Бу хайрли ишлар шоир ижодида муҳим из қолдирди.

Шоирнинг улкан мероси кўнгилларга нажиб туйғуларни армуғон этаверади.

*Ҳамид Олимжон ватанимизга
сўз билан ҳайкал қўйган
шоирлардан бири. Унинг
«Ўзбекистон» шеърини ҳамон
ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.
Йиллар ўтди, авлодлар
алмашди. Лекин бу шеър
гўзаллиги билан ўқувчиларни
ром этиб келмоқда.*

ҲАҚ ОДАМЛАРИ



Шукур ЖАББОРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети тадқиқотчиси



Ҳазрат Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида 69 ўринда ориф истилоҳини қўллайди. Уларнинг ярми Ориф исмли зотлар бўлса, қолгани ориф тушунчаси валий зотлар талқинида қандай экани ҳақидадир.



«Орифлик» сўзининг луғавий ўзаги «ирфон» бўлиб, мазмуни «маърифат» тушунчасига, хусусан, унинг тасаввуфий маъносига ёндош. Мурид ёки солиқнинг орифлик мартабасига эришиши учун яқиний илм асос вазифасини ўтайди.

Тасаввуфда зоҳирий ва ботиний билим тушунчалари бор. Бунда шариат билимлари ва дунёвий билимлар зоҳирий – ташқи, яъни Аллоҳни билишнинг биринчи босқичи саналади. Чунки Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Моддий олам, борлиқ Аллоҳ таолонинг тажаллисидир. Солиқ эришган орифлик, яъни маърифат босқичи эса ботиний илм бўлиб, у «Ҳаққул-яқин» Аллоҳга эришиш учун ташланган қадам ҳисобланади.

Аҳли тасаввуф инсонларни ибодатлари, каромат даражасига кўра тўрт гуруҳга ажратади. Бу – обидлик, зоҳидлик, ошиқлик ва орифликдир. Обидлар шариат қавмидан бўлиб, Аллоҳ талонинг буюрганини бажариб, қайтарганидан қайтадилар. Ҳалол ва ҳаром, пок ва нопок ҳақида тушунча ҳосил қилиб, шариатга амал қилади. Обид ўз номи билан обид, яъни ибодат қилувчидир. Обидларнинг ибодатлари: намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, закот бермоқ, ҳажга бормоқ, нафс орзуларини енгиб, охират неъматларига интилмоқдир.

Иккинчи гуруҳ – зоҳидлар. Улар тариқат аҳлига мансуб бўлиб, тоат-ибодатларида, дунёдан юз ўгиришларида ва турмуш тарзларида Аллоҳнинг розилигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобидан қутулишни мақсад қилади. Уларнинг ибодатлари кеча-кундуз Тангрини зикр айлаш, қўрқув ва умид ичида нафас олмоқ, орзулари эса бу дунёда охират учун яроқли ишларни амалга оширмоқдир.

Учинчи тоифа – ошиқлар эса Аллоҳнинг кўп ҳолатлари важд ва жазаба билан ўтадиган ошиқларидир. Ошиқлар фақат ишқ билан нафас олади. Уларнинг ишқи мажозий ёки башарий эмас, илоҳий ишқдир.

Энди тўртинчи тоифа – орифларга келсак, уларнинг ҳолати ҳам ошиқлар ҳолатига ўхшайди. Улар маърифат аҳлидан бўлиб, ақлу донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, нияти пок, покиза ахлоқли закий одамлардир. Орифлар ҳамма вақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларнинг қалбини тарбиялаган, уларнинг руҳий-маънавий иродасини чиниқтириб, кўнгили кўзини очиб, ҳақ ўйлига интилишни ўргатган.

Азизиддин Насафий «Зубдатул-ҳақойиқ» китобида орифга шундай таъриф беради: «Нарса ва ҳодисаларнинг ботиний моҳиятини англаса, назаридан ҳеч нарса яширин қолмаса ва тақлид чегарасидан ирфон чегарасига қадам қўйган бўлса, уни донишманд – ориф дейдилар».

Абдулқодир Гийлоний «Раббонийликни англаш» китобида зоҳид ва ориф даражалари хусусида сўз юритиб, орифга шундай баҳо беради: «Сўнги (зоҳидликдан кейинги) даражага кўтарилиб, имконияти қувватланади, Аллоҳ таолони танийди. У қалбига охирачни эмас, балки мавлосига етишишни қарор қилиб олади. Шу вақт дунё амалларининг мингтаси кўрилса ҳам қалбига зарар бермайди. Бунда у Аллоҳнинг буйруғига бўйсунди, ҳукмига, тақдирига мувофиқ келади. Аллоҳ учун инсонлар хизматида уларга енгиллик етказишда қойим туради. Зулматнинг ўрнига нурни етказди».

Алишер Навоий талқинича ҳам ориф Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукаммал хабардор бўлган солиқдир. Ориф Аллоҳнинг ҳайй (ҳаёт), илм, ирода, қудрат сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди. Балки бутун коинот – борлиқнинг сирларидан ҳам чуқур огоҳликка эришади.

Ориф Аллоҳнинг иззати, азамати ва қудратини ўта аъло даражада билади. У охирач орзуси билан эмас, Тангри таоло даргоҳига талпиниш билан яшайди.

«Насойимул-муҳаббат»да 23-рақам билан зикр этилган Абу Сулаймон Дороний ҳақидаги бобда Дороний тилидан шундай дейилади:



Аҳли тасаввуф инсонларни ибодатлари, каромат даражасига кўра тўрт гуруҳга ажратади. Бу – обидлик, зоҳидлик, ошиқлик ва орифликдир.

«...деди улдурки, икки дунёда мурод бирдин ўзга бўлмағай. Ва ҳам ул дебдурки, бир китобда ўқубменки, Ҳақ субҳаноҳу таоло дебдурки, тун кириши билан мени унутиб, уйқуга кетган кишининг менга муҳаббат даъво қилиши ёлғондир. Ва ҳам ул дебдурки, вақтики, Ироқда эрдим, обид эрдим ва Шомда орифмен. Бу тоифадин баъзи дебдурларки, Шомда анинг учун ориф эрдик, Ироқда обид эрди, агар анда обидроқ бўлса, мунда орифроқ бўлғай эрди. Ва ҳам Абу Сулаймон дебдурки, кўпинча ҳақиқат (кашфу асрор) қалбимда қирқ кунлаб улоқиб юради. Уларнинг фақат икки гувоҳ: оят ва ҳадис асосидагина қалбимдан жой олишига рухсат бераман. Ва ҳам ул дебдурки, қалб матлубни тополмай ғамгин бўлганида руҳ уни топганидан шод бўлади. Аҳмад Абулҳаворий дебдурки, Абу Сулаймонга дедимким, хилватда намоз қилдим, андин лаззат топтим. Сўрдиким, лаззатининг сабаби не эрди? Дедим, мени ҳеч (ким) кўрмади. Дедиким, қалбингда халқ ёди ўтган пайт сен албатта заифсен. Ҳам ул дебдурким, ҳар бир нарсанинг занги бўлади, қалб нурининг занги эса тўйиб овқатланишдир...». Юқоридагилардан англашиладики, кишининг орифлик ёки обидлик ҳолатига муҳит ҳам катта таъсир қилади.


Ориф зотнинг зоҳиддан фарқини ҳазрат Махдуми Аъзам қуйидагича баён қилади: «Ориф билан зоҳид орасидаги фарқ шуки, ориф бамисли қуёш, зоҳид бамисли ой, ой тунни равшан қилгай; қуёш эса кўп улуғ бўлиб, кунни равшан айлар. Зоҳид Аллоҳ таолонинг сўзига, ориф эса унинг ўзига машғул бўлгай. Зоҳид халқни илми зоҳир ила даъват қилгай, ориф халқни илми ботин билан даъват қилгай. Зоҳид ҳар не келса халқдан кўргай, ориф ҳар не кўрса Ҳақдан кўргай, зоҳиднинг талаби беҳишт, орифнинг талаби дийдор бўлгай...».

«Насойимул-муҳаббат» асарида 146-рақам билан зикр этилган Тоҳир Мақдисий ҳақидаги бобда орифлик тўғрисида шундай дейилган: «...Шом машойихининг бузурғларидиндур. Зуннун Мисрий (қуддиса сирруҳу)ни кўруб эрмиш ва Яҳё Жалло била суҳбат тутубдур. Дерларки, Зуннун била Шиблий ани Хайруш-Шом дебдурлар. Тоҳир Мақдисий дебдурки, Зуннун Мисрий манга дедиким, Аллоҳнинг зоти ҳақида идрок қилиш жоҳилликдир. Унинг маърифат ҳақиқатидан сўзлаш ҳайратдир. Ишорат қилувчининг ишорати ширқдир. Ва ҳам дебдурки, агар орифнинг нурун кўрсалар куйгайлар ва агар ориф ҳам вужуд нурун кўрса куйгай...».

Камолотга эришган орифларнинг ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари бизга ибрат, сабоқдир. Уларнинг табаррук руҳларини шод этиш, маърифатини ўрганиш орқали биз ўз қалбимизни – виждонимизни тозалаймиз, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари йўналтирамиз.

Хожа Аҳрор валий ҳикоя қилади: «Тошкентда экан вақтларим шаҳар атрофига чиқиб, орифона суҳбатлар уюштирдик. Бир йигитча бизнинг даврамизни узоқдан термилиб кузатиб турар, ҳеч нари кетгуси йўқ эди. Бир куни таҳорат олишга чиққанамда дарров келиб, сув тутқазди. Шунда мен унинг аҳволини сўрадим. Кўзига ёш олиб дедики: «Мени бир кўринмас куч сизлар томон тортиб туради, сизларга яқинлашсам сўзларингизни эшитсам, ажиб бир ҳолат сезаман, қувонгандан яйрайман». Хожа Аҳрор сўзида давом этиб дейдики, «...йигит биз билан юриб, суҳбатларимизга қатнашиб улуғ мартабаларга эришди...».

«Насойимул-муҳаббат» асарида 166-рақам билан келтирилган Файлон Самарқандий ҳақидаги бобда шундай дейилади: «...Ма-



Зоҳид халқни илми зоҳир ила даъват қилгай, ориф халқни илми ботин билан даъват қилгай.

шойихнинг киборидандур. Жунайд (қуддиса сирруҳу) била суҳбат тутубдур. Ва маорифда соҳиби такаллум эрди. Ул дебдурки, ориф Тенгридан Тенгрига боқар ва олим далилдин. Ва соҳиби важд далилдин мустағнийдурур...». Бундан англашиладики, ориф Аллоҳнинг тақдирот ишларига қараб Аллоҳ қандай муомалада эканини билади, олим эса далилларга қарайди. Ўз навбатида «соҳиби важд», яъни ошиққа далил керак эмас.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуфда ориф деб ўзини англаган, тўғри йўлга тушган Ҳақнинг одами тушунилади. Ориф ҳамиша қалб кўзи очиқ валий, Нажмиддин Розий ибораси билан айтганда, «Ҳақ тажаллиси ногоҳ келур, аммо дили огоҳга келур» ҳолатидаги инсондир. Ориф – ирфон соҳиби, англаган ва таниган инсон. Сўфийларнинг нуқтаи назарида ирфон Аллоҳ тухфаси бўлгани учун илмдан устун туради. Ориф – Аллоҳнинг шухуд, асмо ва сифатларини идрок этган, мавҳум борлигидан кечиб, Ҳақ борлигига интилган кишидир.

Мухтасар айтсак, ҳазрат Алишер Навоий «ориф» тушунчаси валий зотлар талқинида қандай эканига махсус тўхталиб ўтади. Зеро, ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам Аллоҳнинг ориф бандасидир.





Холиёр САФАРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети тадқиқотчиси

ТАХАЛЛУС НЕГА ТАНЛАНАДИ?



Бугун тахаллусларни ўрганиш мутахассисларнинг қизиқ юмушига айланган. Ҳатто тахаллусшунослик деган фан пайдо бўлди. 1970-йилларда Владимир Дмитриев «Ўз номини яширганлар» номли монография эълон қилди. Муаллифнинг ёзишича, «немис юристи Винцент Плацкий 1708 йилда лотин тилидаги ўн минг асар имзосиз ёки сохта ном, яъни тахаллус билан чоп этилганини аниқлаган. 1806 – 1809-йилларда Наполеон биринчининг кутубхоначиси Антуан Барбе француз тилида нашр қилинган асарлардаги тахаллус ва анонимларни тўплаб, тўрт томлик луғат тузган. Бу аъёна бошқа давлатларида ҳам давом этган. Масалан, данларда 10 минг,



Одатда ижодкорлар исм-фамилиясидан қониқмай ё хавф-хатардан қочиш учун тахаллус қўлайди. Бу ҳол жаҳон адабиётида ҳам кўп учрайдиган ҳодиса. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да келтирилишича, «тахаллус» арабча «қутулиш, халос бўлиш» деган маънони билдириб, бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, олим, санъаткор, журналист) ёки сиёсий арбобнинг ўзи учун танлаб олган иккинчи номини англатади*.

* Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
Т.: ЎМЭ. 2004, 300-бет.

инглизларда 60 минг, немисларда 83 минг сўзли тахаллуслар лугати яратилган»*.


Ўзбек адабиёти тарихида энг кўп тахаллус қўллаш жадидчилик даврига тўғри келади. Жадид адабиётини ўрганиш чоғида ўткир мавзулардаги мақола ва фелетонлар, ҳажвий ёки сатирик шеърлар тахаллус билан эълон қилинганини кўриш мумкин. Чунки улар душманларидан ўзини ҳимоя қилиш учун шундай йўл тутишга мажбур бўлишган.

Жадид адабиётида энг кўп тахаллус қўллаган ижодкор, шубҳасиз, Абдулла Қодирий. Бунинг қатор сабаблари бор. Адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида ёзувчининг ўткир тили ва аччиқ ҳажвиялари ҳаммага ҳам ёқавермагани сабабли кўп душман орттирганини ёзади. Қодирийнинг ўзи эса таржимаи ҳолида «Мени бойлар, эшонлар кўра олмас эдилар. Чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сирларини очувчи душманлари эдим»** дейди.

Қодирий душманлари ва таҳдидлардан сақланиш учун турли йилларда «Муштум» ва бошқа газета-журналларда босилган ҳажвий, танқидий чиқишларида эллиқдан ортиқ тахаллусдан фойдаланган. Уларнинг айримлари очиқ (халққа маълум), баъзилари яширин (мустаор) имзолар бўлган. Ҳабибулла Қодирий бу тахаллусларнинг аксариятини ўзи билган, баъзиларини хабардор кимсалардан сўраб, айримларини мақолаларнинг услуби ва мазмунига қараб эллиқ биттасини аниқлаган: Жулқунбой, Жирқинбой, Ж-бой, Жу-бой, У-бой, Ж., Жулқунбой Совринбой ўғли, Мулла Жулқунбой, Жулқинчитир, Думбулбой, Жулбулбой жияни, Думбулбой ўғли, Думбул девона, Думбулниса, Домладумбул, Жиян, Жиянингиз Муштум, Калвак махзум, Калвак махзум жияни, Калвак махзум Шоший, Тошпўлат, Тошпўлат тажанг, Алимов, А. Қ., Бойқуш, Индамас сўфи, Йўловчи, Кампир, Карнайчи, Колхозчи, Газнитчи, Лакаланг махзум, Мавлон куфур, Муштум, Сани худо, Телба, Овсар, Чин дўст, Чирманда ботир, Чи чора, Шапак махзум, Шоший, Шилғай, Боғбон, Қақилдоқ хўжа, Матбуот арисси, Мошхўрдаци, Шаккок, Мулла эшонбой, Ғўсхўр, Мулла Мушфиқий.

* Дмитриев В. Скрывшие свое имя. М.: 1970.

** Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, 37-бет.



2017 йилда «Info Capital Group» нашриётида чоп этилган «Абдулла Қодирий» тўпламининг 5-жилдида жами 37 та тахаллус келтирилган. Улар сирасига «Отам ҳақида» китобининг 1983 йилги нашрида қайд этилган 51 тахаллусдан фақат 33 таси киритилган.

Боис Қориевнинг тадқиқотида асосланган, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган «Адабий тахаллуслар ҳақида»*** сарлавҳали мақолада Абдулла Қодирийнинг 33 та тахаллуси келтирилган. Боис Қориев тахаллусларни алифбо тартибида бериб, уч қисмга (доимий, ўткинчи ва қисқартирилган) ажратган.

Боис Қориев адибнинг ўғли санаб ўтган 21 та тахаллусни руйхатга киритмайди. Манбалар солиштирилганда Боис Қориевнинг тадқиқоти анчайин асосли экани ойдинлашди. Чунки «Отам ҳақида» китобида Қодирий тахаллуслари дея келтирилган Жирқинбой тахаллуси шоир, драматург ва педагог Рафиқ Мўминовга (1900-1951), Газнитчи, Газетхон журналист ва таржимон Аъзам Айюбовга (1904-1938), Газетчи Босит Сиддиқовга (1900-1938), Шаккок Ҳилмизодага, Мулла Мушфиқий эса Мулла Мушфиқ тарзида маърифатпарвар шоир Ҳожи Муинга (1883-1942) ва Ғози Юнусга (1889-1942) тегишли экани аниқланган.

Жадид даври бошқа адибларининг иккитадан ўнтагача тахаллуси бўлган. Масалан, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Қаландар, Андижонли, Мирзоқаландар, Қора қаландар, Шумғиёх, Шумғия, Қ. каби саккизта тахаллусда ижод қилган. Абдурауф Фитратнинг Мижмар (чўғдон), Сарроф (заршунос); Маҳмуд Ҳодиевнинг Боту, Изчи муҳри билан;

*** Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1967. 1-сон. 51-бет.

Машриқ Юнусовнинг Элбек, Улуғбек, М. Ю., Э., Қ.; Мирмуҳсин Шермуҳаммадовнинг Муҳсин, Муҳсиний; Мирмулла Шермуҳаммадовнинг Мулла, Адабиётқули; Шокир Сулаймоннинг Сир, Сўроқчи; Маҳмуд Субаевнинг Абуваража, Ромул, Субой, Бой-Су, Семурғ; Зариф Башировнинг Эрмат, Тўқмоқ сингари тахаллуслари бўлган.

Буюк маърифатпарвар арбоб, педагог Абдулла Миравлонбой ўғли ҳам Авлоний, Абулфайзи, Сурайё, Шуҳрат, Ҳижрон, Индамас, Набил, Чегабой, Чекабой, Чол, Аб каби 11 та тахаллусдан фойдаланган. Қизиғи шундаки, жадидлар орасида уч нафари ижодкор Машраб, яна учтаси Шуҳрат, тўрт нафари Мухбир, тагин учтаси Шапалоқ, яна уч нафари Қишлоқи тахаллуслари билан ижод қилишганки, уларни алоҳида тадқиқ этиш зарур.

1920 – 1930-йилларда жадидлар қўллаган тахаллуслар бугун архаизмга айланиб бормоқда. Уларнинг айримлари кимга тегишли эканини аниқлаш амри маҳол. Масалан, «Гўзал ёзғичлар» тўпламида Чой тахаллусли муаллифнинг «Улуғ байрам» номли кечинмаси чоп этилган, аммо муаллифни аниқлашнинг имкони йўқ. Боис Қориев тадқиқотларида ҳам Чой тахаллуси кимники экани қайд этилмаган. Бундан ташқари, 1920-йилларда «Бухоро ҳақиқати» газетасида ишлатилган мавсумий тахаллуслар сони юздан ортиқ бўлиб, уларнинг кимга тааллуқлилигини аниқлаш ҳамон муаммо бўлиб қолаётир.

Тахаллус қўлланган ҳолатларга эътибор қаратсак қизиқ маълумотларга дуч келамиз. Тахаллуслар қаламга олинган мавзуга қараб ҳам ўзгариб борган. Масалан, Абдулла Қодирий энг кўп Жулқунбой тахаллусидан фойдаланган бўлса-да, «Муштум» ва бошқа газеталарга юборган диний мавзудаги мақолаларига Мулла Жулқунбой, Калвак махзум, Калвак махзум жияни, Калвак махзум Шоший, Домладумбул, Индамас сўфи, Лакаланг махзум, Мавлон кўфур, Шапак махзум, Шаккок, Мулла эшонбой, хотин-қизлар масаласидаги материалларига Думбулниса, Бойқуш, Кампир, Чирманда ботир, тўй, аза каби маросимлар билан боғлиқ мақолаларда Жулқунбой, Жулқинчитир, Думбулбой, Тошпўлат тажанг, Муштум каби тахаллусларни қўллаган.

Жадидлар ўз замонаси учун қалтис ҳисобланган мавзуларни ва ғояларни кўтарганда, албатта тахаллус қўллашган. 1925 йил-

да Элбек тузган «Гўзал ёзғичлар» китобида бу ҳолатга дуч келамиз. Китобга «Улоқда» ҳикояси Абдулла Қодирийнинг ўз номи билан, «Тинч иш», «Жинлар базми» эса Жулқунбой тахаллуси билан киритилган. «Баҳорнинг келиши» ҳикоясида муаллиф Ғафуржон Раҳимов ҳам Гултагин тахаллусини қўллайди. Рус тилидан таржима қилинган «Бинафша» ҳикоясида юртни бинафшага ўхшатган Қоримуҳаммадраҳим Тожий эса Тикан тахаллуси билан имзо чекади.

Адабиётшунос Тожи Қораев ҳамда Раҳим Воҳидовлар 1970-йилларда тахаллуслар устида тадқиқот олиб боришган ҳамда шоир ва ёзувчиларнинг тахаллусларини саккиз принцип асосида ажратган.

Ижодий меҳнат эвазига берилган унвон туфайли пайдо бўлган тахаллуслар (масалан, Юсуф Хос Хожиб).

Туғилган жойга – она ватанга чексиз меҳр ва садоқат рамзи сифатида танланган тахаллуслар (Абу Абдулло Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Исмат Бухорий, Бадриддин Чочий, Мавлоно Убаҳий).

Ижодкорларнинг касбу кори таъсирида танланган тахаллуслар (Умар Хайём, Мулла Қурбон Хиромий, Мавлоно Саккокий ва ҳоказо).

Ижтимоий келиб чиқиши, турмуш даражаси ва ўзи мансуб бўлган табақага боғлиқ тарзда танланган тахаллуслар (Муҳаммад Хоксор, Дарвиш Деҳакий, Мавлоно Хокий, Туробий, Бухорий, Амирий, Вазир ва бошқалар).

Шоирларнинг феъли, тақдири, руҳий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда юзага келган тахаллуслар (Бобо Савдойи, Мавлоно Жунуний, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Шариф Гулҳаний, Махмур, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат).

Ном – тахаллуслар (Мавлоно Мўминий).

Рамзий тахаллуслар (Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Шамсий, Баҳриддин Ҳилолий, Заҳриддин Бобур, Мавлоно Наргисий).

Буюк устозларнинг маслаҳати ва амир-амалдорларнинг кўрсатмаси билан қабул қилинган тахаллуслар (Мужрим Обид, Мавлоно Замоний)*.

Кўриниб турибдики, тахаллуслар шунчаки танланмайди. Уларнинг ҳар бири маълум бир маъно ёки рамзни ифодалаб, муаллифнинг мақсад ва ғояларига хизмат қилади. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

* Қораев Т., Воҳидов Р. Тахаллуслар. Т.: «Фан», 1979. 63-бет.



ХУДО БЕРГАН ХУДОЙБЕРДИ


Ўрта Осиё бой тарихи ва маданияти, буюк алломалар ва авлиёлар етиштириб берган ҳудуд сифатида танилган. Улар сирасида яссавия тариқатининг йирик вакили, улуғ авлиё шайх Худойдод Вали ҳам бор. Замонасининг қутби саналган бу авлиё оддий халқ етакчиси бўлиши билан бир қаторда ўз давридаги ҳукмдорларнинг пири ва маънавий устози бўлган.

Сардор ҚУВОНОВ,

Навоий давлат педагогика институтининг мустақил тадқиқотчиси

Бу улуғ зотнинг ҳаётидан ҳикоя қилувчи бир неча манба бизнинг давргача етиб келган. Жумладан, «Улуғ авлиё шайх Худойдод Валий» (Маноқиб) китоби (форс тилидан Сайфуддин Сайфуллоҳ таржимаси. Т.: Ўзбекистон, 2017, асл нусхаси Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти профессори, техника фанлари доктори Саидмақсуд Раззоқовнинг кутубхонасида сақланади) ҳамда Муҳаммад Олим шайх томонидан ёзилган ва Комилжон Каттаев таржима қилган «Ламаҳот» асарлари.

Маноқибни шайхнинг яқин халифаларидан Мавлоно Сайид Худойдод Валининг ҳаётлик чоғида ёзган. Ушбу валийнинг асл исми Худойберди (тўлиқ исми Ҳазрат азизон шайх Худойберди Вали ибн Ҳазрат азизон Ортиқ шайх) бўлиб, милодий 1461 йили ҳозирги Навоий вилоятининг Кармана шаҳри яқинидаги Саранж (Шаранж) қишлоғида асли хоразмлик Ортиқ шайх азизон хонадонидан дунёга келган.



Тасаввуф тариқатларининг ҳаммасида ҳам ҳақ йўлига кирган киши босиб ўтадиган руҳоний манзиллардан бири фақирлик ҳисобланади. Фақирлик моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки Аллоҳ наздида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳисоблашдир ва шунга мос ва монанд ҳаёт кечиришдир.

Худойбердининг ёшлик йиллари катта қийинчиликлар билан ўтган. У ота-онасидан жуда эрта етим қолади. Карманада мусофир, бирон яқин қариндоши бўлмаган Худойберди ўшанда ҳақиқий моддий фақирликни бошидан кечиради. Кимсасиз етимни шу ерлик бир киши қарамоғига олади. Шайх Худойберди ўзини фарзандликка олган кишини Мавлоно Халил Қорақумий деб айтади. Лекин бу етимпарвар инсон ҳам болани кийинтиришга қодир эмас, ўзи ҳам камбағал эди.

Маноқибда бу қийинчиликлар шайхнинг ўз тилидан шундай ҳикоя қилинади: «Бировларнинг қўйларини боқиб чўпонлик қилардим. Очлик, кийимсизликдан шундай аҳволга тушардимки, баъзан хушсиз бўлиб ўзимдан кетиб қолардим. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг бир мард кишининг менга раҳми келиб, ўғил қилиб олди. У мени мактабга олиб борди. Ҳаддан ташқари озғинлигим ва юпун кийинганимдан мактабдагилар мендан ор қиларди. Аҳволим шу даражада бўлса-да, таҳсилни тарк этмадим» (Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд, 1995, 8-бет).

Худойберди кейинчалик Ғиждувон, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади: «Ғиждувонда илм талабида юрган вақтларимда камбағаллигим шу даражага етган эдики, қишин-ёзин ҳужрада оёқ остига тўшалган бир парча хасдан бошқа ҳеч вақом йўқ эди: на овқат пиширмоққа қозону ва на сув ичмоққа косам бўлган. Толиби илм бўлган чоғимда битта пўстинни уч қиш давомида кийганман, менда на бир тузук иштон бор эди ва на бутун кўйлак. Битта кўйлакнинг ёқасини топиб бўйнимга боғлаб олган эдим, бу ишни биров кўйлагим йўқлигини билиб қолмаслиги учун қилганман. Ва бировнинг олдида камбағаллигимни ошкор қилмасдим».

Унинг машаққатли йиллари ҳақидаги хотиралари кейинчалик, яссавия тариқатининг барча муршидлари каби ҳикмат айтган пайтларида қуйидаги шеърий сатрларга айланади:

*Ишқинг била бағрим кабоб,
Йўқлук учун ҳолим хароб.
Мен на қилай сендин токи,
Мендин сенга демак керак.*



Фақирлик моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки Аллоҳ наздида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳисоблашдир ва шунга мос ва монанд ҳаёт кечиришдир.



*Шайх Худойдод Вали илмига амал қилиш
бобида ҳам тенгсиз намуна кўрсатган.*

Бўлажак шайх Самарқандда яссавия пирларидан бўлган Шайх Жамолиддинга мурид тутинади. Шайх Худойбердини муридликка қабул қилар экан, исмини сўрайди ва «...сизни менга худо берди, энди номингиз Худойдод бўлсин» дейди (Муҳаммад Олим шайх азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форс тилидан К. Каттаев, А. Нарзуллаев таржимаси. Самарқанд, 2007. 78-бет).

Шу тариқа шайх Худойдод ёшлигиданоқ қийинчиликлар ичида илмга интилиб, сўфийлик шартларини матонат ила бажариб, хокисорлиги ва меҳнати билан маънавий камол топа бошлайди. Шайх Жамолиддинни 1484 йили Шайбонийхон недир сабаб билан Хуросонга сургун қилади. Ушанда 23 ёшда бўлган Худойдод устозининг изни ва иршоди билан Мовароуннаҳрда тариқат йўлбошчисига айланади.

Олимларнинг такидлашича, бу давр яссавия тариқатининг ва Ўрта Осиё илм-фанининг энг юксак даражага эришган даври ҳисобланади. Қолаверса, шайх Худойдод Валининг деярли ярим асрлик фаолияти ушбу тариқат мўътадиллигини таминлаган эди. Шайх Худойдод Вали яссавия тариқати силсиласининг XV аср охири – XVI асрдаги давомчиси сифатида ўз даврининг машхур пири даражасига етиб, ўзидан кейинги ўнга яқин муридга раҳбарлик қилган.

Шайх Худойдод Валининг кучли ва маҳоратли курашчи бўлганлиги кўплаб ривоят ва ҳикоятлар орқали бизга маълум. Кураш санъатини у нафақат жисмоний тайёргарлик, балки руҳий ва маънавий камолотнинг бир қисми деб билган. Нақл қилишларича, бир куни шайх Худойдод Вали Қарноб даштига боради. Қарноб бегининг халққа адолатсизлигини кўриб, жуда ғазабланади, қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб, ҳокимга арз қилиш мақсадида Бухорога жўнайди. Бу ерда ҳукмдор уюштирган сайилда қатнашиб, мамлакат полвонлари билан курашиб, барчасини

енгади ва ҳокимнинг эътиборини қозонади. Шунда ҳоким шайх Худойдодни қабул қилиб, орзу-тилагини сўрайди. Ҳазрат Қарноб бегининг адолатсизлигини айтиб, халқни ундан халос этишини илтимос қилади. Ҳоким Қарноб бегини жазолайди ва у ерда адолат ўрнатади.

Шайх Худойдод Вали илмига амал қилиш бобида ҳам тенгсиз намуна кўрсатган. Маноқибда эсланишича, Карманада ўша замон уламолари ва шайх бошчилигидаги сўфийлар ўртасида тортишув бўлади ва ўртага фитна тушади. Бир куни шайх Худойдод Вали Самарқанддаги суҳбатлардан бирида ўша уламолардан бирини учратади. Унинг ҳузурида бир пора ҳадис ўқиб, дейдики, «Сизнинг илмингиздан меники кўпроқ, чунки мен ушбу ҳадисга амал қилардим: «Ҳамма мўминни сулҳга чорланг». Шайх доимо «амалсиз кўп илм оздур» деб таъкидлаган.

Шайх Худойдод ҳаёти давомида «эҳсонга ҳеч бир нарсангиз йўқми, яхши гап ҳам садақадир» деб яшаган. Одамларга уларнинг ақлига мос даражада суҳбат қилиш лозимлигини таъкидлаб, дуоларида эса ҳаммани ўзидан рози қилишини худодан сўрар эди.

Шайх Худойдод Вали ҳам энг катта устози Хожа Аҳмадга эргашиб, шеърий ҳикматлар айтган. Кейинчалик шогирдлари уларни тўплаб, муридлар орасида тарқатган. Бу ҳикматлар Машраб ва Сўфи Оллоёрнинг талқин ва таснифларига бир қадар ўхшаб кетади. Уларда банданинг худо дийдорини чин дилдан ишташ ва бу борада бори мавжудликдан воз кечиш каби руҳий ҳолат, ички дард ифода этилади:

*Эй, сенинг ишқинг мени кўп ўзига зор айлади,
Хуш муборак жазбаким барчага безор айлади.
Эй, сенинг дардинг билан қолғумдурман то абад,
Бу саодат кўркидур афлоки даввор айлади.
Эй, Худойдод, лутфини кўр, боқибон ҳамвор бўл,
Ўзига нисбат учун ўзгага агёр айлади.*

Шайх Худойдод ғазалларининг аксариятида ўзлигини танишга интилаётган инсоннинг Оллоҳ таолога илтижоси ва мурожаати сезилиб туради. Ҳикматлар ҳам туркий, ҳам форсийда содда, равон ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ёзилган.

SUMMARY

The last edition of “Ma’naviy hayot” magazine in 2024 has been published.

This edition of the magazine features articles on various topics related to spiritual, social and political aspects.

The first article of magazine is related to the work of our great compatriot Ahmad al-Farghani, and the author of the article, Ismatilla Tokhtarov, has seriously studied the life and work of the scholar.

Researcher Nigora Husanova’s article entitled “Ong olamidagi inqiloblar” covers the issues that are going on in the consciousness of today’s generation, attracting or alienating them.

Also, from the “Suyunchi” column of “Ma’naviy hayot” there is an article entitled “Maysalar quyoshga talpingan kabi”, which talks about the seventh complete translation of the holy book Qur’anic meanings.

In the column “Burihish nuqtasi”, this time you will get acquainted with the material authored by writer Nazar Eshonqul. You will get to know and learn life conclusions of a famous writer that made a turning point in his life and work, and will serve as an example to the reader.


Azim Ro’ziyev’s article titled “Qiziqchilikmi yo buzuqchilik” reveals the problems that make the reader think about the current state of Uzbek comedy and humor.

Journalist Shahnoza Rofiyeva’s article named “Kasbimni nega o’zgartirdim?” talks about the issues that arise in front of young people, who are prominent in our social life today, and who work in a completely different field, although their original specialty is different.

It would not be a mistake to say that the article “No’g’aylar” by scientist Anvar Bo’ronov is another great gift for our readers who are interested in the history of Turkic peoples.

Also, on the page of “Otalar va qizlar”, which is a traditional column of the magazine, there is a material full of intense memories with the daughters of the famous scientist Begali Kasimov.

In the last edition of “Ma’naviy hayot” magazine in 2024, there are many other interesting articles and scientific studies.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ
№4 (44), 2024

Муассис:

Республика Маънавият
ва маърифат маркази

Бош муҳаррир:

Эшқобил ШУКУР

Ижодий гуруҳ:

Азим РЎЗИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Мусулмон НАМОЗ
Ҳасан КАРВОНЛИ
Шаҳноза РОФИЕВА
Гулжаҳон НОМОЗОВА

Масъул котиб:

Орзу АЪЗАМ

Фотограф:

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Муқова фотолари муаллифи:

Абдуғани ЖУМА
Тошкент куранти
(муқова)

Ички муқова фотоси

муаллифи:
Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Манзил:

Тошкент шаҳри,
Бобур кўчаси, 6-уй.
e-mail: manaviyhayot@inbox.ru
Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);
90 319 11 41 (маркетинг ва
реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
30.06.2015 йилда 0828-рақам
билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.
Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Босишга 14.01.2025 да рухсат
берилди. Бичими 60x84 1/8.
Оффсет усулида босилди.
Босма табоғи 14,0.
Буюртма № 24-454
Адади 5710 нусха.
Обуна индекси: 919
ISSN 2181-7766

Журнал Фафур Фуломномидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида
чоп этилди.

Манзил: 100128, Тошкент ш.,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

Обуна
индекси:

919

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг
қўмакчингиздир.
Журналга обуна бўлинг!



